



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI
O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O'ZBEKISTON IQTISODIYOTI

5

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

5

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent - 2022

UDK: 818.213

BBK: 84.61

B-29

Butun kuch va salohiyatimizni yagona ulug‘ maqsadimiz – Yangi O‘zbekistonni barpo etishga qaratamiz.

Yangi O‘zbekiston – bu, avvalo, yangi iqtisodiy munosabatlar, yangi iqtisodiy dunyoqarash demakdir.

**O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti
Shavkat Mirziyoyev**

Все свои силы и потенциал мы направим на достижение нашей общей великой цели - построение нового Узбекистана. Новый Узбекистан это прежде всего, новые экономические отношения, новое экономическое мировоззрение.

**Президент Республики Узбекистан Шавкат
Мирзиёев**

© Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti

© «KLASSIC PRINT» nashriyoti

Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti Ilmiy-uslubiy jurnal

Ilmiy-uslubiy jurnal 17.02.2022-yildan boshlab chiqa boshlagan, yiliga 6 marta chop etiladi.

Ta’sischi:

MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

Bosh muharrir

i.f.d., prof. A.Qodirov

Bosh muharrir o‘rinbosari

PhD, dots. X.X.Rejapov

Mas’ul kotib

PhD. K.A.Muxitdinova

Jamoatchilik kengashi:

Prof. I.U.Madjidov (rais), prof. Sh.Toshmatov, PhD E.Yodgorov, i.f.n., dots. A.T.Umarov, i.f.d., prof. A.Qodirov

Tahrir hay’ati:

Prof. Sh.O.Toshmatov, i.f.d., prof. A.Qodirov, prof. A.V.Vaxabov, prof. X.P.Abdulqosimov, prof. F.T.Egamberdiyev, prof. Sh.K.Yo‘ldashev, prof. A.M.Sodiqov, dots. Q.Muftaydinov, i.f.d. Q.K.Mambetjanov, i.f.d. Z.T. G‘oipnazarova, i.f.d., G.N.Maxmudova, i.f.d. I.Y.Umarov, prof. v.b. P.Z.Xashimov, prof. N.G.Mo‘minov, dots. A.T.Umarov, dots. Sh.S.Nasretidinova, dots. B.B.Mullaboyev, dots. Z.Jumaqulov, dots. N.A.Artiqov, dots. K.A.Muxiddinova, dots. D.I.Ro‘ziyeva, dots. X.X.Rejapov, dots. A.Boboyev, dots. X.Baratov, dots. A.M.Tursunov, PhD U.S.Berdimurodov, dots. O.O.Daminov, dots. J.O.Xakimov, dots. N.A.Kudratxodjayeva, dots. M.I.Saidkarimova, i.f.n., dots. Sh.R.Fayziyeva

Tahririyat manzili:

10095, Toshkent - 95, Universitet ko‘chasi, 4. tel: (+99899) 821-20-72

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administrasiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikasiyalar agentligi tomonidan 17.07.2022-yilda № 4715-son bilan ro‘yxatga olingan.

Buyurtma: ISSN 978-9943-5256-3-4

Jurnalda ma’lumotlar bosilganda dalillar ko‘rsatilishi shart. Jurnalda chop etilgan ma’lumot va keltirilgan dalilarning aniqligi uchun muallif javobgardir.

“Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti” №5.2022

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи.....	9
Маджитов И.У. Иқтисодий ривожлантиришда таълимнинг ўрни.....	16
Тошматов Ш.А. Иқтисодий соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш давр талаби.....	18
Умаров А. Глобаллашув шароитида минтақанинг мувозанатли ривожланиш стратегиясини шакллантириш механизми.....	22
Абулқосимов Х.П. Ўзбекистонда минтақавий сиёсатнинг хусусиятлари...39	39
Gaibnazarova Z.T. Features of the role of human capital in the innovative development of the economy.....	46
Тагаев Б.Э. Меҳнат бозорида ёшларнинг иш билан бандлиги: муаммо ва ечимлар.....	51
Газиев У.А., Кадырова Д.Ш., Шакиров Т.Т., Рахимов Ш.Т. Технические обоснования применения нового вида заполнителя.....	61
Акимниязов Т.Б. Актуальные вопросы финансирования проектов в условиях глобальной неопределенности.....	65
Абдуллаева Р.Г. Ҳунармандчиликда оилавий бизнесни ривожлантириш хусусиятлари.....	70
Хашимов П.З. Кадыров А.А. Особенности развития мирового рынка страховых услуг.....	78
Турсунов А.М. Ўзбекистон электроэнергетика тармоғини ривожлантиришдаги имкониятлар ва улардан фойдаланиш йўллари хусусида.....	85
Бердимуродов У.С. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланишни истиқболли йўналишлари.....	90
Саидрасулова Х. “Ўзбекнефтгаз” АЖ корхоналарини инвестициялаштириш ва асосий ишлаб чиқариш фойдаларининг жисмоний ва маънавий эскиришини башоратлаш.....	97
Муфтайдинов Қ. Тадбиркорлик имкониятини ошириш йўналишлари.....	110
Мўйдинов Х.А. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий хавфсизликни олдини олишда А.Смит Д.Рикардо ва Дж.М.Кейнс назарияларини ўрни.....	122



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАЎБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида чин дилдан қутлайман.

Қадимий ва меҳмондўст Самарқанд шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотиغا аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар раҳбарларини, фахрий меҳмонларимиз ва халқаро ташкилотлар вакилларини шахсан қабул қилиш шарафига муяссар бўлганимдан мамнунман.

Буюк ипак йўлининг қоқ юрагида жойлашган бу муаззам шаҳар минг йиллар давомида миллатлараро мулоқот, ўзаро маданий ва маънавий ҳамкорлик, савдо ва илмий алмашинувлар маркази сифатида хизмат қилиб келган.

Бугунги кунда пандемия ва дунёдаги мураккаб вазиятга қарамасдан, Самарқанд яна бир бор Евроосиёнинг улкан макони етакчиларини бирлаштиргани, халқаро сиёсат ва иқтисодиёт марказига айлангани қувонарлидир.

Мен анжуманимизда биринчи маротаба иштирок этаётган давлат раҳбарлари – Покистон Ислом Республикаси Бош вазири жаноб Шаҳбоз Шариф, Туркия Республикаси Президенти жаноб Режеп Таййип Эрдоған, Озарбайжон Республикаси Президенти жаноб Илҳом Алиев, Туркменистон Президенти жаноб Сардор Бердимухамедовни самимий қутлайман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Хурматли учрашув иштирокчилари!

Биз ШХТга раислик давримизда Ташкилотимиз доирасидаги амалий ҳамкорликни фаоллаштириш, унинг салоҳияти ва халқаро нуфузини оширишга интилдик.

Хавфсизлик масалалари билан бир каторда савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга устувор эътибор қаратилди.

Ташкилот фаолиятининг барча соҳаларида кўплаб ташаббуслар амалга оширилди. Пандемия ва глобал инқироз оқибатларига қарамасдан, Раислик режасини биргаликда тўлиқ амалга оширишга муваффақ бўлдик. 80 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз бугун қабул қилинган 40 дан ортиқ ҳужжатда ўз ифодасини топган.

ШХТнинг барча давлатлари, шунингдек, Ташкилот Котибияти ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитасига раислигимизга фаол ёрдам бергани учун яна бир бор миннатдорчилик билдираман.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Дунёда ишонч ва ўзаро бир-бирини тушуниш тақчиллиги сезилаётган, қарама-қаршиликлар ва можаролар кузатилаётган бугунги шароитда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан кўплаб таҳдидлар кучайди.

Иқлим ўзгариши, сув ва табиий ресурсларнинг етишмаслиги, пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги инқирози каби замонамиз муаммолари барқарор ривожланиш учун жиддий хавф туғдирмоқда.

Ўзаро ишонч, адолат ва ҳамжиҳатликка талаб глобал миқёсда тобора ортиб бормоқда. Шу муносабат билан очиқ ва конструктив мулоқотни давом эттириш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб этилмоқда.

Ташкилотимиз фаолияти шундай мулоқотни амалга ошириш мумкинлигини дунёга намоён этмоқда.

ШХТ очиқлик ва блоklarга қўшилмаслик тамойилларига қатъий содиқлиги туфайли иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаб, халқаро ҳамкорликни муваффақиятли тарзда чуқурлаштирмоқда. ШХТ таркиби кенгайиб, шериклик муносабатларимиз ривожланиб бормоқда.

Бугун Эрон Ислом Республикасининг Ташкилотга тўлақонли аъзо сифатидаги мажбуриятлари тўғрисидаги Меморандум имзоланмоқда. Ушбу тарихий воқеа билан Эрон Президенти жаноб Иброҳим Раисийни ва барча ҳамкасбларимизни чин қалбимдан табриклайман.

Миср Араб Республикаси ва Қатар Давлатига мулоқот бўйича шериклар мақомини бериш тўғрисидаги меморандумлар имзоланишини мамнуният билан қабул қиламиз.

Бундан ташқари, биз Беларусь Республикасига ШХТнинг тўлақонли аъзоси, Баҳрайн Подшоҳлиги, Кувайт Давлати, Мальдив Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари ва Мьянма Иттифоқи Республикасига – мулоқот бўйича шериклар мақомини бериш бўйича процедураларни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилмоқдамиз.

ШХТнинг географик қамрови кенгаяётгани ўз мисолида самарадорлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва амалий саъй-ҳаракатларни намойиш этаётган Ташкилотимиз фаолиятининг долзарблигини яна бир тасдиқламоқда.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

ШХТ ўз тараққиётининг янги, янада масъулиятли босқичига қадам қўймоқда. Зиммамизда ҳамкорликнинг кўплаб устувор вазифаларини биргаликда ҳал этиш масъулияти турибди.

Бизнинг фикримизча, авваламбор, Ташкилотнинг блокларга қўшилмаслик мақомини ва унинг очиклигини сақлаб қолиш муҳимдир.

Биз хавфсизликнинг яхлитлик тамойилига қатъий риоя қиламиз. ШХТнинг фаолияти кенг ҳамкорликка йўналтирилган бўлиши лозим. Марказий Осиё ШХТнинг "географик ядроси" мақомини сақлаб қолиши кераклигига ҳам ишончимиз комил.

“Шанхай руҳи” тамойиллари асосида бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустаҳкамлаш яна бир асосий вазифа ҳисобланади. Биз фақат шу йўл билангина ШХТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашимиз мумкин.

Ушбу принципал ёндашувлардан келиб чиқиб ва бугунги халқаро вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ШХТни 2040 йилгача Ривожлантириш стратегиясини тайёрлашга киришишимиз мумкин, деб ҳисоблайман. Ушбу дастурамал ҳужжат кўп қиррали ҳамкорлигимизнинг барча йўналишларини қамраб олиши, ШХТни узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши лозим.

Авалло, иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш ғоят муҳимдир. Бу масала минтақада барқарорликни таъминлаш ва мамлакатларимиз аҳолиси фаровонлигини оширишнинг асосий шартларидан биридир.

Кўриниб турибдики, кўпроқ иқтисодий барқарорликка эришиш учун минтақавий ҳамкорликнинг ишончли моделларидан фойдаланиш зарур. ШХТ мамлакатлари ўртасида қисқароқ “таъминот таянчи”га эга ишлаб чиқариш занжирларини яратиш учун амалий ҳаракатларга ўтиш ўта муҳимдир.

Биз ШХТ мамлакатлари иқтисодиётларининг бир-бирини ўзаро тўлдириб боришдаги афзалликларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд салоҳиятни максимал даражада оширишдан манфаатдормиз. Шу муносабат билан ШХТнинг янги иқтисодий мулоқотини бошлаш асосида саноат ва технологик ҳамкорликнинг умумий маконини шакллантиришни таклиф этамиз.

Унинг асосий вазифаси савдо ва божхона тўсиқларини бартараф этишга, кафолатланган ва барқарор ишлаб чиқариш ва таъминот занжирларини шакллантириш, маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босишга қаратилган қўшма дастурларни рағбатлантиришни кўзда тутати.

Шунингдек, бу вазифа ўзаро сармояларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, уларни биринчи навбатда, инфратузилмани ривожлантириш, рақобатбардош саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасига

йўналтириш орқали биз яратган савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг барча механизмларини бирлаштириш ва фаоллаштиришдан иборат бўлади.

Мамлакатларимиз ўртасида кенг кўламли иқтисодий ҳамкорликни таъминлаш ва амалий ҳамжиҳатликнинг аниқ натижаларига эришиш мақсадида Ўзбекистонда ШХТ минтақаларининг бизнес шериклиги ҳафталигини ўтказишни таклиф этамиз.

Саноат кооперациясини чуқурлаштириш ва ўзаро савдони рағбатлантириш мақсадида ШХТ мамлакатлари Махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш тарафдоримиз. Биз келгуси йилда Самарқандда “Ўзбекистон–ШХТ” саноат зонаси базасида махсус зоналар администрациялари раҳбарларининг биринчи учрашувини ўтказишга тайёрмиз.

Яна бир чора-тадбир сифатида ҳар йили ШХТ йирик савдо ярмаркасини ўтказишни, унинг асосида ягона электрон платформа яратишни таклиф этамиз.

Биз қабул қилаётган Минтақалараро савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси ҳам бунга ёрдам беради.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Шуни тан олиш керакки, мамлакатларимиз кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари, экспорт ва импорт қилувчилари бўлишига қарамадан, ШХТ майдончасида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ҳали жиддий ҳамжиҳатликни йўлга қўя олмадик.

Давлатларимиз салоҳияти ички бозорларни бошоқли экинлар, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотлари, асосий озиқ-овқат турлари ҳамда зарур ўғитлар билан мунтазам таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари, биз ушбу муаммони глобал даражада ҳал қилишга ҳисса қўшишимиз керак.

Шу муносабат билан Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Ушбу ҳужжатда мавжуд норматив-ҳуқуқий базани яқинлаштириш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш ва янгиликларни жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутиш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, кишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва қайта ишлаш дастурларига, тўғридан-тўғри ўзаро таъминотнинг мувофиқлаштирилган схемаларини шакллантиришга, юқори сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш учун самарали логистика, "яшил" ва экспресс-йўлақларни ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Ушбу ҳаётий масалаларни кенг муҳокама қилиш мақсадида келгуси йили Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказишни таклиф этамиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугун биз ШХТнинг ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва самарали транспорт йўлақларини яратиш концепциясини қабул қилмоқдамиз.

Концепциянинг асосий қоидаларини амалиётга татбиқ этиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўллаб-қувватлаши остида Тошкент шаҳрида Минтақалараро ўзаро боғлиқлик марказини ташкил этишни таклиф қиламиз.

Шунингдек, саммит доирасида Хитой–Қирғизистон–Ўзбекистон темир йўли қурилиши тўғрисида уч томонлама Битимнинг имзоланишини ҳам тарихий воқеа, деб ҳисоблаймиз.

Сизларни стратегик жиҳатдан яна бир муҳим лойиҳа – Термиз–Мозори Шариф–Кобул–Пешовар темир йўли коридори қурилишини ҳам қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

Ушбу икки лойиҳанинг амалга оширилиши ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш, умуман олганда, Ташкилотимиз маконида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун кенг имкониятлар очади.

Транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги барча истикболли лойиҳаларни биз келгуси йили Ўзбекистонда ШХТ Биринчи транспорт форуми доирасида муҳокама қилишимиз мумкин бўлур эди.

Кун тартибидаги экологик муаммолар алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Бугун Иқлим ўзгаришига муносабат бўйича қўшма Баёнот қабул қилиш орқали ШХТ ушбу хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашишда бирдамликни намоён этмоқда.

Шу билан бирга, барчамиз учун ҳаётий ўта муҳим бўлган ушбу соҳада амалий ҳамкорликнинг янги механизмлари ва шакллари зарурдир.

Биз ўз таркибида сиёсатчиларимиз, жамоат арбоблари, олимлар ва эксперт-экологлар, бизнес вакилларимизни бирлаштира оладиган ШХТ Иқлим кенгашини тузишни таклиф қиламиз.

Бундай формат иқлимга мослашиш лойиҳаларини илгари суриш, чўлланишга ва тупроқ деградациясига қарши курашиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишдаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишга имкон беради.

Бу масала Орол денгизи экологик фожеасининг ҳалокатли оқибатларини бартараф этиш нуқтаи назаридан алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

Хавфсизлик соҳасидаги самарали ҳамкорлик ШХТ ривожланишининг муҳим шарт ҳисобланади. Янги реаллик шароитида мамлакатларимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиришни мустаҳкамлаш долзарб масала ҳисобланади.

ШХТ минтақавий аксилтеррор тузилмаси самарадорлигини ошириш, жумладан, хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарлардан огоҳлантириш ва уларга тезкорликда муносабат билдиришга оид шартномаларимиз асосида ушбу тузилманинг фаолиятини такомиллаштиришнинг аллақачон мавриди келган.

Мамлакатларимиздаги вазиятни баҳолаш ва бугунги воқеликни ҳисобга олган ҳолда мажмуавий қарорлар қабул қилиш учун Минтақавий

аксилтеррор тузилмаси кенгашининг йиллик сайёр йиғилишлари амалиётини йўлга қўйиш муҳимдир.

Радикализмнинг ўсиб бориши хавfli тенденцияга айланмоқда. Ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик, турли носоғлом мафкураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, кўп жиҳатдан аллақачон замонавий ҳаётни белгилаётган хавфсиз ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратишни истар эдим.

Фақат кучларни бирлаштириш орқали, бир пайтнинг ўзида, ахборот маконидаги таҳдидларни камайтира борган тақдирдагина биз рақамлаштириш афзалликларидан тўла фойдалана олишимиз мумкин.

Кибержиноятчиликка қарши курашиш учун қўшма платформани яратиш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришни кучайтириш ШХТнинг энг устувор йўналишларидан бўлиб қолиши лозим.

Ушбу масалада яқинда бўлиб ўтган Тошкент конференциясини қўллаб-қувватлаганликлари учун ҳамкасбларимга алоҳида миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Мазкур анжуманда афғон делегацияси, кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг, жумладан, ШХТ вакиллариининг иштироки жаҳон ҳамжамиятиниинг ушбу мамлакат билан ҳамкорлик бўйича мувофиқлаштирилган ёндошувларни ишлаб чиқишга бўлган интилишини тасдиқлайди.

Шуни таъкидлашни истардимки, афғон халқи яхши қўшничилик ёрдамимизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтождир. Биз ўтмишдаги хатоларни такрорламаслигимиз ва Афғонистонни унинг муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслигимиз лозим.

Санкциялар сиёсатининг кучайтирилиши ва Афғонистоннинг ҳозирги ҳукумати янада яккаланиши муқаррар равишда мамлакат ичида радикаллашувнинг кучайишига олиб келади ва уни террорчилик ташкилотлари учун плацдармга айлантиради.

Шу боис биз Афғонистон муваққат ҳукумати томонидан илгари қабул қилинган, шу жумладан, аёллар ва болалар ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариши бўйича Кобул билан конструктив алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз.

Бундан ташқари, Афғонистонни гуманитар қўллаб-қувватлаш бўйича махсус фондни бизнинг мазкур мамлакатга чегарадош бўлган Термиз шаҳрида — у ердаги мавжуд транспорт-логистика хабининг замонавий инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда, биргаликда таъсис этишни таклиф қиламиз.

Фонд маблағлари ушбу мамлакатдаги ижтимоий инқирозни бартараф этиш, ёшлар учун таълим дастурлари ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Маданий-гуманитар алоқалар анъанавий равишда ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам асосини шакллантиради. Халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш ШХТ минтақасидаги тинчлик ва кенг қамровли шерикликнинг гаровидир.

Бугун қабул қилинаётган Узоқ муддатли яхши кўшничilik, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича комплекс режа айнан шу мақсадларга қаратилган.

Маданиятлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш тамойилига таянган ҳолда, Ташкилотимиз миллионлаб одамларга маданиятлараро мулоқот ва ўзаро алмашувнинг янги имкониятлари эшикларини очиб беради.

ШХТ доирасида университет ректорлари форуми, маданият ва туризм кунлари, кўшма спорт тадбирлари ва универсиадалар сингари кўшимча форматларни таъсис этиш зарур, деб ҳисоблайман.

Шуни қайд этишни истардимки, замонавий технологиялар бизга маданиятлараро мулоқотнинг рақамли платформаларини ишга тушириш имконини беради.

Бу - виртуал музейлар ва ижодий кўргазмалар, илмий видеоконференциялар бўлиб, улар, аҳоли, жумладан, ёшларни бундай лойиҳаларга фаол жалб қилиш орқали халқларимизнинг янада яқинлашишига кўмаклашади.

Ўзаро туристик оқимларни кўпайтириш, сайёҳлик соҳасида кўшма дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш ҳам шу мақсадга йўналтирилади.

Ушбу устувор йўналишдаги ҳамкорлигимизни фаоллаштириш учун келгуси йилни ШХТ маконида туризмни ривожлантириш йили, деб эълон қилишни таклиф этаман.

Ишончим комилки, бугун қабул қилинаётган Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим биргаликдаги ишларимиз учун зарур ҳуқуқий замин яратади.

Қадрли дўстлар!

Самарқанд қадим-қадимдан Шарқий Осиёдан то Шимолий Африка, Яқин Шарқ ва Европагача бўлган маконда яшайдиган халқлар ўртасида маънавий, иқтисодий, маданий ва илмий алмашувларнинг маркази бўлиб келган. Асрлар давомида бу ерда турли цивилизациялар вакиллари ўртасида самарали мулоқотнинг ўзига хос маданияти яралган.

Самарқанд – биз ШХТни тузишда асос қилиб олган бағрикенглик ва турли халқларнинг анъана ва қадриятларига ҳурмат тамойиллари асрлар давомида ҳаётга татбиқ этилган жонли намунадир.

Ҳозирги кунда геосиёсий рақобат, мафкуравий зиддият ва баҳслардан холи бўлган бундай мулоқот фавқулодда зарурдир.

Шу боис бугун Ўзбекистон шерикларга умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлидаги Самарқанд бирдамлиги ташаббусини тақдим этишдан мамнундир.

Бу ташаббуснинг мақсади – бизнинг умумий келажагимизга бефарқ бўлмаган, ихтилофларга қарамасдан келишилган ёндошувлар ва қарорларни излашга тайёр, "Самарқанд руҳи" тамойилларига ҳамфикр бўлганларнинг барчасини глобал цивилизациялараро мулоқотга жалб қилишдир.

Унинг амалий ижросига доир масалаларни сиёсий етакчилар, жамоатчилик, ишбилармонлар, академик ва эксперт доираларининг нуфузли вакиллари иштирокида келгуси йили Самарқанд халқаро форумида биргаликда кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Биз тез фурсатларда барча шерикларимизга тақдим этадиган сермазмун Ҳаракатлар дастури форум ишининг асоси бўлади. Сизларнинг кенг қўллаб-қувватлашингизга ва ташаббусимизни тарғиб қилишдаги иштирокингизга умид қиламан.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Сўзимнинг якунида Ўзбекистон раислигидаги мақсадларга эришишда фаол кўмаклашганингиз учун барчангизга яна бир бор самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, бугун қабул қилинаётган ҳужжатлар ва қарорлар мамлакатларимиз ва халқларимиз тараққиёти ҳамда фаровонлиги йўлида минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш мақсадида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти янада изчил ривожланишига ҳамда Ташкилотимиз нуфузининг юксалишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

Маджидов И.У. (ЎзМУ ректори, т.ф.д., проф.)

Жаҳон амалиётидан маълумки, у ёки бу рейтинг натижалари орқали мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати баҳоланиб борилади. Жумладан, Ўзбекистонда рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлар эътиборга олинади. Юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликнинг ҳуқуқий базасини жаҳон стандартлари даражасида такомиллаштириш борасида аниқ фаолиятлар йўлга қўйилган. Аҳамиятлиси шундаки, амалга оширилаётган бу каби ишлар халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Бугунги давр талаблари кечаги куннинг мезонларидан буткул фарқ қилади. Ҳозир замонавий фикрлайдиган, энг сўнгги янгиликлар билан ҳамнафас яшайдиган, кун сайин дунёкарашини бойитиб борадиган кадрларни тайёрлашга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бу жараёнда, айниқса, олий таълим тизими зиммасига катта масъулият юкланади. Бозор иқтисодиёти шароитида демократик кадриятларни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида инсон иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг фаол субъекти сифатида фаолият кўрсатади.

Бу эса, ўз навбатида, ёш авлодни бутун ҳаёти давомида ўрганиш ва таълим олиш қобилияти билан қуроллантириш зарурлигини кўрсатади. Узлуксиз таълим ижодий, ижтимоий фаол ҳамда маънавий бой шахсни шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Узлуксиз таълимнинг ягона тизимида эса, мактабга тайёргарлик муҳим ўрин тутаяди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг замонавий босқичи жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ҳаёти, ижтимоий соҳасини чуқур ислоҳ қилиш жараёнларини амалга ошириш билан боғлиқ. Фан ва таълим эса мамлакатимиз иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиётининг ажралмас манбаи бўлиб, аҳоли учун муносиб турмуш даражасини, жамиятни ташкил этишнинг демократик тартибини, юксак маданият стандартларини кафолатлайди. Илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантириш ва истиқболда уни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илмий-тадқиқот муассасаларини модернизация қилиш, замонавий инновацион технологияларни иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳага жадал татбиқ қилишни ривожлантириш мақсадида «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси» қабул қилинди. Шу жумладан, таълим жараёнида мустақил фикрлайдиган, ижтимоий фаол, компетентли ва креатив мутахассисларни муваффақиятли тайёрлаш, таълим самарадорлигини ошириш ва илм-фан ютуқларини ҳаётга жорий қилишда педагогик технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623 қарорида “тарбия ва ўқитиш усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш” ва мамлакатимиз иқтисодиётининг чамбарчас ҳамда устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Ўзбекистонда педагогик технологияларни қўллашда қуйидаги принципларга амал қилинади:

- Таълим оловчи шахсига йўналтирилганлик, яъни таълим жараёнини таълим оловчининг қизиқиши, индивидуал хусусиятлари, билим олиш имкониятларига мувофиқ олиб бориш;
- Таълим жараёнини демократлаштириш, яъни таълим жараёнини ташкил этиш ва уни олиб боришда педагог ва таълим оловчининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш;
- Таълим жараёнини ахборот-коммуникацион технологиялар асосида ташкил қилиш, яъни таълим оловчиларга ахборот узатишнинг энг самарали воситалари ҳисобланган виртуал маъруза, виртуал тажриба стендларини яратиш ва улардан аудитория машғулотларида ва таълим оловчиларнинг мустақил ишларида эркин фойдаланишни таъминлаш.
- Илмий тадқиқот орқали билим олиш, яъни таълим оловчиларнинг якуний ҳулоса, тушунча, қонун-қоидаларни ўзлари мустақил илмий тадқиқот

натижасида келтириб чиқаришларига эришиш. Шунингдек, ўқув материалларини модулларга ажратиб ўзлаштириш ва билимларни ўзлаштиришга дифференциаллашган ёндашув каби принциплар.

Педагогик технологиядан унумли фойдаланиб, ўқув машғулотларини пухта ташкил қилган педагог фаолиятида қуйидаги бир қатор енгилликларни кузатиш мумкин:

- ўқув машғулотларини педагогик технология ёрдамида ташкил қилиш учун махсус кўникма ва малакалар ҳосил қилинади;
- тушунилиши қийин бўлган мавзуларни таълим олувчилар онгига сингдириш осонлашади;
- таълим олувчининг мустақил изланиши, вазиятга тўғри баҳо бера олиши, ўқув машғулоти жараёнидаги фаоллиги ортади;
- педагогнинг технология воситаларидан мунтазам фойдаланиши, дарснинг қизиқарли ва мазмунли бўлишини таъминлайди;
- таълим олувчиларнинг ўқув материални пухта ўзлаштирилишига эришилади ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтганда, педагогик технологиядан таълим жараёнида оқилона фойдаланиш таълим мазмунини таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилишига, давлат таълим стандартларида ва малака талабларида белгиланган билим, кўникма, малакаларни ўзлаштирилишига ҳамда таълим жараёнида касбий компетентликка эга мутахассисни шаклланишига имконият яратади. Таълимдаги муаммолар ҳис-туйғу қаричи билан ўлчанмаслиги керак. Жаҳон тажрибасидан маълумки, сифатли таълим олиш ҳар доим ва ҳар қандай мамлакатда жуда катта харажатлар билан боғлиқ. Айниқса, рақобат кучли бўлган меҳнат бозорида барча фуқаролар мавжуд имкониятларини ишга солиши керак. Биз янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга жазм қилган эканмиз, биринчи галда таълим-тарбия масаласига устувор аҳамият қаратишимизга тўғри келади.

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ДАВР ТАЛАБИ

Тошматов Ш.У. (ЎзМУ проректори и.ф.д., проф.)

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган янгиланишлар, ўзгаришлар ва ислохотлар миқёси жуда кенг. Улар ҳар бир шаҳару қишлоқда, хонадонларда, одамларнинг тақдирида намоён бўлмоқда. Бу каби улуғвор мақсадлар, режалар ва рақамлар остида, умуман ислохотлар замирида қандай оғир масъулият юки турганини ҳаммамиз ҳис қилишга ва бундай масъулиятни қатъий ирода ҳамда журъат билан ўз зиммасига олаётган Юртбошимизга елкадош бўлишга бурчлимиз. Зотан, халқ билан турли соҳа ҳамда тармоқларда, ҳудудларда фаолият олиб бораётган фидойи ва ташаббускор инсонлар билан мулоқотлар шуни кўрсатмоқдаки, афсуски,

ҳали жамиятдаги муаммоларнинг аниқланганидан аниқланмагани, долзарб масалаларнинг ҳал этилганидан ҳал этилмагани кўпроқ.

Масалан, Ўзбекистон Давлат бюджетининг харажатларида таълим соҳаси етакчи ўринни эгаллайди. Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мактабларнинг моддий-техника базаси, соҳа ходимлари учун шарт-шароитлар кундан кунга яхшиланиб бораётган бўлишига қарамай, таълим сифати ва натижаси кутилган самарани бермаяпти. Яна бир ачинарли ҳолат шундаки, таълим давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини алоҳида фан сифатида ўқитиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Фармон орқали тасдиқланувчи Концепция капитал бозори ва унинг алоҳида сегментлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий ўсишни таъминлашнинг молиявий манбаларини кенгайтириш ва диверсификация қилиш йўли билан иқтисодиётни барқарор узоқ муддатли ривожлантиришни кўзда тутган.

Қисқача айтганда, ушбу ҳужжат билан жорий қилинаётган янгиликлар олий таълим муассасаларида педагог кадрлар салоҳияти ва таълим сифатининг оширилишида, олий таълим муассасаларига энг иқтидорли ёшларнинг қабул қилинишида, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ҳамда тизимли ўзгаришларда таълим муассасаларининг фаол иштирок этишини таъминлашда қўл келади. Мамлакатда олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологиялари асосида ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини ривожлантириш ишлари** ҳозирги кунда ҳам амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган тизимли ислохотлар илм-фан ва инновацияларда кўплаб камчиликларни бартараф этди, натижада **Глобал инновация индекси** (Global Innovation Index) ҳисоботи натижасига кўра, республика рейтинги 29 позицияга яхшиланди ва 131 мамлакат орасида 93-ўринни эгаллади. Назаримда, бу янгилик кўп нарсани ўзгартиради. Шундай экан, аввало, ҳар бир соҳа бўйича истиқболли кадрлар тизимини ҳудудлардаги ҳокимликлар қатъий равишда ошқоралик ҳамда ҳеч қандай таниш-билишлик, маҳаллийчиликка йўл қўймасдан юритиши муҳим аҳамиятга эга. Бунда ёш раҳбарнинг ташкилотчилик қобилиятига, унинг укуви, одоб-ахлоқи, одамларни ўз ортидан эргаштира билиш қобилияти ва маънавий хислатларига ҳам эътиборни кучайтириш лозим. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев кейинги пайтларда айрим жабҳадаги ислохотларда оқсашлар кузатилаётгани ҳақида фикр юритар экан, албатта, ўша соҳада кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Куюниб гапирмоқда. Дарҳақиқат, кабинетдан чиқмасдан, юмшоқ курсидан тушмасдан ишлаб келаётган, бепарволик, лоқайдлик ботқоғига ботган, эскича фикрлайдиган раҳбарлар ҳозирги шароитда аравани тортолмайди. Президентимиз бундай раҳбарлар ўрнига ғайрат-шижоатли, кечаю кундуз юрт равнақи, мамлакат тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ҳақида ўйлаб қайғурадиган, ташаббускор кадрларга

таянмоқда. Уларга масъулиятли лавозимларни ишониб топширяпти. Бу, шубҳасиз, ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Сабаби, бугун замон шиддати, муаммолар кўлами кенгайиб бораётгани, давлатнинг, раҳбарларнинг олдига мураккаб муаммоларни қўяётгани бор гап. Уларни эса эскича фикрлар, эскича иш тартиб-таомиллари билан ечиб бўлмайди. **Барча белгиланган вазифалар таълим жараёнида педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш орқали таълимни модернизация қилишни кўзда тутди. Таълим жараёнини модернизация қилиш, биринчидан таълим мазмунини замон талабларига мослаштиришни, иккинчидан, таълим мазмунини ўзлаштиришда педагогик технологияларни қўллашни тақозо қилади. Демак, педагогик технология педагогнинг таълим жараёнида таълим воситалари ёрдамида таълим олувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини шакллантириш жараёни, десак тўғри бўлади.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда биринчи ва етакчи олий таълим муассасаси ҳисобланади. Университет бир асрлик фаолияти давомида 100 мингдан ортиқ юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб, халқ хўжалигининг барча соҳаларини етук кадрлар билан таъминлашда катта хизмат қилди ва илм-фаннинг турли соҳаларида жаҳон эътироф этган муваффақиятларга эришди.

Улкан фан оламида илмий мактаб яратиш ўта ноёб ва шарафли ишдир. Бу борада Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби даҳолар асос солган анъаналар ЎЗМУ олимлари томонидан муносиб давом эттирилди. Мазкур илм масканида фаолият кўрсатаётган 50 га яқин ана шундай илмий мактаблар жаҳон илм аҳлининг юксак эътирофига сазовор бўлди. Академиклар Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиков, Сади Сирожиiddинов, Тошмухаммад Саримсоқов, Жўра Мусаев, Махмуд Салоҳиддинов, Шавкат Алимов, Азимбой Саъдуллаевлар асос солган илмий мактаблар шулар жумласидандир.

Университет атоқли олимларидан 23 нафари Ўзбекистон Фанлар академияси президенти ва вице президенти этиб сайланганлар. Жами 107 нафар олим академик даражасига эришган. Олима аёллардан 150 га яқини фан доктори илмий даражаси ва профессор унвонини олганлар. Бу масканда таълим олган кўплаб битирувчилар хорижий олий таълим муассасаларида муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Бунга ёрқин мисол, Исроилдаги Холон технология институти президенти Эдуард Якубов, АҚШ Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходими, доктор Амир Махмудов, Калифорния давлат университети профессори Зоир Ибрагимовлардир.

Ушбу дорилфунунда таҳсил олган зиёлилардан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Турғун Азларов, Суйима Ғаниева Ўзбекистон Қаҳрамони олий унвонига, юзлаб профессор-ўқитувчилар Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби унвонига, Буюк хизматлари учун ордени ва бошқа мукофотларга сазовор бўлганлар. Шу

кунга қадар ЎзМУ талабаларидан 30 нафардан ортиғи Президент стипендианти, 25 нафари Мирзо Улуғбек ва 30 нафардан зиёди Алишер Навоий номидаги давлат стипендиялари соҳиби бўлган. Ўнлаб иқтидорли талабалар халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ғолиблари сифатида дунёга машҳур бўлди.

Бугунги кунда Миллий университетда 29 нафар академик, 150 дан ортиқ фан доктори ва профессорлар, 400 дан зиёд фан номзоди, фалсафа доктори ва доцентлар фаолият кўрсатмоқда, 200 дан ортиқ ёш олимлар ва 500 дан зиёд иқтидорли талабалар илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Улкан илмий салоҳиятга эга бўлган ЎзМУ республикада таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади. Унда барча университетлар учун Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари тайёрланиб, таълим жараёнига татбиқ этилмоқда.

Назарий билимларни амалиёт билан чамбарчас боғлаш учун ЎзМУнинг 3 та дала-амалиёт майдони, 32 та ўқув-илмий лабораторияси, 3 та ўқув илмий-тажриба маркази, 1 та ОТМлараро илмий лабораторияси ва 2 та ноёб объектнинг моддий-техник базаси такомиллаштирилмоқда. Шу билан бир қаторда, талаба-ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, грант танловлари ва лойиҳаларида иштирок этиш, бошқа олий таълим ва илмий - тадқиқот муассасалари учун мақсадли илмий кадрлар тайёрлаш ишлари изчил давом этмоқда.

ЎзМУ 32 та ривожланган давлатларнинг 100 дан ортиқ олий таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорлик қилмоқда. М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Сеул Миллий университети, Калифорния давлат университети шулар жумласидандир.

Ахборот-ресурс маркази замонавий технологиялар билан жиҳозланган ва интернет тизимига уланган бўлиб, кутубхона фонди 4 миллионга яқин адабиётга эга. 2017 йил октябрь ойида Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилган Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон экспозицияси талабаларнинг маърифий масканига айланган.

Турли ҳудудлардан келган талабалар Ёшлик талабалар шаҳарчасидаги замонавий турар жойларда яшайди, интеллектуал савия ва жисмоний маданиятини ошириш учун барча имкониятларга эга.

Бир асрлик тарихга, бой анъаналарга ва инновацион ғояларга эга бўлган Ўзбекистон Миллий университети жамоаси илму маърифат ва таълим-тарбия соҳасидаги ютуқларни янада кўпайтириш, Ватан равнақиға бундан ҳам муносиб ҳисса қўшиш учун қатъият ва шижоат билан меҳнат қилмоқда.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИНТАҚАНИНГ МУВОЗАНАТЛИ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ

МЕХАНИЗМ ФОРМИРОВАНИЯ СТРАТЕГИИ СБАЛАНСИРОВАННОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНА В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

THE MECHANISM OF FORMING THE REGION'S BALANCED DEVELOPMENT STRATEGY UNDER GLOBALIZATION

Умаров А. (ЎзМУ Иқтисодиёт факультети декани, и.ф.н., доц.)

Аннотация. Мақолада ҳозирги замон иқтисодиётида минтақавий тизимлар ривожланишидаги номутаносибликлар ҳақида фикр юритилади. Минтақанинг мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини шакллантириш дастаклари ва воситалари, механизмини ишлаб чиқиш долзарб илмий вазифа ҳисобланади. Тизимли ёндашувдан фойдаланиб, минтақанинг мувозанатли ривожланиш стратегиясини шакллантириш механизмининг йириклашган чизмаси ишлаб чиқилган ва таклиф этилган. Номутаносибликларнинг шаклланиш манбалари, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш устуворликлари, ривожланиш мувозанатлашганлигини таъминлашнинг мумкин бўлган дастак ва воситалари, минтақаларнинг мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сценарийлари ва стратегик муқобилларини шакллантириш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: минтақа, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, мувозанатли ривожланиш, жараёнли ёндашув, тизимли ёндашув.

Аннотация. В статье рассматриваются диспропорции в развитии региональных систем в современной экономике. Актуальной научной задачей является разработка рычагов и инструментов, механизма формирования сбалансированной стратегии социально-экономического развития региона. С использованием системного подхода разработана и предложена укрупненная схема механизма формирования сбалансированной стратегии развития региона. Разработаны источники диспропорций, приоритеты социально-экономического развития региона, возможные рычаги и средства обеспечения сбалансированного развития, направления формирования сбалансированных сценариев социально-экономического развития и стратегических альтернатив регионов.

Ключевые слова: регион, социально-экономическое развитие, сбалансированное развитие, процессный подход, системный подход.

Annotation. The article deals with disproportions in the development of regional systems in the modern economy. An urgent scientific task is the development of levers and tools, a mechanism for the formation of a balanced

strategy for the socio-economic development of the region. Using a systematic approach, an enlarged scheme of the mechanism for the formation of a balanced strategy for the development of the region was developed and proposed. Sources of disproportions, priorities of the socio-economic development of the region, possible levers and means of ensuring balanced development, directions for the formation of balanced scenarios of socio-economic development and strategic alternatives of the regions have been developed.

Key words: *region, socio-economic development, balanced development, process approach, system approach.*

Глобаллашув даврида минтақавий тизимлар ривожланиши муҳим глобал ва маҳаллий номуносабатликлар миллий иқтисодийнинг барқарор ривожланишига ўз таъсирини ўтказди.

Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев қайд қилиб ўтганидек: “...ислохотларнинг асосий мақсади аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир”[2, 6]. Мамлакатда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш, аҳоли билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини ошириш, ҳудудларни жадал ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилишда истиқболга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш зарур [19,77].

Минтақаларнинг мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш муаммосини ўрганишда иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган. Бироқ, минтақанинг мувозанатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш механизминини шакллантириш ва минтақа билан боғлиқ муаммолар етарли ўрганилмаган.

Худудий-маъмурий ёндашувга мувофиқ, “минтақа” тушунчаси маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида ўрганилиб, унга ҳудудларнинг бир бутунлиги, ихтисослашуви, иқтисодий алоқалари, табиий ресурслар мажмуасини илғор моддий-техник асос билан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма билан уйғунлаштириш асосида ишлаб чиқарувчи кучларнинг муайян ривожланиш йўналиши хосдир[19,78].

Қатор ишларда минтақага айрим белгилари бўйича ўзаро фарқланадиган ҳудуд сифатида қаралади[15].

Мазкур вазиятда минтақани иқтисодий ва маъмурий-ҳудудий туманлаштиришга мос келмайдиган, маълум тизимга келтирилган бирлик сифатида талқин қилиш ҳақида гап боради. Бундай талқин дастурий-мақсадли ёндашувда табақалашган мақсадли дастурлар қўлланиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммолари мавжуд бўлган ҳудудлар гуруҳини ажратишни кўзда тутди.

Е.Коваленко, Г.Зинчук, С.Кочетков[23] ларнинг асарларида ҳудудларнинг мажмуавийлиги, бир бутунлиги, ихтисослашуви каби минтақа тавсифлари билан бир қаторда, бошқарилувчанлик асосий хусусиятлардан бири сифатида қаралади. Минтақа квазидавлат сифатида қаралади, асосий урғу минтақа иқтисодиётининг миллий иқтисодиёти таркибида самарали амал қилишини таъминлайдиган иерархия турли даражаларида давлат ҳокимияти органларининг ўзаро таъсир механизмига қаратилади.

Рақобатли бошқарув тамойиллари, инновацион йўналтирилган ривожланиш моделининг минтақа даражасига ўтказилиши минтақанинг рақобат кураши иштирокчиси сифатида квазикорпорация[7], товарлар бозори, хизматлар бозори, ресурслар бозорида тарқалишига олиб келди. Ушбу жиҳатдан инновацион-фаол “ўсиш кластерлар”ининг шаклланишига, трансмиллий корпорацияларнинг ривожланишига кўмаклашиши ҳамда ташқи товарлар ва капиталлар оқимларида самарали туришга урғу берилади.

Бунда иқтисодий ўсишнинг амалда бўлмаган омилларидан фойдаланиш имконини берадиган минтақа ички ва минтақалараро алоқалар самарали тизимини шакллантириш биринчи ўринга қўйилади. Шундай қилиб, минтақа, бир томондан, демографик алоқалар ва яшаш шароитлари, такрор ишлаб чиқариш, транспорт, энергетик, ишлаб чиқариш алоқалари, ижтимоий инфратузилманинг бирлиги хос бўлган ҳудуд сифатида; бошқа томондан эса инновацион салоҳиятни ривожлантириш, рақобатбардошлик даражаси ва аҳоли турмуш сифатини ошириш борасидаги ўз иқтисодий сиёсатини ўтказишга қаратилган ҳўжалик субъекти сифатида талқин этилади[19].

Мамлакат мавжуд маъмурий-ҳудудий тузилишини ҳисобга олган ҳолда, минтақа деганда, вилоятлар, республикалар, автоном вилоят ва округлар, давлат даражасидаги шаҳарлар тушунилади. Минтақа – бу мажмуавийлик, бир бутунлик, ихтисослашув ва бошқарилувчанлик каби асосий белгилар билан тавсифланадиган республика ҳудудлари маъмурий чегараларидаги ҳудуддир[12].

Ҳозирги шароитда минтақани тизим ичида ва унинг ташқарисида янада мураккаб сабаб-оқибат, алоқа-боғланишларига эга бўлган кўп унсурли тизим сифатида қараш зарур. Минтақаларнинг макон иқтисодий тизимида илгарилаб боровчи ўсиш маркази сифатида аҳамиятининг ортиши, давлат, тармоқ ва минтақа манфаатларининг кросс-соҳаси ҳисобланган минтақа бошқарув динамизми ва мураккаблиги минтақа ижтимоий-иқтисодий бошқарувининг янги ўхшаш механизмларини шакллантириш заруратини келтириб чиқарди.

Услубий нуқтаи назардан иқтисодий муносабатлар жараёнида аниқ механизмлар, шу жумладан, минтақани мувозанатли ривожлантириш стратегиясининг шаклланиш механизминини ишлаб чиқишда юзага келадиган у ёки бу вазифаларнинг қўйилиши ва ечимидан аниқланган муаммони тадқиқ этишга илмий ёндашувни танлаш муҳим ҳисобланади. Адабиётларда манбаларининг таҳлили макро-, мезо- ва микродаражаларда бошқарув муаммоларини ҳал қилишга ёндашувларнинг хилма-хиллигини кўрсатади

ҳамда илмий тадқиқотларда уҳта етакчи ёндашув мавжудлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради: жараёнли, вазиятли, тизимли.

Жараёнли (функционал) ёндашувнинг мазмуни бошқарувнинг таҳлил, баҳолаш, истиқболлаштириш, мувофиқлаштириш, тартибга солиш, назорат қилиш каби ўзаро боғлиқ вазифаларини ўрганишдан иборат.

Вазиятли ёндашув бошқарув усуллари ва чоралари аниқ вазиятдан келиб чиқиб, ўзгаришидан иборат ва юзага келаётган ҳўжалик юритиш шароитлари ва қўйилган мақсадларга кўпроқ мос келадиган ҳисобланади[19]. Вазиятли ёндашув тизимли ёндашув билан узвий боғланган бўлиб, у яна бошқарув вазифалари ўртасидаги узвий ўзаро боғлиқликни қайд этади ва уларга алоҳида қарамайди [16].

Тизимли ёндашув – мажмуавийлик, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва режалаштиришда қамров ва пухта ташкил қилиш кенглигининг аҳамиятини қайд этадиган тушунчадир[26]. Ишда мувозанатли минтақавий ривожланиш стратегиясини танлашга нисбатан қарор қабул қилишда таркиблаш вазифасини ҳал қилиш имконини берадиган жараёнли ва тизимли ёндашув нуқтаи назаридан механизмнинг йириклашган чизмаси таклиф этилади.

Муаллифлар бошқарув механизмини аниқлашга турли нуқтаи назарлардан ёндашадилар ва ушбу тушунчани ҳар хил талқин қиладилар. А. Кульман иқтисодий механизмни турли иқтисодий ҳодисалар ўртасида, табиий равишда юзага келадиган зарурий ўзаро алоқадорлик сифатида таърифлайди[11]. В.И.Плаксин “исталган синф механизми унинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқаларни ташкил этиш, ўрнатишни кўзда тутиб, уларнинг таркиби ва мазмуни негиз муносабатлар ва уларни ташкил қилиш усуллариининг хусусияти билан белгиланади”[24].

Айрим муаллифларнинг нуқтаи назаридан[5] бошқарув механизми жараённи кучайтиришнинг субъектив воситаси сифатида қаралиб, объектив равишда бизнинг саъйи-ҳаракатларимиздан ташқарида кечади, уни ташкил қилувчилар, унсурларни ўзгартириш натижасида амал қилишнинг янги сифатини кўзда тутди[19]. А.В.Гринев[8] бошқарув механизми деганда, ривожланиш стратегиясини шакллантириш билан боғлиқ маълум мақсадлар асосида баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари мажмуини тушунади. Е.В.Пономаренко[21] кластерларни ривожлантириш учун инфратузилма сифатида илмий, технологик, индустриал (саноат) парклари салоҳиятидан фойдаланиш асосида бошқарув механизмини ўрганади. О.В. Прокопенко ва бошқа олимлар [22] ташкилий-функционал тизимлар нуқтаи назаридан бошқарув механизмини ўрганади. С.Ю. Ягудиннинг [27] таъкидлашича, кенг жиҳатдан ушбу механизмнинг ташкилий томони ҳўжалик рағбатлантириши ва режалаштиришини ўз ичига олади. Л.И. Лопатниковнинг таъкидлашича, бир тизим қандайдир бошқа тизимга кириш билан алмаштирилмайди, балки дунёдаги ҳодисалар умумий ўзаро алоқасини ифодалайди.

Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини ўрганишда унинг кўрсаткичларини миқдорий ўрганиш, яъни иқтисодий мувозанатни таъминлаш ҳақидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш услубига таянилди[4]. Маълумотлардан хулоса чиқаришда мантиқий таҳлил,

синтез, умумлаштириш, индукция ва дедукция, **иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндошув, статистик умумлаштириш усуллари**дан фойдаланилди. Мақоланинг мақсади минтақанинг мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини шакллантиришнинг дастаклари, воситалари, усуллари, мужассамлаштирган механизмини ишлаб чиқиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар киритишдан иборат.

Пандемия кўплаб мамлакатлар ижтимоий ҳимоя тизими учун жуда қийин давр бўлди. Иш ва тирикчилик воситаларидан маҳрум бўлган даврда кўплаб одамларнинг ижтимоий ёрдам ва хизматларга бўлган эҳтиёжи ошди. Бундан ташқари, ижтимоий ёрдам кўрсатиш механизмлари ижтимоий масофани сақлаш ва инфекция тарқалишининг олдини олувчи қўшимча эҳтиёт чоралари қўлланилаётган шароитда ўзгаришларга учради.

Ўзбекистонда кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож одамларга кенг кўламли бир марталик ижтимоий ёрдам 2020 йил март ойида ташкил этилган, "Инқирозга қарши" жамғармасидан кўрсатилмоқда. Унинг ижтимоий соҳага қаратилган харажатлари 11 август ҳолатига 2,56 трлн. сўмни ташкил этди, шундан 489 млрд. сўмлик маблағлар ижтимоий нафақа тўловларига сарфланди.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш учун эҳтиёжлармандлар тўғрисидаги маълумотлар киритилган “темир дафтар” рўйхати жорий қилинди. Рўйхат маҳалла кўмиталари раислари томонидан сектор раҳбарлари билан биргаликда шакллантирилади. Масъул шахслар маълумотни “темир дафтар” га электрон шаклда sahovat.agros.uz сайтида электрон имзо қилиб ёрдамида киритадилар.

“Темир дафтар” ни юритишда кам таъминланган оилаларнинг беш тоифаси белгиланди:

- Меҳнатга лаёқатсиз ва сурункали касаллиги бор оила аъзоларининг мавжудлиги;
- Ёлғиз, кекса, бева ва кам таъминланган, шунингдек, қаровга муҳтож фуқаролардан ташкил топган оилалар;
- Беш ва ундан кўп болали оилалар;
- Коронавирус пандемияси муносабати билан киритилган карантин чоралари натижасида ишини ва даромад манбаини йўқотган фуқаролар ҳамда қайтиб келган меҳнат мигрантлари;
- Камбағал, ёрдамга ва моддий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилалар.

“Темир дафтар” жорий қилингунга қадар баъзи оилаларда 2 ёшгача бўлган бола парвариши учун нафақа, 14 ёшгача бўлган болалар учун нафақа ва кам таъминланган оилалар учун нафақалар олиш имконияти мавжуд эди. Бундай ёрдамни олиш учун оиланинг ҳар бир аъзоси жами даромади сўнгги ўн ойда ўртача энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан ёки 358 минг сўмдан ошмаслиги керак.

Агар оиланинг ҳар бир аъзоси даромади 358 минг сўмдан ортиқ бўлса, унда рўйхатдан ўтиш учун ариза Ягона ижтимоий реестрда автоматик равишда рад қилинади. Бироқ кам таъминланганликнинг 358 минг сўм миқдоридаги юқори чегараси оилалар муҳтожлигининг пасайтирилган

мезонидир. 2015 йилдан бўён Жаҳон банки ўта қашшоқликни кунига 1,9 АҚШ доллариға кун кечириш деб белгилаган, бу эса ўз навбатида, бир кишининг ойлик даромади 57 долларни ёки 580 минг сўмни ташкил қилиши ўта камбағаллик белгисини англатади.

Натижада Ўзбекистонда ягона ижтимоий реестрда белгиланган даромадлар мезони глобал қашшоқлик чегарасидан 1,62 баравар кам, бу эса мамлакат аҳолисининг ижтимоий нафақалар билан қоплашни сезиларли даражада камайтиради. Демак, биз ўта қашшоқликда кун кўраётган оилаларға ёрдам бериш билангина чекланимиз. Яқинда ЮНИСЕФ нинг Ўзбекистондаги ҳисоботи кам таъминланган оилаларға моддий ёрдам кўрсатиш бутун мамлакат бўйлаб 61,5 минг оилани қамраб олган жуда кичик дастур эканлигини кўрсатди.


ЮНИСЕФ таҳлиллари, яшаш шароити, ҳаттоки, муҳтожликнинг сезиларли паст мезонига тўғри келаётган 98 фоиз уй хўжаликлари ушбу дастур билан қамраб олинмаганини аниқлади. Бундан ташқари, ЮНИСЕФ нинг 2012 йилдаги маълумотларига кўра, оилалар бола парвариши бўйича ўртача 6,7 ой ва болали оилалар учун 4,7 ой давомида нафақа олганлар.

Маҳалла қўмиталари ҳам кам таъминланган оилаларға нафақа тайинлаш учун масъул ҳисобланадилар. ЮНИСЕФ тадқиқотида таъкидланишича, маблағ етишмаслиги ва кам таъминланган оилаларнинг кўплиги сабабли кўплаб кишилар ҳатто COVID-19 пандемияси ва қаттиқ карантин чоралари қўлланилишидан олдин ҳам, яшаш шароити муҳтожликнинг паст мезонлари талабларига жавоб берса ҳам, маҳаллалардаги ижтимоий нафақаларни олиш учун ўз навбатларини кутишға мажбур бўлишган.

Ижтимоий ҳимоя ягона реестрининг янги тизимида (2019 йил 1 октябридан Сирдарё вилоятида синов тартибида ишлади, йил охириға қадар бутун Ўзбекистон бўйлаб жорий этилди) фуқаролар шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) ёрдамида рўйхатдан ўтишлари ва ижтимоий нафақа олиш учун ариза беришлари мумкин. Ушбу жараёни рақамлаштириш ортиқча қоғозбозликдан қочиш ва кам таъминланган оилаларнинг даромад даражасини, иш ҳақи ва бошқа ёпиқ шахсий маълумотларини кузатиб бориш имконияти билан муҳтожлик даражасини объектив баҳолаш имконини беради.

Аввало, муҳтож оилаларға кўрсатилаётган молиявий ёрдамнинг аҳамиятли эканини таъкидлаш лозим. Бунинг натижасида мамлакатимизда биринчи марта қийин аҳволда қолган барча кишиларни тўғридан тўғри моддий қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди (1-расм).

Қурбон ҳайити арафасида аъзолари қарийб 700 минг кишини ташкил этадиган 182 мингдан зиёд оилаға 1 млн. сўмгача миқдоридаги тўловлар амалға оширилди. Айтиш керакки, ёрдам тўғридан тўғри ва нақд пулларда кўрсатилди.




1-расм. 2020 йил якунига қадар кам таъминланган фуқароларга ижтимоий ёрдам [28]

Бундан ташқари, Президентимизнинг сўнгги фармони асосан, “Темир дафтар” га киритилган муҳтож оилаларнинг ҳар бир аъзоси учун 220 минг сўмдан тўловлар амалга оширилди. 2020 йилга мўлжалланган бюджетда аҳолининг турли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун жами 8 трлн. сўмдан зиёд маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатда эҳтиёжмандларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг кенг қамровли механизми йўлга қўйилмоқда. Бироқ тан олиш керакки, унга берилган ижобий салоҳият сабаб бундай механизм етарлича мослашувчан ва максимал даражада шаффоф бўла олмайди. Айрим объектив ва субъектив омиллар бутун тизим самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Буни “темир дафтар” амалиёти ҳам тасдиқлайди. Биргина 4 ой ичида доимий даромад билан таъминланиши туфайли эҳтиёжманд оилаларнинг 159 мингтаси ёки 40 фоиздан ортиғи “темир дафтар” рўйхатидан чиқарилди. Тошкент ва Қорақалпоғистонда бу кўрсаткич янада юқори – мос равишда, 55 фоиз ва 58 фоиз. Келажакда камида ана шундай иш суръатини сақлаб қолиш мамлакатда қашшоқликни қисқартириш йўлида илдам одимлаш имконини беради (2-расм).



3-расм. “Темир дафтар”дан чиқарилган оилалар сони [28]

Белгиланган режаларни амалга ошириш натижасида, аҳолининг камбағал қатлами нафақат иқтисодий ўсишдан фойда кўриши, балки ўзи ҳам иқтисодий ривожланишга ҳисса қўиши кутилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатдаги бутун ижтимоий-иқтисодий вазиятга ижобий таъсир кўрсатади.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли умумий даромадларининг катта қисми ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ўз ичига олган меҳнат фаолиятидан олинган даромадлардан (жами аҳоли умумий даромадларининг 69,8 фоиз) шаклланди. Аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуши 2,1 фоиз, мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши 2,1 фоиз, трансфертлардан олинган даромадлар улуши 24,3 фоизни ташкил қилди.

Худудларнинг аҳоли умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромадларнинг (ёлланма ишловчиларнинг иш ҳақи ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар) энг юқори улуши Навоий вилоятида (83,6 фоиз) кузатилди. Тошкент шаҳри, Хоразм, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Андижон, Наманган вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўртача республика даражасидан паст кўрсаткични ташкил этди. Республика бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши сезиларли даражада бўлмасада, Тошкент шаҳрида бундай даромадларнинг улуши 17,0 фоизни ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига умумий даромадлар[28]

	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	2192,8	5410,6	6215,9	7314,1	9128,6	10891,3	12279,1
Қорақалпоғистон Республикаси	1498,9	3908,0	4372,0	5233,1	6808,7	8136,2	9503,1
Вилоятлар:							
Андижон	1838,1	4835,0	5637,3	6777,7	8412,0	9941,5	10931,8
Бухоро	2524,4	6411,6	7354,2	8823,0	11270,6	13075,7	14774,1
Жиззах	1810,7	4809,6	5459,4	6498,4	8512,9	9723,3	10980,7
Қашқадарё	1896,4	4642,7	5498,4	6442,4	7827,9	9149,6	10240,9
Навоий	3881,6	8761,4	9745,0	11139,6	13921,4	16926,9	20533,2
Наманган	1566,7	4113,2	4745,5	5733,3	6887,6	8293,1	9427,4
Самарқанд	2029,0	4631,0	5603,4	6594,1	8087,7	9447,9	10696,6
Сурхондарё	1718,4	4560,8	5079,8	5946,5	7622,5	8906,0	9846,6
Сирдарё	2215,1	5813,9	6772,1	6833,5	8353,5	9998,4	11146,3
Тошкент	2433,3	6123,7	6749,9	7667,1	9401,6	11296,2	13301,8
Фарғона	1723,0	4418,3	4994,1	5600,3	7096,8	8111,8	8940,8
Хоразм	2105,3	5052,2	5840,3	7218,0	9536,1	11213,4	12315,8
Тошкент ш.	4505,9	10614,4	12316,1	14921,1	18432,1	23674,3	25999,4

Бугунги кунда уй хўжаликлари танланма кузатувини такомиллаштириш, маълумотлар сифатини ошириш мақсадида бир қатор

хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Жаҳон банки вакиллари билан ҳамкорликда услубиятни такомиллаштириш, саволномаларни халқаро стандартларга мослаштириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни кузатув жараёнида 2020 йилгача фойдаланилган қоғоз шаклидаги саволномалардан воз кечиб, 2021 йилдан бошлаб, тўлиқ уй хўжаликларида кузатувни планшетлар ёрдамида ўтказиш режалаштирилмоқда. Ривожланган давлатларда кенг қўлланиладиган замонавий тизимга кўра, кузатув сўровномалари планшетларга ўрнатилиб, интервьюлар улардан фойдаланган ҳолда олинади. Респондентлар томонидан интервью саволларига берилган жавоблар ана шу планшетда қайд этиб борилади ва онлайн режимда ягона маълумотлар базасига узатилади. Бу ўз навбатида, кузатувлар мониторингини юритиш, сифатни назорат қилиш имконини беради.

2020 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниб, ушбу Қарорга кўра, худудларни барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилмоқда ва қуйидаги кўрсаткичларга эътибор қаратилмоқда:

- барқарор ва мутаносиб иқтисодий тараққиётни таъминлаш, иқтисодий ислохотлар самарадорлиги;
- янги иш ўринлари яратиш, ишсизликни камайтириш ва меҳнат бозори самарадорлигини таъминлаш;
- ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш;
- аҳоли ва бизнес учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг барқарорлиги ҳамда ишончлилигини таъминлаш;
- худудларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, уларнинг иқтисодиётини янада диверсификация қилиш;
- ишбилармонлик муҳити сифатини яхшилаш, тадбиркорликни доимий қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш;
- худудларнинг молиявий мувозанатига эришиш ҳамда банк-молия соҳасини ривожлантириш;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш.

Ҳар бир мамлакат қандай сиёсий ва ижтимоий ҳаракатларни амалиётга жорий этишидан қатъий назар, уларнинг якуний мақсади халқ манфаатлари, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, етакчи мамлакатлар сафидан жой олишга қаратилади.


Бошқарув механизми бошқарув тизими ўзаро алоқадорлиги, динамикасини ўзида мужассамлаштиради, унсурларни, унинг таркибий

қисмларини ўзгартириш натижасида амал қилиш янги сифатини кўзда тутади[14].

Олимларнинг юқорида баён қилинган фикрларидан келиб чиқиб, уларни бошқарув механизмини қуйидаги нуқтаи назарлардан тадқиқ этадиган гуруҳларга ажратиш мумкин:

- бошқарув усуллари ва воситалари мажмуи;
- бошқарув ташкилий унсурлари мажмуи [19,80];
- бошқарув амал қилиш унсурлари мажмуи.

Жараёнли ёндашув нуқтаи назаридан таклиф қилинаётган механизм бошқарув тизимининг унсури сифатида талқин қилиниб, стратегик режалаштириш – “чиқиш” ни “кириш” га алмаштириш, яъни қарорлар қабул қилишни ресурсли таъминлаш унсури вазифаларини амалга ошириш имконини беради ва минтақа мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланишини стратегик бошқариш вазифаларини амалга ошириш “тузилган” блоклар мажмуини мужассамлаштиради (4-расм).



4-расм. Минтақа мувозанатли ривожланиш стратегияси механизми блокларининг ўзаро алоқадорлик чизмаси

Минтақанинг ўзаро боғлиқ функционал ва жараёнли қисмлари тўпламининг мавжудлиги уларни етарли миқдорда турли ресурслар билан таъминлаш зарурлигини белгилаб, тизим ички ва ташқи манбаларини ўз ичига олиши мумкин. Тизим қисмларининг ўзаро таъсири товарлар, хизматлар ишлаб чиқаришни таъминлаб, ички ва ташқи бозорларда амалга оширади; ижтимоий ва бошқа масалаларни ҳал қилади. Ишлаб чиқариш

омилларига кириш сифатида, фаолият натижаларига эса тизим чиқиши сифатида қаралади.

Демак, киришларнинг иккита асосий тури бўлиши мумкин: маълумотлар билан бирин-кетин боғланган олдиндаги жараён натижаси; маълумотлар билан тасодифан боғланган олдиндаги жараён натижаси. Бундан ташқари, кириш унга янгитдан киритиладиган (тескари алоқа) тизимнинг амал қилиш натижаси бўлиши мумкин [13].

Ўрганилаётган механизм ривожланиш вариантларининг йўл қўйиш мумкин бўлган тўпламини аниқлаш прогноз қилинган ва таҳлилий блоklarнинг мақсадли йўналиши ҳисобланади. Ушбу блокда минтақавий ривожланиш номуносиблиklarининг шаклланиш хавфи таҳлили, минтақа ҳаётий фаолияти соҳаларини – хавфларнинг вужудга келиш манбалари, хавфлар ва йўқотишларнинг сабаб-оқибат алоқаларини белгилаш, хавфлар олдини олиш чора-тадбирлари рўйхатини шакллантириш, минтақаларнинг мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш меъёрий сценарийларини аниқлаш амалга оширилади.

Қарорлар қабул қилиш блокада минтақаларнинг мувозанатли ривожланиш мақсади, вазифалари ва стратегияларига нисбатан стратегик қарорлар ишлаб чиқилади, иерархия турли даражаларида минтақавий ривожланишнинг келишилган стратегиялари амалга оширилмоқда. Тегишли чора-тадбирларни тизимли амалга ошириш шундай мезонларни кўзда тутадик, улар асосида ривожланиш мувозанатлашганлиги даражаси баҳоланади ҳамда уни бошқариш дастаклари ва воситаларини танлаш амалга оширилади. Ривожланиш мувозанатлашганлигини таъминлашнинг негиз ва махсус дастаклари ва воситалари ажратилади [6].

Негиз воситаларга қуйидагилар киради:

- иқтисодий ривожланиш прогнозлари, дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиш, дастурий-мақсадли бошқарув усулларини қўллаш;
- минтақавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва ўтказиш;
- минтақа мол-мулкни назорат қилиш ва бошқариш;
- самарали инвестицион ва институционал сиёсат олиб бориш;
- бозор инфратузилмасини яратиш;
- мажмуавий мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- минтақа иқтисодиётини самарали ва мажмуавий ривожлантириш ҳамда ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун бюджетга тушумларни таъминлашга иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа шароитларни яратиш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш;
- минтақа учун устувор иқтисодий фаолият турларига инвестициялар жалб қилишни рағбатлантириш;
- кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш [19].

Қуйидагилар минтақавий ривожланиш мувозанатлашганлигини таъминлашнинг ўзига хос дастаклари ва воситалари ҳисобланади:

- маъмурий-бошқарувчилик (алоҳида ҳудудларга умуммиллий аҳамиятга молик ресурс ҳудуди сифатида алоҳида мақом бериш);

- кўчирилган туманларда янги корхоналарни жойлаштиришни тўхтатиб туриш воситалари;
- давлат иқтисодий фаолиятининг макон тақсимланиши (давлат сектори корхоналарини селектив жойлаштириш бўлиб, у минтақавий меҳнат бозорига ҳамда муайян туманлар корхоналари ва етказиб берувчиларида устувор давлат харидлари чизмаларига таъсир кўрсатади);
- молиявий рағбатлантириш (янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқ дотациялар, инвестициялар, молиявий имтиёзлар, кредитлар, субсидиялар, солиққа тортиш, кафолатлар ва ҳ.к.);
- инфратузилмаларни ривождантириш, саноат ўзлаштириши учун ҳудудларни тайёрлаш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш;
- ривожланишни рағбатлантириш воситалари (қулай бизнес муҳитини яратиш, ахборот технологиялари, консалтинг фаолияти, таълим, илмий тадқиқотлар, техник ишланмалар) ривожланишини қўллаб-қувватлаш воситалари;
- самарали бандликни таъминлаш (меҳнат миграциясига кўмаклашиш, корхоналарда ўқитиш ва касбга тайёрлашни молиялаштириш, корхоналарга иш ўринларининг сони ошганда имтиёзлар бериш ва ҳ.к.).

Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан минтақанинг мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини шакллантириш механизми [29] минтақавий ривожланиш номутаносибликларининг шаклланиши, унинг олдини олиш ёки юмшатиш стратегиясини ишлаб чиқиш хавфини баҳолаш билан боғлиқ йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган тизим сифатида мужассамлашган бўлиши мумкин. Механизмнинг функционал-мақсадли чизмаси 5-расмда келтирилган.

Мақсадли тизимлар таҳлил ва прогнозлаш объекти, муаммоли вазият, қарорлар қабул қилиш мақсади ва мезонларини аниқлайди. Функционал тизимлар вазифаларни қўйиш учун мўлжалланган, статистик маълумотлар тўплаш ва ишлов бериш, баҳолаш, боғлиқликларни аниқлаш, прогнозни ишлаб чиқиш, қарорлар қабул қилиш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ мунтазам ҳаракатларни бажарадилар. Тизимларнинг таъминланиш таркиби функционал тизимларда жараёнларни таъминлаш учун ресурсларга бўлган эҳтиёжлар билан белгиланади.

Механизм негиз тизимларидан бири ахборот-таҳлилий тизим ҳисобланиб, у орқали минтақавий тизим амал қилиш индикатив натижаларини акс эттирадиган ва пировардида минтақавий тизимлар мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сиёсати ва стратегиясини шакллантирадиган прогноз-дастурий ҳужжатларини ишлаб чиқиш имконини берадиган технологиялар мажмуи (минтақавий ривожланиш номутаносибликларини таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш маҳаллий вазифаларини ҳал қилишга қаратилган операциялар ва усуллар кетма-кетлиги) тушунилади.



5-расм. Минтақанинг мувозанатли ривожланиш стратегиясини шакллантириш механизмининг функционал-мақсадли чизмаси

Минтақа мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини шакллантириш [9] механизмини янада такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши зарур:

- минтақанинг мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини асослашга услубий ёндашувларни такомиллаштириш;
- минтақалар мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқиш, прогнозлаш усулларини такомиллаштириш;
- минтақавий ривожланиш номуносивбликларини баҳолашга ёндашувларни тадқиқ этиш, мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланишни бошқаришнинг табақалашган стратегияларини қўллаш учун минтақаларни таснифлаш;
- минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг ички мувозанатлашганлиги ва келишилганлигини ошириш учун давлат ва минтақавий даражалардаги ривожланиш мақсадларининг кросс-соҳасини ажратиш, сифатли иқтисодий ўсиш барқарор суръатларини таъминлаш;
- мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси амалга оширилишининг ресурс таъминотини баҳолашга услубий ёндашувларни такомиллаштириш.

Ахборот-таҳлилий тизим доирасида мувозанатлашмаган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг хавф даражаси баҳоланади, минтақавий бошқарувнинг мумкин бўлган дастак ва воситалари аниқланади. Ахборот-

таҳлилий тизим шаклланишига мавжуд ёндашувлар шарҳи негиз функционал вазифалар ва уларни ечиш усуллари ажратиш имконини беради (6-расм).



6-расм. Ахборот-таҳлилий тизим вазифаларининг таснифланиши ва уларни ечишга услубий ёндашувлар

Бундай функционал вазифаларга қуйидагилар киради: минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тизимини шакллантириш; минтақавий ривожланишнинг глобал ва маҳаллий номуносабибликларини баҳолаш; минтақавий ривожланиш номуносабибликларининг шаклланиш омиллари ва манбаларини баҳолаш; минтақа мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мумкин бўлган стратегик муқобилларини шакллантириш, мақбул муқобилларни танлаш.

Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тизими ахборотларнинг тўлиқлиги, қулайлиги ва етарлилиги талабларига жавоб бериши керак; макон ва вақт чегараларини кенгайтириш имконияти; таққосланувчанлиги; натижаларнинг ахборотлашганлиги. Мавжуд услублар таҳлили уларнинг ахборотлашганлигини баҳолаш асосида кўрсаткичлар тизимини асослашга ёндашувларнинг етарли ўрганилмаганлигини, бўсағавий миқдорларни аниқлаш имконини берадиган кўрсаткичларни таснифлаш усуллари янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатиб, ундан ортиб

кетиши минтақа тизимидаги номуносивбликлар критик даражасининг шаклланиши ва инқирозли вазият ҳақида гувоҳлик беради.

Минтақавий ривожланишнинг глобал ва маҳаллий номуносивбликларини баҳолаш масалаларида адабиёт манбаларини таҳлил қилиш; минтақавий ривожланиш номуносивбликларининг шаклланиш омиллари ва манбаларини аниқлаш, бу конвергенция таҳлили, тенгсизлик чораларини декомпозициялаш усуллари асосланади, уларнинг юқори самарадорлигига қарамадан, минтақалар кластер тузилмаларининг таркибий динамикасини баҳолаш, кластерлар барқарорлиги, маҳаллий минтақавий номуносивбликларни тизимли баҳолашнинг шаклланиши, кластер конвергенциясини баҳолашда англаш сифатини таъминлашдан далолат беради[19,84].

Илмий изланиш натижаси, ушбу мақолада олиб борилган ва келтирилган тадқиқотлар қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

Минтақавий ривожланиш асосий тенденцияларидан бири номуносивбликларнинг кучайиши тенденцияси ҳисобланади. Ушбу тенденция макроминтақалар ва минтақа ички даражасида намоён бўлмоқда. Унинг намоён бўлиш салбий оқибатларига ташқи “шоклар” таъсирига ривожланиш кўрсаткичларини мослаштиришнинг таъсирчанлигини ошириш, ижтимоий кескинликнинг ортиши киради[19].

Мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сценарийлари ва уларни ишлаб чиқиш расмийлашган усуллариининг шаклланишига услубий ёндашувлар шарҳи самараларни баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш, ривожланиш мувозанатлашганлигини таъминлашнинг молиявий воситаларини рўёбга чиқариш, молиялаштириш турли манбаларини ҳаракатлантириш имкониятлари ва хавфлари йўналишида уларни янада такомиллаштириш зарурлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради.

Мувозанатли минтақавий ривожланиш стратегиясининг ахборот-таҳлилий таъминотини такомиллаштиришнинг ажратилган йўналишларини амалга оширишга қаратилган концептуал ёндашувларни ишлаб чиқиш номуносивбликларни илк диагностикалашни ўтказиш ва уларнинг минтақавий тизимлар ривожланиш динамикасига салбий таъсирини камайтириш имконини беради.

Таркибий номуносивбликларнинг кучайиши, беқарорлаштирувчи омилларга минтақавий тизимларнинг олдиндан аниқ жавоблари, минтақавий тизимлар ички ва ташқи муҳити ноаниқликлари ва динамизми, мураккабликларнинг ортиши минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг минтақавий бошқаруви механизмларини такомиллаштириш заруратини белгилайди.

Минтақалар мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини шакллантириш механизмнинг келтирилган йириклашган чизмаси жараёдли ва тизимли ёндашув жиҳатидан мувозанатли минтақавий ривожланиш стратегиясини танлаш ва асосий таъминловчи тизимларни ажратишга нисбатан қарор қабул қилиш жараёнини таркиблаш вазифасини ҳал қилиш имконини беради [4].

Минтақани мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг шаклланиш механизмини такомиллаштириш йўналишлари ажратилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши минтақавий ривожланиш номуносибликларининг шаклланиш хавфини баҳолаш, алоҳида минтақалар ва бутун миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган таркибий ислохотларни амалга оширишга нисбатан бошқарув қарорларининг илмий асосланганлиги ва сифатини ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сонли “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик ҳоидаси бўлиши керак.Т.: «Ўзбекистон», 2017 14-январь.6-бет.
3. Алаев Э. Б. Социально-экономическая география: Понятийно-терминологический словарь/ Э. Б. Алаев. – М.: Мысль, 1983. – 350 с.
4. Артемова Д.И. Управление развитием инновационной инфраструктуры университета: диссертация ... кандидата: 08.00.05, Санкт-Петербург, 2019.// <http://dlib.rsl.ru>
5. Белоусова Л. И. Инновационно-инвестиционная активность предприятия: монография / Л. И. Белоусова. – Луганськ: Вид-во СНУ, 2006. – 176 с.
6. Гейман О. А. Нелинейность экономики и неравномерность развития регионов: монография/ О.А. Гейман. – Харьков: ФЛП Либуркина Л. М.: ИД «ИНЖЭК», 2009. – 428 с.
7. Гранберг А. Г. Основы региональной экономики: учебник / А. Г. Гранберг. – М.: ГУ Региональная экономика России, 2003. – 495 с.
8. Гриньов А. В. Управление инновационным развитием промышленных предприятий в глобальном средовом пространстве: монография / А. В. Гриньов, Т. В. Дедилова. – Х.: ХНАДУ, 2008. – 148 с.
9. Игнатова А.М. Политические и концептуальные основания трансформации государственного управления в современной России: диссертация... кандидата политических наук: 23.00.02, Санкт-Петербург, 2019.//<http://dlib.rsl.ru>
10. Иншаков О.В., Фетисов О.В., Иншакова Е.И., Калинина А.Э. Стратегия социально-экономического развития Волгоградской области (2008–2025 гг.) / – Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2007. – 356 с.
11. Кульман А. Экономические механизмы: пер. с фр. / А. Кульман. – М.: Политиздат, 1987. – 351 с.
12. Кулаковский Е.С. Пространственная организация местного самоуправления в условиях Центрального Черноземья России (на материалах Воронежской области): диссертация ...кандидата географических наук: 25.00.246 Санкт-Петербург, 2020//<http://dlib.rsl.ru>

13. Лопатников Л. И. Экономико-математический словарь: Словарь современной экономической науки / Л. И. Лопатников. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Дело, 2003. – 520 с.
14. Масленникова Н. П. Инновационная восприимчивость как основа роста инновационной активности организации / Н. П. Масленникова // Проблемы развития инновационно-креативной экономики: сб. материалов II Междунар. науч.- практ. конф. – Электрон. текстовые дан. – Режим доступа: <http://econference.ru/blog/conf06/206.html>. – Загл. с экрана.
15. Межевич Н. М. Определение категории «регион» в современном научном дискурсе / Н. М. Межевич // Псковский регионологический журнал. – 2006. – № 2. – С. 3–21.
16. Методы социально-экономического прогнозирования. Модели и методы / И. С. Светульников, С. Г. Светульников. – М.: Юрайт, 2014. – Т. 2. – С. 42–46
17. Модели оценки, анализа и прогнозирования социально-экономических систем: монография / под ред. Т. С. Клебановой, Н. А. Кизима – Х.: ФЛП Павленко А. Г.: ИД «ИНЖЭК», 2010. – 280 с.
18. Некрасов Н. Н. Региональная экономика: монография / Н. Н. Некрасов. – Изд. 2-е. – М.: Экономика, 1978. – 340 с.
19. Пискун Е.И. Механизм формирования стратегия сбалансированного развития региона. //Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 3, Экон. Экол. 2015. № 4 (33). С.77 -86.
20. Плаксин В. И. Основы системы инновационной деятельности предприятия: монография / В. И. Плаксин, О. В. Горбачева. – Симферополь: ДиАйПи, 2009. – 333 с.
21. Пономаренко Е. В. Механизм управления инновационными научно-производственными кластерными структурами / Е. В. Пономаренко, Е. В. Анненкова // Науковий журнал «БІЗНЕС ІНФОРМ». – 2010. – № 5 (1). – С. 83–85.
22. Проблеми управління інноваційним розвитком підприємств у транзитивній економіці: монографія / С. М. Ілляшенко, О. В. Прокопенко, Л. Г. Мельник [и др.]; заг. ред. С. М. Ілляшенко. – Суми: Університетська книга, 2005. – 582 с.
23. Региональная экономика и управление: учебное пособие / под ред. Е. Коваленко. – 2-е изд., перераб. и доп. – СПб. : Питер, 2008. – 288 с.
24. Руденський Р. А. Моделі антисипативного управління складними економічними системами: автореф. дис. ... доктора екон. наук: спец. 08.00.11 – математичні методи, моделі та інформаційні технології в економіці / Руденський Р. А. – Донецьк, 2009. – 40 с.
25. Методы социально-экономического прогнозирования. Модели и методы / И. С. Светульников С. Г. Светульников. – М.: Юрайт, 2014. – Т. 2. – С. 42–46.
26. Энциклопедия кибернетики / под ред. В. М. Глушкова. – Киев: Главная редакция Украинской Советской энциклопедии, 1975. – Т. 1. – 608 с.
27. Ягудин С. Ю. Методологические подходы формирования современного управления инновационным развитием предприятий: на примере химической

и нефтехимической промышленности: дис. ... д-ра экон. наук: 08.00.05 / Ягудин Семен Юрьевич. – М., 2005. – 294 с.

28. www.stat.uz

29. <https://naukaip.ru/wpcontent/uploads/2020/10/%D0%9C%D0%9A892.pdf/http://naukaip.ru>

УДК: 821:512.133-9

ЎЗБЕКИСТОНДА МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ РЕГИОНАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА

FEATURES OF REGIONAL POLICY IN UZBEKISTAN

Абулкасимов Х.П. иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, ЎзМУ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда давлатнинг минтақавий сиёсатининг моҳияти, мақсади ва амалга ошириш йўналишлари ҳамда қўлланиладиган усуллари ёритилган. Унда республика ҳудудларининг ривожланиш тенденциялари ва муаммолари аниқланган. Ҳудудларни янада ривожлантириш истиқболлари ҳамда уларнинг ривожланишидаги фарқларни ва тенгсизликларни қисқартириш йўллари бўйича таклифлар асосланган.

Калитли сўзлар: минтақа, ҳудуд, маъмурий-ҳудудий бирлик, минтақавий сиёсат, ялпи ички маҳсулот, ялпи ҳудудий маҳсулот, маҳаллий бюджет.

Аннотация. В статье освещены сущность, цели и основные направления, а также способы осуществления государственной региональной политики. В ней определены тенденции и проблемы развития регионов республики. Обоснованы предложения по перспективам развития, а также по направлениям сокращения разницы и неравномерности в развитии регионов страны.

Ключевые слова: регион, административно-региональная единица, региональная политика, валовой внутренний продукт, валовой региональный продукт, местный бюджет.

Annotation. The article highlights the essence, goals and main directions, as well as ways of implementing state regional policy. It identifies trends and problems of development of the regions of the country. Proposals for the prospects of development, as well as directions for reducing the differences and disparities in the development of the regions of the country are substantiated.

Keywords: region, administrative-regional unit, regional policy, gross domestic product, gross regional product, local budget.

Шаклланаётган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг минтақавий сиёсати иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакат маъмурий-ҳудудий бирликларининг молиявий-хўжалик мустақиллигини мустаҳкамлаш республика ҳукумати билан маҳаллий ҳокимликлар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Ўзбекистонда юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда **давлатнинг минтақавий сиёсати** бош мақсадлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинган:

- мамлакатнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган ҳуқуқларнинг таъминланиши учун тенг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни яратиш;

- республика барча аҳолисининг ижтимоий кафолатларини ҳамда тенг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялашни таъминлаш.

Ушбу мақсадларнинг амалга оширилиши қуйидагиларни тақозо этади:

- минтақа (ҳудуд)ларда янги иқтисодий муносабатларни ва умумиқтисодий шароитларни қарор топтириш учун қулай шароитлар яратиш. Бунинг оқибатида турли мулкчилик шакллариغا эга бўлган хўжалик субъектларининг фаолияти учун қулай шароитлар яратилади;

- минтақа (ҳудуд)ларда уларнинг ва аҳолининг манфаатларини рўёбга чиқариш учун шароитлар шакллантирилади;

- маҳаллий ҳокимлик ва ўз-ўзини бошқариш органларининг минтақа (ҳудуд)ларни бошқаришдаги роли ва фаоллиги ортади;

- минтақа (ҳудуд)лараро инфратузилмани тиклаш, қайта тиклаш. Бунинг оқибатида мамлакат миқёсида ягона иқтисодий макон, халқ хўжалиги комплекси шакллантирилади. Шунингдек, самарали ҳудудий меҳнат тақсимоти ва ижтимоий меҳнат интеграциялашуви вужудга келтирилади ҳамда бозор муносабатлари ривожлантирилади

- кам ривожланган ҳудудларни ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, истиқболли ҳудудларни устувор равишда ривожлантириш[3].

Ушбулардан келиб чиқиб, давлат минтақавий сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- республика давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси субъектларининг ўзаро тенг ҳуқуқлигининг конституцион тамойилларини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши прогноз (истикбол) кўрсаткичларини ва мақсадли дастурларни мунтазам равишда ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини услубий ва меъёрий жиҳатдан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш;

- мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишини зарур ҳолатларда ўзгартириб туриш. Бу мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар инъикоси сифатида амалга оширилиб турилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш қўйидаги йўналишларда амалга оширилди:

- ҳудудларни, туманлар гуруҳини ва туманларни комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

- ҳудудлар минерал-ҳомашё ресурсларини комплекс ўзлаштириш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ташқи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

- саноат ва унинг тармоқларини ривожлантиришнинг ҳудудий ва республика дастурларини ишлаб чиқиш, фаолият юритаётган ишлаб чиқариш қувватларини профилини ўзгартириш, хорижий инвестицияли янги корхоналарни қуриш;

- ҳудудлар қишлоқ хўжалиги ва уларнинг табиий-иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалигида ислохотларни ривожлантириш ва янада чуқурлаштириш бўйича республика, ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- иш билан бандлик, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви ва бошқалар билан таъминлаш бўйича республика дастурларини амалга ошириш;

- республика ва маҳаллий бошқарув тизимларини такомиллаштириш;

- маҳаллий бюджетни мустаҳкамлаш, ҳудудларга дотация ва субвенциялар ажратиш;

- бошқаришнинг ҳудудий-хўжалик тизимини оқилона ташкил этиш мақсадида мамлакатни маъмурий-ҳудудий бўлинишини такомиллаштириш.

Таъкидлаш жоизки, давлат минтақавий сиёсат орқали минтақа(ҳудуд) иқтисодиётини тартибга солишда бевосита ва билвосита усуллардан кенг фойдаланади. Давлатнинг ҳудудий иқтисодиётга бевосита, тўғридан-тўғри аралашishi маъмурий воситалардан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу усуллар давлат ҳокимияти кучига таяниш, рухсат бериш, ман қилиш, мажбурлаш чораларини ўз ичига олади. Билвосита тартиблаш турли иқтисодий чора-тадбирлар, восита ва дастаклар орқали амалга оширилади. (1-жадвал).

Минтақавий (ҳудудий) такрор ишлаб чиқариш жараёнларни тартибга солишнинг иқтисодий усуллари хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатлари орқали, солиқ имтиёзлар, кредитлар, субвенциялар ва бошқа дастаклар ёрдамида қўлланилади.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришида ҳудудларнинг роли сезиларли даражада ошди. Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган мақсадли ҳудудий дастурлар амалга оширилди. Бунинг натижасида ялпи ҳудудий маҳсулот 2019 йилда нисбатан 2000 йилга Тошкент шаҳрида 5,7 мартага, Жиззах вилоятида 4,5 мартага, Андижон вилоятида 4,1 мартага,

Қорақалпоғистон Республикасида 4,1 мартага, Самарқанд вилоятида 4,0 мартага, Андижон вилоятида 4,1 мартага, Наманган вилоятида 3,9 мартага, Сурхондарё вилоятида 3,7 мартага ўсди. Юқори иқтисодий ўсишга эришган Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида хизмат кўрсатиш соҳалари иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим роль ўйнади. ЯХМ мамлакат ЯИМ дан юқори бўлмаган ўсиш суръатига эга бўлган ҳудудлар гуруҳига Хоразм (3,6 марта), Бухоро (3,4 марта), Қашқадарё (2,9 марта), Тошкент (3,1 марта), Сирдарё (2,9 марта), Фарғона (2,7 марта) ва Навоий (2,2 марта) вилоятлари киради [7,8,9].

1-жадвал.

Минтақавий (ҳудудий) такрор ишлаб чиқариш жараёнларни тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий усуллари[3]

Маъмурий усуллар	Иқтисодий усуллар
Бошқариш қарорларини тайёрлаш ва амалга ошириш учун шароит яратишга йўналтирилган аниқ манзилли топшириқлар беришга асосланади	Умумий иқтисодий қонун-қоидаларга, тамойилларга таянади
Бошқариладиган объектларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишда, бошқариш органининг манфаатини устувор равишда қўзлашда ифодаланади	Бошқариладиган объектларга билвосита таъсир кўрсатилади, турли мулкчилик шакллардаги корхоналарнинг иқтисодий манфаатлари ҳисобга олинади
Қабул қилинадиган қарорлар учун асосий масъулият бошқариш органи зиммасида бўлиб, бошқариладиган объектнинг ҳуқуқлари чекланган	Хўжалик субъектлари тўлиқ мустақилликка эга бўлиши, ўз фаолияти ва унинг оқибатлари учун юқори масъулиятли бўлиши тақозо этилади
Маъмурий фармойишлар, режалар директив характерга эга бўлиб, уларни бажариш мажбурий ҳисобланиб, ундан четланишга йўл қўйилмайди	Хўжалик субъектларини ўзининг иқтисодий манфаати нуктаи назаридан ва иқтисодий рискни эътиборга олган ҳолда муқобил қарорлар тайёрлашга ва оқилона ечимлар топишга ундайди

Минтақалар ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)ларининг Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)даги улушининг ўзгариши таҳлили Тошкент шаҳрининг улуши 2000 йилдаги 12,2%дан 2021 йилда 16,6%га, Қорақалпоғистон Республикасининг улуши 3,4 %дан 3,6% га, Жиззах вилояти улуши 2,6%дан 3,2%га, Навоий вилоятининг улуши 4,5% дан 8,1% га ўсганлигини кўрсатмоқда. Қолган минтақалар ЯХМнинг республика ЯИМ даги улушлари камайган (қаранг:2-жадвал).

Аҳоли жон бошига ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жорий нархларда 2021 йилда 2010 йилга нисбатан Ўзбекистонда 7,6 мартага, Навоий вилоятида 11,5 мартага, Қорақалпоғистон Республикасида 10,3 мартага, Тошкент вилоятида 9,6 мартага, Тошкент шаҳрида 9,4 мартага, Жиззах вилоятида 8,4 мартага, Бухоро вилоятида 7,9 мартага, Сирдарё вилоятида 7,6 мартага ўсгани ҳолда Фарғона вилоятида 7,1 мартага, Сурхондарё вилоятида 6,9 мартага ўсди.

Аҳоли жон бошига ялпи ички ҳудудий маҳсулот ҳажми бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган Навоий вилояти билан 2000 йилда энг паст кўрсаткичга эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги фарқ

257%ни, 2010 йилда 380%ни ташкил этган. 2021 йилда Навоий вилояти билан Сурхондарё вилояти ўртасидаги фарқ эса 522,6%ни ташкил этди.

2-жадвал.

**Худудлар ялли худудий маҳсулоти (ЯХМ)нинг Ўзбекистон
Республикаси ЯИМ даги улуши (2000-2021йиллар, % да) [7,8,9,10]**

худудлар	2000й	2013й	2017 й	2018й	2019 й	2021й
Қорақалпоғистон Республикаси	3,4	2,5	3,4	3,7	3,7	3,6
Андижон вилояти	7,4	6,5	6,3	6,5	6,4	6,0
Бухоро вилояти	6,4	5,6	5,5	5,2	5,2	5,3
Жиззах вилояти	2,6	2,3	3,0	3,0	3,0	3,2
Қашқадарё вилояти	7,2	7,3	7,5	6,2	6,1	6,0
Навоий вилояти	4,5	5,4	4,7	5,4	7,1	8,1
Наманган вилояти	5,3	4,2	4,8	4,4	4,5	4,7
Самарқанд вилояти	8,1	6,3	8,5	7,7	7,3	7,3
Сурхондарё вилояти	5,1	4,2	4,5	4,4	4,2	4,1
Сирдарё вилояти	2,6	1,8	2,1	2,0	2,2	2,1
Тошкент вилояти	11,5	9,9	9,2	9,5	10,5	11,2
Фарғона вилояти	11,5	6,8	6,6	6,5	6,2	6,4
Хоразм вилояти	4,3	3,2	3,8	3,7	3,6	3,7
Тошкент ш.	12,2	14,5	13,5	14,3	15,4	16,6

Иқтисодиёда амалга оширилган таркибий силжишлар ва тармоқлардаги сифат ўзгаришлар натижасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш индексида ва унинг инъикоси бўлган рейтингларда айрим худудлар ижобий натижаларга эришган бўлса, бошқалари салбий кўрсаткичларга эришдилар. Жумладан, 2000-2019 йилларда Бухоро вилояти 4- ўриндан 2- ўринга кўтарилган бўлса, Навоий вилояти 2-ўриндан 4-ўринга тушган.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш индекси ва рейтингида Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Қашқадарё, Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ижобий натижаларга эришишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида худудларни иқтисодий тараққиётининг қуйидаги стратегик вазифаларини белгилаб берди:

- социал-иқтисодий жихатдан жадал ривожланиш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир худуднинг табиий, минерал ва хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- худудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш миқёсини кенгайтириш ҳисобидан худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқини камайтириш, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ўстириш йўли билан туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш;

- янги саноат, ишлаб чиқариш ва сервис марказларини ташкил этиш ҳисобидан шаҳар типдаги кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни фаол ривожлантириш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

- субвенцион шаҳар ва туманларни камайтириш, саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш;

- саноат ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш[2].

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 33-мақсад сифатида ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш орқали ҳудудий иқтисодий 1,4-1,6 бараварга ошириш. 14 та ҳудуд бўйича туман ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқилган беш йиллик ҳудудий дастурларни амалга ошириш ҳамда 34-мақсад сифатида ҳудудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш белгиланган [1].

Эндиликда мамлакатни территориал ривожланиш бош схемасига кўра таянч минтақа белгилаб олиниб, унинг ривожлантириш вазифалари аниқланади. Бу эса қуйидаги имкониятларни вужудга келтиради:

- мамлакатни халқаро бозорларга интеграциялашувини самарали таъминлаш, ўз территориясида товарлар, молиявий маблағлар, ишчи кучи, оқимларини, инновацияларни ишлаб чиқиш ва улар муомаласини бошқариш марказларини тўплашга муваффақ бўлинади;

- бир неча локомотив ва таянч ҳудудларни шакллантириш орқали мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жадаллаштирилади, бошқа минтақа (ҳудуд)лар учун янгиликлар яратиш манбасига айлантирилади. Бу минтақалар қўшни минтақаларга ўз корхоналарининг буюртмаларини бериш, айрим ишлаб чиқариш бўғинларини ташкил этиш орқали уларнинг ҳам ривожланишига туртки беради;

- мамлакат минтақалари ўртасида инфратузилмавий, ишлаб чиқариш-технологик ва ижтимоий-маданий алоқадорликни таъминлаш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришилади;

- мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини кенг миқёсда амалга ошириш имкониятига эга бўлинади.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда территориал-тармоқ кластерлар муҳим роль ўйнайди. Кластерларда баъзи ҳудудларда айрим товарлар, бутловчи қисмларни хом ашёларни ишлаб чиқариш ташкил этилади. Бунга Асакадаги енгил автомобиллар, уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришнинг ташкил этилганлиги мисол бўлади. Кластер ҳудуд манфаатини корхона манфаати билан уйғунлаштиради. Кластер территориал ишлаб чиқариш ичида рақобат муҳитини яратиб, ички ва жаҳон бозорларига маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этади ҳамда мазкур ҳудуд аҳолисини иш билан таъминлашни яхшилайти, ҳудудни ҳар томонлама ривожланишига имконият яратади. Кластер иштирокчиси бўлган хўжалик субъектларининг ўзаро алоқадорлигини, биргаликда илмий-тадқиқот, янги технологияни жорий этиш ишларини биргаликда амалга ошириш, тажриба,

билим ва асосий фондлардан биргаликда фойдаланиш, рискларни камайитиришда, жаҳон бозорларига чиқишда ҳудудни ривожлантириш, ободонлаштиришда ўзаро ҳамкорлик қилиши кучаяди.

Минтақа (ҳудуд) ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш кўзда тутади. Бу дастурларни ишлаб чиқишда ўзаро алоқадорлик ва давомийлик, ресурсларни тежаш, инфратузилмавий таъминот тамойилларига асосланилади.

Дастурларни ишлаб чиқиш ва минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш моделларини яратишда SWOT таҳлилидан фойдаланилади. Ушбу таҳлил асосида минтақа, ҳудуднинг кучсиз ва кучли томонлари, имкониятлари ва таҳдид, хавф-хатарлар аниқланади. Минтақани ривожлантиришнинг турли сценарийлари ишлаб чиқилади. Инерцион ривожланиш сценарийсида барча тенденциялар амалда сақланади. Экспортга йўналтирилган ривожланиш сценарийсида, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ва уларнинг салоҳиятини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади. Мобилизацион ривожлантириш сценарийсида ички захираларни, ресурсларни, иқтисодий ўсиш омиллар ҳисобга олинади ва ривожланиши мақсадида фойдаланишга йўналтирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони. 1-илова.// <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>
2. Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси”-Т.:” O'zbekiston” нашриёти, 2021.-168-169-бетлар.
3. Абдурахмонов К.Х., Абдуллаев А.М., Дадабоев Ш.Х. Региональная экономика и управление Учебник. / Под ред. Акад. С.С. Гулямова – Т.: Изд-во “Fan va texnologiya”, 2007. – 425-427-бетлар.
4. Абулқосимов Х.П. Иқтисодий дaвлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. –Т.:“Noshirlik yog'dusi”, 2018. - 402-403- бетлар.
5. Асадов Х.С. Современные тенденции экономического развития регионов Узбекистана // Экономика Центральной Азии. – 2020. – Том 4. – № 3. – С. 251-262.
6. Aholi jon boshiga yalpi ichki (hududiy) mahsulot hajmi (joriy narxlarda, ming so'm)// [file:///D:/Статистика/статистика%202010-2020%20мавзу%](file:///D:/Статистика/статистика%202010-2020%20мавзу%20)
7. Mustaqillik yillarida (1991-2016 yillar) O'zbekiston Respublikasining makroiqtisodiy ko'rsatkichlari tahlili// stat.uz/uz.
8. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2019 йил январь-декабрь.-Т., 2020.-25-бет.
9. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2020 йил январь-декабрь.-Т., 2021.-27-бет.
10. O'zbekiston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy holati. 2021yil yanvar-dekabr.-Т., 2021.-31-бет.

FEATURES OF THE ROLE OF HUMAN CAPITAL IN THE
INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE ECONOMY

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА ИНСОН
КАПИТАЛИ РОЛИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ РОЛИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В
ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ

Gaibnazarova Z.T.

(DSc, Professor of the department «Economics and management of industry»
Tashkent State Technical University named after Islam Karimov)

Annotation. The article presents the systematization of topical problems of our time in the field of production management, in particular the management of human capital and its role in the innovative development of the economy. The theoretical grounds for the emergence of controversial issues when investing monetary and non-monetary assets in human capital and possible scenarios for their solution are presented.

Key words: investment, human capital, intellectual capital, innovation, self-development.

Аннотация. Мақолада ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасидаги замонамизнинг долзарб муаммолари, хусусан, инсон капиталини бошқариш ва уни иқтисодиётнинг инновацион ривожланишидаги ўрни тизимлаштирилган. Инсон капиталига пул ва номонетар активларни инвестициялашда мунозарали масалаларнинг вужудга келишининг назарий асослари ва уларни ҳал қилишнинг мумкин бўлган сценарийлари келтирилган.

Калим сўзлар: инвестициялар, инсон капитал, интеллектуал капитал, инновациялар, ўз-ўзини ривожлантириш.

Аннотация. В статье представлена систематизация актуальных проблем современности в области управления производством, в частности управления человеческим капиталом её роли в инновационном развитии экономики. Представлены теоретические основания возникновения спорных вопросов при инвестировании денежных и неденежных активов в человеческий капитал и возможные сценарии их решения.

Ключевые слова: инвестиции, человеческий капитал, интеллектуальный капитал, инновация, саморазвитие.

A characteristic feature of modern world economic development is the transition of leading countries to the formation of innovative development, the basis of which is an innovative economy. In the context of the formation of an innovative economy, science-intensive and high-tech industries come to the fore, and human capital becomes the dominant factor in development and

competitiveness, raising the economy to a high level of efficiency and competitiveness.

In modern economic science, human capital is understood as the totality of knowledge, skills and abilities used to meet the diverse needs of a person and society as a whole. High qualifications, unique skills and abilities, the ability to adapt them to the ever-changing conditions of life become the leading production resource.

Investments in intellectual human capital are turning into the most efficient way to allocate resources. The human factor is unparalleled not only at the level of individual production, but also on a national scale. The competitiveness of any country depends on the person, his work to the greatest extent.

The market demand for human capital can be defined as the need of economic entities for the amount of human knowledge, skills, abilities and abilities of a certain qualification level of potential employees required by business organizations for the effective conduct of business. The supply of human capital should be understood as the willingness of an individual or household to offer the necessary knowledge, abilities and experience in the human capital market that meets the needs of business and society at an agreed price. The balance of demand and supply of human capital in the economic space is the key to successful economic development.

The transition to a new stage of economic development reinforces the special position of knowledge, innovation, education in the economic structure of the modern economic mechanism. In this regard, in the context of the development of innovative activity, the attitude towards the main productive force of society - a person of highly intellectual, highly productive labor - should completely change.

The role of highly qualified specialists in the innovation economy is very important and will constantly grow. Therefore, the training of personnel capable of effectively managing innovative processes, developing and implementing innovative projects, creating certain conditions for the production activities of people is a priority problem at any level.

In this regard, the objective need for innovative development, the formation of an innovative economy requires the development of a new concept of personnel training, which should be based on such principles as:

- formation, development and self-realization of a creative personality;
- constant focus on generating promising scientific and technical innovations and finding ways and methods for their practical implementation in innovation;
- orientation towards the training of highly qualified and highly intelligent specialists, system managers of innovation activity;
- consideration of education and training of personnel as an integral part of the production process, and the cost of training personnel - not as costs for employees, but as long-term investments necessary for the prosperity of enterprises, industries and regions;
- training in managing the social and psychological aspects of the process of creating high-tech innovations, using the creative potential of the team for accelerated large-scale implementation of innovative developments in practice;

- creation of a system of continuous training and advanced training of personnel, integrated into the system of production of innovative products;
- cooperation of universities and other universities of the regions with leading enterprises of the regions implementing innovative projects, and their joint activities in the development of curricula, the publication of textbooks and monographs on innovative technologies, systems and equipment, in the training of highly qualified specialists in new professions and promising scientific - innovative directions.

To implement this concept and achieve the goal, higher education should become one of the main resources. The system of higher education, which provides the main component of development - personnel, should be supplemented with an innovative component. The system of higher education should contribute to the restoration and development of enterprises and territories of the country. To ensure the effective achievement of the strategic goal, the infrastructure of higher education in Uzbekistan should be supplemented with innovative and investment structures (centers, complexes, companies, institutions) so that universities form educational, scientific and innovative complexes. It is the system of higher education that is the most promising for building on its basis the Uzbek innovation and investment network, which should connect science and production in all regions and industries.

This is due to such properties of national higher education as:

- distribution of higher education in all regions;
- high scientific and technical potential of higher education;
- the universality of the system of higher education, its intersectoral nature;
- scientific schools of universities of Uzbekistan cover all areas of the country's economy;
- interaction of higher education through its graduates with all regional and sectoral structures;
- a relatively high level of information support system of higher education, including global and local information networks, connected into a single system;
- high public support for higher education;
- flexibility of the higher education system.

«В 2022 году внешнеэкономические условия меняются и складываются на фоне нарастания неопределенностей. Это отражается на ряде показателей, в том числе на росте доходности еврооблигаций Узбекистана. Об этом рассказал глава ЦБ РУз Мамаризо Нурмуратов в своем выступлении 27 октября. По его словам, в начале года процентные ставки по суверенным облигациям РУз были в районе 4,2 – 4,4%. Сейчас же значения находятся в районе 9%. Рост доходности – это увеличение премии за риск на фоне геополитической ситуации в регионе и ужесточения мировых финансовых условий. Бумаги РУз потеряли в цене и, соответственно, выросли в доходности. По данным Минфина, на 26 октября процент по еврооблигациям Узбекистана 2024 был на уровне 9,14%, с погашением в 2029 году – 8,88%, в 2030 году – 8,72%, а в 2031-м – 8,7%. Мамаризо Нурмуратов пояснил, что в мире продолжается процесс глобальной инфляции за счет роста цен на основные продукты питания, сырье и энергоресурсы на мировых рынках. По прогнозам МВФ, в этом году ожидается ускорение мировой инфляции до 9,1% (в 2021 году значение было 4,7%). Для сдерживания роста цен большинство центральных банков ужесточают денежно-кредитные условия и поэтому повышается цена финансовых ресурсов. Казначейские облигации США выросли на 2,6% с начала года и теперь имеют доходность около 4,2%. Данный фактор повлиял на рост ставок по евробондам РУз.

Более половины мирового облигационного долга номинировано в долларах США. Решения ФРС об увеличении ставки определяют конфигурацию процентных ставок в долларах США и оказывают непосредственное влияние на формирование кривой доходности по американским казначейским обязательствам, на которые ориентируется международный рынок еврооблигаций».

Список использованной литературы:

1. Закон Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности» (новая редакция).
2. Закон Республики Узбекистан «О Центральном банке Республики Узбекистан» (новая редакция).
3. Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022 г. № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы».

4. Указ Президента Республики Узбекистан от 06.07.2022 г. № ПФ-165 «Об утверждении Инновационной Стратегия развития Республики Узбекистан на 2022 - 2026 годы».
5. Секьюритизация активов: секьюритизация финансовых активов - инновационная техника финансирования банков / Х. П. Бэр; пер. с нем. [Ю. М. Алексеев, О. М. Иванов]. - М.: Волтерс Клувер, 2007.
6. Jesús Fernández-Villaverde & Pablo A. Guerrón-Quintana, 2020. "[Uncertainty shocks and business cycle research](#)," Review of Economic Dynamics, vol 37, pages S118-S146.
7. <https://smart-lab.ru/finansoviy-slovar/>
8. <https://econs.online/articles/opinions/ekonomicheskii-effekt-neopredelennosti/>
9. <https://uz.kursiv.media/2022-10-28/dohodnost-evroobligacij-uzbekistana-vyrosla/>

УДК: 334.722(575.1)

ХУНАРМАНДЧИЛИКДА ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

CHARACTERISTICS OF FAMILY BUSINESS DEVELOPMENT IN HANDICRAFTS

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ СЕМЕЙНОГО БИЗНЕСА В РЕМЕСЛЕНИЧЕСТВЕ

Абдуллаева Р.Г. (ЎзМУ Иқтисодиёт назарияси кафедраси, PhD)

Аннотация. Ўзбекистон иқтисодий амалиётида аҳоли бандлигини таъминлашнинг бутунлай янги институционал шакли жорий этилди. Оилавий корхонани таъкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, оилавий корхонанинг ҳамда унинг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оилавий корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимларининг ижтимоий муҳофазаси, оилавий корхона фаолияти эркинлигининг кафолат нормалари белгилаб берилди. Оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларга янада қулай шарт-шароит яратиш, шунингдек, оила бюджетлари даромадларини кўпайтиришнинг, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этишнинг ва халқ ҳунармандчилигининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолишнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчиликни янада ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Калит сўзлар: ҳунармандчилик, оилавий корхона, гиламдўзлик, кулолчилик, иш билан бандлик, оила даромадларини ошириш, халқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш.

Аннотация. В экономическую практику Узбекистана внедрена совершенно новая институциональная форма занятости. Были определены нормы организации и государственной регистрации семейного предприятия, права и обязанности семейного предприятия и его участников, социальная защита участников семейного бизнеса и наемных работников, гарантия свободы деятельности семейного предприятия. В качестве одного из наиболее эффективных средств создания более благоприятных условий для граждан, занимающихся семейным предпринимательством, а также увеличения доходов семейных бюджетов, привлечения неработающего населения к производственной деятельности и сохранения многовековых традиций народных промыслов, проводится большая работа по дальнейшему развитию семейного предпринимательства и ремесленничества.

Ключевые слова: Ремесло, семейное предприятие, ковроткачество, керамика, занятость, увеличение доходов семьи, развитие народного искусства и прикладного искусства.

Annotation. A completely new institutional form of employment has been introduced into the economic practice of Uzbekistan. The norms for the organization and state registration of a family enterprise, the rights and obligations of a family enterprise and its members, social protection of members of a family enterprise and employees, a guarantee of freedom of activity of the family enterprise were determined. As one of the most effective means of creating more favorable conditions for citizens engaged in family entrepreneurship, as well as increasing family budget revenues, attracting the non-working population to production activities and preserving the centuries-old traditions of folk crafts, a lot of work is being done to further develop family entrepreneurship and crafts.

Keywords: Crafts, family businesses, carpet weaving, ceramics, employment, increasing family income, developing folk art and applied arts.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув ва интеграция жараёнлари кучайиб бораётган бугунги кунда миллий урф-одат ва қадриятларни сақлаб қолишга жиддий эътибор қаратилмоқда. ЮНЕСКОнинг «Хунармандчилик маҳсулотлари учун сифат белгиси» Дастури САССА – Марказий Осиёда хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш ташкилотлари ассоциацияси – хунармандчиликнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини сақлаб қолиш, хунармандчиликда инновацион ёндашувларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хунармандчилик маҳсулотлари Жаҳон Савдо Ташкилотида товарлар савдоси (ГАТТ) ва хизматлар савдоси (ГАТС) бўйича иккита Бош битимга киритилган. Сўнгги йилларда хунармандчилик маҳсулотлари юқори сифати ҳамда ноёблиги туфайли талабнинг ошишига олиб келди, мамлакатларнинг миллий хусусиятларини, урф-одатлари, қадриятлари ва маданиятини акс эттириши унинг юқори рақобат устунлигини кўрсатди. Шунингдек, хунармандчилик аҳолини иш билан таъминлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, «Германияда – иш билан банд аҳолининг 13 фоизи, Болгарияда – 38 фоизи, Австрияда – 11 фоизи,

Руминияда – 28 фоизи, Испанияда – 0,9 фоизи, Италияда – 6 фоизи ҳунармандчилик соҳасида фаолият олиб боради» [1].

Жаҳонда аҳолини самарали иш билан банд этиш ҳамда истиқболли тармоқлар, жумладан, туризмни ривожлантириш йўлларида бири сифатида ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш ва уни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳунармандчилик туристик кластерларни шакллантириш, оилавий тадбиркорликни ва туризмни ривожлантиришнинг инновацион омили сифатида ўрганилмоқда. Ҳунармандчиликда хизматлар бозорини шакллантириш ва маркетингни кенг қўллаш, туризмни ривожлантиришда ҳунармандчилик салоҳиятидан фойдаланиш, бозор иқтисодиёти шароитида ҳунармандчиликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни турли йўналишдаги фан вакиллари – социологлар, демографлар, психологлар ҳамда иқтисодчилар ўрганишади. Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни Ўзбекистонда олимлар томонидан кенг ўрганилган бўлса-да, аммо унинг ривожланиш муаммолари тўғрисидаги тадқиқотлар етарли эмас. Шу нуқтаи назардан хорижий тажрибаларни умумлаштириш асосида Ўзбекистонда улардан фойдаланиш йўллари асослаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш асосида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш механизмини такомиллаштириш мавзусини тадқиқ этиш жараёнида ушбу мавзуга оид ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни ўрганиш асосида мамлакатда оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликнинг жорий ҳолатини таҳлил этишда таҳлил ва синтез усулларида фойдаланилди.

Ўзбекистонда ҳам жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлар шароитида ҳунармандчиликни янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. «Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шу асосда аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш» [2] вазифалари белгилаб берилган. Ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини техник жиҳатдан таъминлашни ўстириш, ҳунармандларни касбий тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларни моддий-техник, молиявий ресурслар билан таъминлашни тартибга солиш, ҳунармандчилик маҳсулотлари сифатини бозор талабига мувофиқ ошириш ва экспортини кўпайтириш, ҳунармандчилик соҳасида оилавий бизнесни ривожлантириш каби муаммоларни ҳал этиш ушбу соҳани илмий тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Ҳунармандчилик инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти билан вужудга келиб, жамият ривожланиши давомида деҳқончилик ва чорвачиликдан ажралиб чиқди. Ҳунармандчилик ўз тараққиёти жараёнида уй

ҳунармандчилиги, буюртмага ва бозорга асосланган ҳунармандчилик шакллари босиб ўтди. Ҳунармандчиликнинг бунақа босқичларни босиб ўтишида ижтимоий меҳнат тақсимоatlари катта туртки берган.

Ҳунармандчилик тараққиёти капитализм пайдо бўлгунга қадар давом этди. Илк капитализм даврида уй ҳунармандчилигининг салмоғи кескин камайиб, бозор учун ишловчи ҳунармандларнинг сони кўпайди. Кўпчилик ҳунармандлар ўз мустақилликларини йўқотиб, олиб сотар савдогарларга боғлиқ бўлиб қолишди, кўп ҳолларда эса ўз уйида ёки йирик капиталист-тадбиркор қўлида ёлланиб ишловчи – касаначига айланиб қолди.

Саноат инқилобларидан кейин эса ҳунармандчилик маҳсулотли машинада ишлаб чиқарилган арзон фабрика маҳсулотлари томонидан сиқиб чиқарила бошланди. Шу пайтдан бошлаб ҳунармандчилик ўзининг ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳукмронлик мавқеини йўқота бошлади, аммо ишлаб чиқариш соҳасидан бутунлай йўқ бўлиб кетмади. Чунки ҳунармандлар кундалик эҳтиёж учун мўлжалланган маҳсулотлар – кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари, меҳнат куролларини яратиб, уларни маҳаллий бозорларга етказиб берганлар.

Марказий Осиёда ҳунармандчиликнинг барча турлари XX асрнинг 20-йилларигача сақланган. Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Хива, Тошкент каби шаҳарларнинг ишлаб чиқариш муносабатларида ҳунармандчилик катта роль ўйнаган.

Октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки йилларда Ўзбекистон ҳудудида 105-118 мингта ҳунармандчилик корхоналари фаолият кўрсатган. Аммо, ўша даврларда яқка тартибда фаолият юритаётган, шунингдек ҳунармандчиликни деҳқончилик ва боғдорчилик билан бирга олиб бораётган ҳунармандлар ҳисобга олинмаган. Бундан кўриниб турибдики, XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида яшаган аҳолининг катта қисми ҳунармандчилик соҳасида машғул бўлган [3].

Шўроларнинг ҳокимият тепасига келиши ҳунармандчилик ривожига қақшатқич зарба бўлди. Чунки большевиклар ҳукумати ҳунармандларни «майда буржуа оммаси», деб ҳисоблашган. Ҳунарманд учун – хусусий ишлаб чиқарувчи учун пролетариат диктатураси давлатида ўрин йўқ эди.

XX аср 20-йиллари охирида ҳунармандларни сиқувга олиш сезиларли даражада кучаяди ва улар оммавий равишда сина бошлайдилар. Натижада уларнинг бир қисми қишлоқ хўжалигида ишлашга, бир қисми ишчилар сафига қўшилишга мажбур бўлишди, кўпчиликлари эса ишсизлар қаторига қўшилдилар.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида миллий ҳунармандчиликни тиклаш, ёшларга халқ ҳунармандчилиги сир-асрорларини ўргатиш ва уларни доимий иш ўрни билан таъминлаш, шу асосда уларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаб, аҳоли турмуш тарзини янада юксалтиришга эришиш ишлари асосий масалалардан бирига айланди. Йўқолиб кетган ва йўқолиб кетиш арафасида турган ҳунармандчилик турлари қайта тикланди ва жонлантирилди. «Уста-шогирд» мактаблари қайта тикланиб, унда кўплаб ёшлар ҳунар сирларини ўргандилар ва бу яна давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизда ҳунармандлар учун яратилган имтиёзлар, уларга бўлган эътиборнинг натижасида ҳунармандларнинг сони 42000 кишига етди, республикаимизда ҳунармандчиликнинг хорижий мамлакатларга экспорт қилса бўладиган турларини устувор ривожлантиришимиз керак. Ҳунармандчилик маҳсулотларини хорижий мамлакатларга кенг экспорт қилиш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшиш мумкин. Масалан, «Аргентинанинг «Dinka» компанияси аргентиналик ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар учун хориждан харидорлар излаш, маҳсулотларни етказиб бериш ва божхона расмиятчилиги билан шуғулланади, эвазига сотувдан фоиз олади. Компания ташкил топиши билан қўшни Чили, Перу, Эквадор давлатлари дўконлари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган, кейин эса Техасдан дистрибьютор-компания билан шартнома имзолаган. Бугунги кунда эса Испания, Италия, Германия ва Швейцария давлатлари дўконлари билан ҳамкорликнинг янги имкониятларини изламоқда. Компаниянинг йиллик айланмаси 2 млн. доллардан ошади» [4].

Вьетнамда ҳам халқ ҳунармандчилиги маҳсулоти экспортига алоҳида эътибор қаратилади. Жаҳон бозорида ҳунармандчилик маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш учун ««VietCraft» Ассоциацияси ташкил этилган. Ассоциацияга бутун мамлакат бўйлаб ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бизнеси билан шуғулланадиган 280 та ҳунармандчилик корхоналари ва ташкилотлари аъзо. 2014 йилда Вьетнам халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари экспорти ҳажми бўйича дунёда 8-ўринни эгаллаган ва 1,6 миллиард АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинган. БРИКС (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Африка) мамлакатларига йиллик экспорти ўртача 100 миллион АҚШ долларидадан ошиб кетади» [5]. «2018 йилда Вьетнамда 5400 та ҳунармандчилик қишлоқлари мавжуд бўлиб, 11 миллион киши анъанавий миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқарадилар ва бу маҳсулотлар дунёнинг 160 мамлакатига экспорт қилинган, ҳунармандчилик маҳсулотларининг йиллик экспорт ҳажми 1,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этган» [6]. «Бугунги кунда ҳунармандчилик маҳсулотлари умумжаҳон айланмаси 100 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Ҳунармандчилик маҳсулотларининг асосий истеъмолчилари АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Испания, Нидерландия, Япония, Гонгконг ва бир қанча Ғарбий Европа мамлакатлари ҳисобланади. Буларнинг орасида АҚШ ҳунармандчилик маҳсулотларининг йирик истеъмолчиси ҳисобланиб, 67,5 миллиард доллар атрофидаги маҳсулотлар сотиб олинади, ундан кейин эса Европа мамлакатлари 13 миллиард долларлик ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиб олишади» [7].

Ҳунармандчиликнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ҳўжалик юритиш тизими ўзаро оилавий муносабатларга асосланади. Маълумки, оилавий муносабатлар қадимдан ота-боболаримиз тажрибасидан келиб чиқиб, мустаҳкам асосга эга бўлган фаолият сифатида мавжуд бўлиб келмоқда. Оила даврасидаги муносабатларда унинг иқтисодий жиҳатлари

салмоқли ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан ҳунармандчиликни оилавий тадбиркорлик асосида ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ва оилавий тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий – институционал нормалари белгилаб берилди. Бу қонунга мувофиқ, Оилавий тадбиркорлик – бу оила аъзолари томонида таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти ҳисобланади. Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёри билан юридик шахс ташкил этган ҳолда “Оилавий корхона” ёки ташкил этмаган ҳолда яқка тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандчилик шаклларида амалган оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий – ҳуқуқий шакли оилавий корхона ҳисобланади.

“Оилавий корхона тўғрисида”ги қонунга кўра оилавий корхона давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва унинг фаолият эркинлиги кафолатланади, ривожланиши ва мустаҳкамланишига кўмаклашади. Қонунчиликда белгиланган тартибда ер ажратиб беради, маҳсулотларни сотиш учун махсус жойлар берилишини таъминлайди.

Қонуннинг ўзига хос хусусиятидан бири шундан иборатки, оилавий корхона эгаси ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойлардан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиши мумкин. Бошқача айтганда, энди турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди. (фаолиятнинг айрим турлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно). Ҳозирги вақтда яратилаётган ушбу имкониятлардан ўз фаолиятида кенг фойдаланувчи оилавий тадбиркорлик субъектларининг сафи кенгайиб бормоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадийи ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинади. Тежалган маблағлар эса маҳсулот сифатини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун йўналтирилади.

Республикаimizда ҳунармандчиликнинг кулолчилик ва гиламдўзлик соҳаларида оилавий бизнесни ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда қадимдан миллий қадрият сифатида ривожланиб келаётган кулолчилик анъаналарини асраб-авайлаш, халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, ҳар бир оила, жамоа, идора ва ташкилотларда уни кенг тарғиб этиш, халқ усталарининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, аҳолининг кенг қатламларини, айниқса ёшларни жалб этиш орқали сифатли кулолчилик маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, 2021 йилнинг 23 мартида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5033-сон қарори қабул қилинди. Қарор билан анъанавий ва замонавий кулолчиликни янада

ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди. Кулоллар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади, уста-шогирд мактаблари фаолияти тубдан такомиллаштирилади.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ҳунармандчилик учун Марказий банкнинг асосий ставкасида 500,0 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилади. Уста-шогирд анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган кулолларга шогирдлар тайёрлаши, зарур хомашё сотиб олиши ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун субсидиялар ажратиш тартиби жорий этилди.

Қуйидагилар анъанавий ва замонавий кулолчиликни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

- кулолчилик йўналишида зарур хомашё базасини яратиш, кулолларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, қулай шартларда кредитлар ажратиш;
- ҳудудларда кулолчилик анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш мақсадида соҳада ихтисослашган марказлар ва галереялар ташкил этиш, кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини кенгайтириш;
- кулолчилик фаолияти билан шуғулланаётган ҳунарманд-кулолларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уста-шогирд мактаблари фаолиятини тубдан такомиллаштириш орқали ёшларни соҳага кенг жалб қилиш ва шу асосда янги иш ўринларини яратиш;
- соҳанинг етук намояндалари тажрибаси асосида кулолчилик анъаналарини миллий ифтихор рамзи сифатида ҳар бир оила, хонадон, маҳалла ҳамда идора ва ташкилотларда кенг тарғиб қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш.
- кулолчилик маҳсулотларини республиканинг олис ва бошқа ҳудудларидан сотиб олиш ҳамда реализация ва экспорт қилиш ишларини, шу жумладан хорижий электрон тижорат майдончалари орқали ташкил этиш;
- мамлакатимизнинг туризм ривожланган туман ва шаҳарларида фаолият олиб боровчи миллий ҳунармандчилик савдо дўконларини кулолчилик маҳсулотлари билан таъминлаш.
- халқаро аэропортлар «Duty free» ҳудудларида ва темир йўл вокзалларида кулолчилик ва бошқа турдаги ҳунармандчилик маҳсулотлари савдоси учун махсус жойлар ажратилиши белгилаб берилди.

Анъанавий кулолчилик санъати усталари, санъатшунослар, археологларни жалб қилган ҳолда кулолчиликни чуқур илмий ўрганиш, халқаро кулолчилик гильдиялари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда жаҳон талабларига мос сифатли маҳсулотлар тайёрлашни тарғиб қилиш мақсадида Ҳунарманд уюшмаси қошида «Анъанавий кулолчилик усталари Кенгаши» ташкил этилди.

Яқин Шарқ мамлакатларидан Эрон давлатида ҳам ҳунармандчилик тараққиётига алоҳида эътибор қаратилади. Бу мамлакатда қўлда гилам тўқишга катта эътибор берилади. Шунинг учун қўлда тўқилган Эрон гиламлари дунёда гилам экспорти бўйича мамлакатнинг рақобат устунлигини

таъминлаб берган. Дунёда қўлда тўқилган гилам экспорти бўйича 40% билан Эрон 1-ўринни, 22,4% билан Ҳиндистон 2-ўринни, 18,3% билан Афғонистон 3-ўринни эгаллайди. Қўлда гилам тўқиш Эронда аҳолини иш билан таъминлашда ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, бугунги кунда мамлакат аҳолисининг 10% и, яъни 8 миллион киши шу соҳада банд. Бунда айнан 2,5 миллион киши гилам тўқиш билан, қолган қисми эса янги нақшлар яратиш, янги дизайнларни ишлаб чиқиш, жун маҳсулотини тайёрлаш, табиий ранглар билан бўяш, маслаҳат-реклама ва савдо-сотик ишлари билан шуғулланадилар. Гиламдўзликда банд бўлганларнинг 85% и аёллардан иборат. Биргина Хуросон Резави провинциясида 108 та гиламдўзлик кооперативлари бўлиб, унда 21 минг киши иш билан банд. Эронда ҳар йили қўлда 5-5,5 миллион квадрат метр гилам тўқилади, шундан 3 миллион квадрат метри дунёнинг 81 та мамлакатига экспорт қилинади. Асосий импортёрлар Бирлашган Араб Амирликлари, Германия, Ливан, Италия, Япония, Швеция, Канада, Қатар, Англия, Швейцария ҳисобланади. Қўлда тўқилган гиламлар савдосининг умумий суммаси бугун дунёда 1 миллиард 200 миллион АҚШ долларини ташкил қилади, шу сумманинг 40% и Эроннинг ҳиссасига тўғри келади [7].

Мамлакатимизда ҳам ота-боболаримиздан қадимий мерос бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ипак ва жундан қўлда гилам тўқиш соҳасини ривожлантириш ва ноёб санъат асари ҳисобланадиган ушбу гиламларни бозор талабларига уйғунлаштириш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни мазкур соҳага кенг жалб этиш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида 2020 йилнинг 26 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4759-сон қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан қўлда тўқилган гиламларни экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш механизми татбиқ этилади.

2020 йил 15 июлдан бошлаб қўлда гилам ва ипак мато тўқиш билан шуғулланувчиларга Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 3 тадан кам бўлмаган иш ўрни яратиш шарти билан гилам ва ипак мато тўқиш дастгоҳини харид қилишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун — ҳар бир дастгоҳ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида субсидиялар ажратилади.

2021 йилдан бошлаб, ҳар икки йилда бир марта октябрь ойида Тошкент шаҳрида шарқона қўлда тўқилган гиламлар (Hand-made Oriental Carpets) халқаро фестивали ўтказилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда ҳунармандчилик соҳасида оилавий тадбиркорликни барқарор ривожланишини таъминлашнинг инновацион ғояларини ўз ичига олувчи стратегия ишлаб чиқирилиши лозим. Унда оила тадбиркорлигини бошқариш сифатини ошириш, оила тадбиркорлари сулоласини шакллантириш, хизмат кўрсатиш

инфратузилмалари функцияларини такомиллаштириш йўллари ва механизмлари асосланиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Отчет по ситуации с ремесленничеством в Европе «Проект cr@ftsman; Report on the Situation of Craftsmanship in Europe» cr@ftsman project es/09/lp-ldv/toi/149072 <http://projects.ifes.es/pdfs/craft/craft1.pdf>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ–5242-сон Фармони.
3. ЎзССР тарихи. 4 жилдлик. 4 жилд. – Т.: 1968. -Б. 170.
4. Турдимов Ж. Между торговлей и искусством. // Экономическое обозрение. - №3 2003. - С. 79.
5. <https://vietnam.vnanet.vn/russian/vietcraft-мост-для-экспорта-ремесленных-товаров/204885.html>
6. <http://hvn.addnt.ru/remeslenniye-derevni-vetnama-primen/>
7. www.handicrafts.ir
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. ПҚ-5033-сон қарори 23.03.2021
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори ПҚ-4759-сон қарори 26.06.2020.

УДК:330.102

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ МИРОВОГО РЫНКА СТРАХОВЫХ УСЛУГ

DEVELOPMENT TRAITS OF THE GLOBAL MARKET OF INSURANCE

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ ЖАҲОН БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Хашимов П.З. (и.о. проф. НУУз)
Кадыров А.А. (студент 3-курса НУУз)**

***Аннотация.** Страхование как один из секторов национальной экономики играет важную роль в финансовом и экономическом развитии страны. Снижая неопределенность и влияние крупных убытков, этот сектор экономики может стимулировать новые инвестиции, инновации и конкуренцию. В качестве финансовых посредников с длительным инвестиционным горизонтом страховые компании могут способствовать предоставлению долгосрочных инструментов для финансирования*

корпоративных инвестиций и жилья. Также, многие исследователи приходят к выводу о причинно-следственной связи страхового сектора и экономическим ростом. В этой статье рассматривается значение страхового сектора на примере страхования жизни, проводится анализ страхового рынка в мире и в Узбекистане, а также резюмируются потенциальные пути решения проблем в этом секторе и выведения этого сектора на качественно новый уровень в экономике страны.

Ключевые слова: страхование, страхование жизни, страховые премии, страховые выплаты, страховой рынок, анализ рисков, благосостояние.

Annotation. Representing one of the sectors in national economy, insurance plays a vital role for financial and economic development. This sector may foster new investments, innovations and market rivalry by deescalating uncertainty and unpredictability, and impact of huge losses. To fund corporate investment and housing, insurance organizations can provide the public with long-run tools which can also act as financial intermediaries with long investment horizons. Furthermore, plethora of researches infer from their surveillances that insurance and economic growth has causal relationship. This article studies the importance of the insurance on example of life insurance, analyses the insurance market in the world and in Uzbekistan as well as outlines potential approaches to address problems in the sector and bringing it up to the new high level in country's economy.

Key words: insurance, life insurance, insurance premiums, insurance payments, insurance market, risk analysis, welfare.

Аннотация. Суғурталаш, миллий иқтисодиётнинг бир сектори сифатида мамлакатнинг молиявий ва иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Йирик зарарлардан қўриладиган ноаниқлик ва таъсири камайтирган ҳолда, иқтисодиётни бу сектори янги инвестициялар, инновациялар ва рақобатни рағбатлантиради. Инвестицияга эга бўлган молиявий воситачи сифатида суғурталаш компаниялари корпоратив инвестициялар ва уй-жойларни молиялаштириш учун узоқ муддатли воситаларни жалб қила олади. Шунингдек, қўплаб тадқиқотчилар суғурталаш сектор ива иқтисодий ўсиш ўртасидаги сабаб-натижавий боғлиқлик борлигини ҳулоса қилишмоқда. Ушбу мақолада жаҳон ва Ўзбекистон суғурта бозори таҳлил қилиниб, ушбу соҳадаги муаммоларни ҳал эти ва уни мамлакат иқтисодиётида сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг салоҳияти йўллари сарҳисоб қилинади.

Калит сўзлар: суғурталаш, ҳаёт суғуртаси, суғуртали мукофотлар, суғуртали тўловлар, суғурта бозори, рисклар таҳлили, фаровонлик.

Один из важнейших инструментов финансового рынка, страхование непосредственно влияет на другие сферы деятельности, включая здравоохранение, образование и экономику в целом.

Следует выделить несколько моментов, когда многогранная роль страхования воплощается в реальность, это [1,2]:

- при неожиданных негативных событиях в жизни человека, которое может стать результатом чрезвычайных убытков, финансового затруднения, что ведёт практически всегда к расстройствам нервной системы человека, апатии;

- уменьшение суммы капитала, необходимого государству для покрытия незастрахованных лиц, которое, также, способствует изменению образа жизни застрахованных лиц;

- защита правительства и потребителей от больших убытков;

- поддержка устойчивой экономики.

Цель страхования, не допустить негативные страховые случаи, а если они возникли, обеспечить «финансовую подушку», которая формируется за счёт сбора страховых взносов [1].

В научных трудах и исследованиях Hussein, Muawya Ahmed, and Shabbir Alam (2019), Chaudhury, Suman Kalyan, and Sanjay Kanti Das. (2014) описываются теоретические и методологические основы развития страхового сектора, проблемы формирования и реализации страхового продукта, и развития конкурентоспособной среды в соответствующих странах. Группа учёных Eling, Martin, Shailee Pradhan, and Joan T. Schmit (2014), Dragos, Simona Laura (2014), Segodi, Mmakgabo Pinkie, and Athenia Bongani Sibindi (2022) занималась эмпирическими исследованиями развития страхового сектора, определения основных факторов, влияющих на спрос и предложение этого «продукта», особенно в постпандемийный период и выявления его роли в экономическом росте страны в различных странах и объединениях, в том числе BRICS [8,9]. Кроме того, были тщательно изучены аналитические доклады таких крупных международных и национальных организаций, объединений и платформ как McKinsey & Company, The Geneva Association: INSURANCE FOR A BETTER WORLD, OECD Insurance and Private Pensions Committee, International Association of Insurance Supervisors, Агентство по Развитию Страхового рынка и сделаны необходимые заключения и рекомендации по улучшению страховой среды в Узбекистане.

Для проведения корректного анализа рынка страховых услуг как в Узбекистане, так и в мире, авторы использовали следующие методы исследования, включая метод абстракции для детального изучения объекта исследования, индукции и дедукции, методы сравнительного анализа, обобщения и систематизации собранных данных.

Анализ мирового рынка страховых услуг показывает, что после значительного первоначального шока на финансовом рынке, после вступления в силу строгих ограничительных мер для сдерживания распространения коронавируса, глобальный сектор страховых услуг продемонстрировал как операционную, так и финансовую устойчивость, чему способствовали своевременные меры контроля, обеспечивающие операционную помощь, и меры денежно-кредитной и фискальной поддержки на финансовых рынках в определённых регионах. Согласно оценке международной ассоциации страховых надзоров (IAIS), результаты исследования показывают, что, хотя волатильность финансового рынка,

вызванная кризисом Covid-19 в первой половине 2020 года, действительно повлияла на платежеспособность и прибыльность глобального страхового сектора (в основном за счет его влияния на активы), доступные капитальные ресурсы страховых компаний, в целом, оставались высокими, даже выше требований.

За весь 2020 год страховые компании столкнулись с замедлением роста валовых премий, в частности, в секторе страхования жизни, в результате COVID-19 и падения процентных ставок среди прочих факторов. Тем не менее, темпы роста премий оставались положительными в секторе, не связанном со страхованием жизни, хотя стоит отметить, что количество страховых случаев снизилось, в частности, в страховании автотранспортных средств в результате сокращения использования автомобилей и меньшего количества несчастных случаев из-за ограничений на передвижение, связанных с COVID-19.

Анализируя ситуацию со страхованием в целом для всей отрасли в мире после кризиса, вызванного пандемией COVID-19, согласно прогнозам и аналитике Swiss RE Institute, мировой спрос на страхование вырос на 3,3% в 2021 г. и прогнозируется на 3,9% в 2022 г., что намного быстрее, чем аналогичная ситуация после мирового финансового кризиса (МФК) 2008–2009 годов. Восстановление экономик и самое сильное за последние 20 лет ужесточение ставок по коммерческим направлениям страхования, кроме страхования жизни, подняли страховые премии на 10% по сравнению с докризисным уровнем в 2021 году и поднимут мировой страховой рынок до более чем 7 трлн долларов США к концу 2022 года. В 2020 г. глобальные реальные премии упали на 1,3% [3].

Касательно глобального рынка услуг страхования жизни, он больше всех выигрывает от влияния COVID-19 на осведомленность потребителей о рисках. Так, рост глобальных премий по страхованию составил 3,8% в 2021г и ожидается в районе 4,0% в 2022г. В результате, в 2022 году мировые страховые премии должны превысить отметку 3 трлн долларов США, что будет равняться примерно 40% доли всех страховых услуг, и в большинстве, эти премии будут выплачены на развитых рынках [4].

Исследования профессора Симоны Драгос (2014) показывают, что страхование жизни привлекательно для среднего класса в развитых странах, но могут быть недоступным в странах с низким уровнем дохода, где принято использовать большую часть своего дохода для удовлетворения физиологических потребностей [5]. Что касается Узбекистана, то он до сих пор относится к странам с уровнем дохода на душу населения ниже среднего (lower-middle), согласно классификации Всемирного Банка. Так, ВВП на душу населения в 2021 году в нашей стране составил чуть менее 2000 долларов США на гражданина [6].

Анализ внутреннего рынка Узбекистана показал, что услуги страхования предлагаются исключительно национальными компаниями с местным капиталом. Количество таких компаний достигло 41, 8 из которых имеют лицензию для осуществления услуг страхования жизни. Следует отметить

тот факт, что количество страховых компаний в сентябре 2022 года не изменилось по сравнению с аналогичным периодом 2021 года, однако, совокупный уставный капитал всех представленных организаций на рынке вырос на примерно 20%, с 1,513 трлн сум до 1,838 трлн сум.

Уровень страховых премий увеличился на более 70% за период с сентября 2021г. до сентября 2022г. с 2,6 трлн сум до 4,5 трлн сум. В структуре страховых выплат превалирует добровольное страхование с 63% от общих выплат, затем страхование жизни – с 29% и обязательное страхование с 8%. Также, показатель страховых выплат значительно вырос (более чем 2 раза) за год с 800 млрд сум до 1,9 трлн сум, соответственно. В их структуре большая часть принадлежит отрасли по страхованию жизни (66%), в то время выплаты по добровольному и обязательному страхованию составили в структуре 28% и 9% соответственно.

Более того, уровень совокупных инвестиций страховых организаций в депозиты, ценные бумаги, недвижимость и другие виды увеличился на 800 млрд сум достигнув 4,4 трлн сум в сентябре 2022 года (рис 1) [6].




Рис. 1. Совокупные инвестиции страховых организаций

Обобщив аналитические документы международных организаций и результаты исследований в развивающихся странах с неразвитой страховой средой, можно резюмировать несколько структурных проблем и вызовов в этом секторе в Узбекистане, которые способствуют гипертрофированному развитию этой сферы. Их можно условно разделить на 3 категории, это:

- со стороны предложения:

- доступ к рынкам различных компаний;
- доступность капитала и склонность к риску среди предпринимателей;
- эффективные и соответствующие рынку каналы сбыта.

- со стороны спроса:

- доступность услуг;
- продукты, отвечающие потребностям потребителей;
- ясность в отношении преимуществ продукта;
- финансовая (в том числе страховая) грамотность заинтересованных сторон;

- установление доверия.
- **политическая и регуляторная среда:**
- благоприятная нормативно-правовая база страхования и государственная политика;
- верховенство закона;
- оценка и понимание вклада страхования в общество на политическом и социально-экономическом уровнях.

Для выведения отрасли страхования, в общем, и в частности, сектора страхования жизни в ранг значимых на макроуровне в нашей стране, необходимо имплементировать следующие потенциальные решения:

- обеспечение политической поддержки, которая проявляется в обеспечении того, чтобы политики осознавали важную роль страхования жизни в содействии экономическому и общественному процветанию и уделяли достаточное внимание и ресурсы рыночному регулированию и контролю в этой сфере, а также стимулирование роста уровня финансовой грамотности среди населения. Кроме того, в Узбекистане до сих пор система государственных финансов не учитывает вопросы и динамику страхования жизни. Это часто верно в отношении усилий сообщества по финансированию развития, которые могут оказать значительное влияние на государственные приоритеты и инвестиции. Как участники страховых отношений, так и регулирующее сообщество должны работать вместе, чтобы сделать страхование жизни одним из приоритетных пунктов политической программы. Количественная оценка вклада страхования жизни в процветание и устойчивость будет иметь жизненно важное значение для диалога с политиками и может привести к созданию государственно-частных партнерств, которые имеют решающее значение для устранения пробелов в социальной защите разных слоёв населения.

- развитие государственно-частного партнерства (ГЧП), которые могут стать еще одним потенциальным практическим средством для развития рынка страхования жизни. Эти компании могут использовать существующую инфраструктуру государственного сектора, чтобы обеспечить более широкое распространение, быстрое развертывание этого «продукта», и получение преимуществ от объединения и диверсификации. Программы страхования, субсидируемые государством, также могут способствовать распространению отрасли страхования, в целом. Например, в Индии схема ГЧП «Pradhan Mantri Fasal Bima Yojana» (PMFBY), которая была обязательной до 2020 года, сделала страхование урожая одним из крупнейших сегментов на рынке страхования, не связанного с жизнью [10]. Этот опыт актуален тем, что и Индия, и Узбекистан относятся к развивающимся странам, и этот опыт можно внедрить в Узбекистане для распространения не только страхования урожая, но и других видов страхования.

- проведение разъяснительной кампании в социальных сетях и на других цифровых платформах, в которых будут освещены все положительные и отрицательные стороны страхования жизни, его суть, роль и функции для

общества и государства, для повышения уровня осведомленности населения, так как они являются потенциальными потребителями этих услуг.

В заключение можно отметить, что роль страхования в поддержке экономического роста и устойчивости высока и за последние несколько лет оно привлекало все больше внимания. На международной экономической арене значение страхования в предоставлении услуг по финансированию и снижению риска бедствий выдвинулось на первый план в дискуссиях об изменении климата и о срочной необходимости решения связанных с глобальным потеплением. Но даже помимо климатических рисков, страхование играет решающую роль в снижении рисков для жизни и здоровья, а также в гуманитарной помощи в целом. Это один из краеугольных камней экономического и социального развития, который обеспечивает необходимую защиту, особенно для наиболее уязвимых слоев населения в развитых странах. Учитывая также экономические и демографические тенденции в Узбекистане (в Узбекистане, согласно оценкам экспертов, уровень населения достигнет 41 млн человек к 2030г), интенсивное и качественное внедрение страхования в обыденную жизнь граждан позволит реализовать потенциал в этой сфере, и может в перспективе послужить драйвером качественного экономического роста и благосостояния страны.

Список использованной литературы:

1. Hussein, Muawya Ahmed, and Shabbir Alam. 2019. The Role of insurance sector in the development of the economy of Oman. *Global Journal of Economics and Business* 6: 356–64.
2. Eling, Martin, Shailee Pradhan, and Joan T. Schmit. 2014. The determinants of microinsurance demand. *The Geneva Papers on Risk and Insurance-Issues and Practice* 39: 224–63.
3. Chaudhury, Suman Kalyan, and Sanjay Kanti Das. 2014. Trends in marketing of new insurance schemes and distribution: An empirical study on Indian life insurance sector. *Journal of Business and Technology (Dhaka)* 9: 61–81.
4. World insurance: the recovery gains pace No 3 /2021 Swiss Re Institute URL: <https://www.swissre.com/dam/jcr:ca792993-80ce-49d7-9e4f-7e298e399815/swiss-re-institute-sigma-3-2021-en.pdf>
5. Dragos, Simona Laura. 2014. Life and non-life insurance demand: The different effects of influence factors in emerging countries from Europe and Asia. *Economic Research-Ekonomska Istrazivanja* 27: 169–80.
6. GDP per capita in Uzbekistan. World Bank URL: <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.PCAP.CD?locations=UZ>
7. Сводные показатели страхового рынка Республики Узбекистан по итогам 9-ти месяцев 2022 года АГЕНТСТВО ПО РАЗВИТИЮ СТРАХОВОГО РЫНКА URL: <https://imda.uz/ru/2022-09-pokazateli/>
8. Kjosevski, Jordan. 2012. The determinants of life insurance demand in central and south-eastern Europe. *International Journal of Economics and Finance* 4: 237–47

9. Segodi, Mmakgabo Pinkie, and Athenia Bongani Sibindi. 2022. Determinants of Life Insurance Demand: Empirical Evidence from BRICS Countries. Risks 10: 73. <https://doi.org/10.3390/risks10040073>
10. Insurance Development in Emerging Markets: The role of public policy and regulation The Geneva Association URL: https://www.genevaassociation.org/sites/default/files/research-topics-document-type/pdf_public/emerging_markets_web.pdf
11. World Population Ageing 2015: Highlights, United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division, 2015, un.org.
12. “Noncommunicable diseases,” World Health Organization, June 1, 2018, who.int.
13. 2019 Accenture Global Financial Services Consumer Study, Accenture, 2019, accenture.com
14. Источник: Агентство по Развитию Страхового Рынка Узбекистана

УДК: 620.9

**ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ИМКОНияТЛАР ВА УЛАРДАН
ФойДАЛАНИШ йўллари ХУСУСИДА**

**О РЕЗЕРВАХ РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИКИ УЗБЕКИСТАНА И
ПУТЯХ ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ**

**OPPORTUNITIES IN THE DEVELOPMENT OF THE ELECTRICAL
ENERGY NETWORK OF UZBEKISTAN AND THE WAYS OF USING
THEM**

Турсунов А.М. (ТДТУ доценти)

***Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда электр энергетика саноатининг ривожланиши таҳлили асосида уни ишлаб чиқариш, таъкилий ва бошқарув тавсифидаги ривожлантиришининг асосий имкониятлари белгилаб берилган ва уларни амалга ошириш йўллари асосланган.*

***Калит сўзлар:** электроэнергетика, ривожланиш имкониятлари, стратегик бошқарув, асосий фондлар, ишлаб чиқариш харажатлари, модернизация, инвестициялар, фойда.*

***Аннотация:** В статье на основе анализа развития электроэнергетической отрасли Узбекистана выявлены основные резервы развития производственного, организационного и управленческого характера. Определены основные пути реализация этих резервов.*

***Ключевые слова:** электроэнергетика, резервы развития, стратегическое управление, основные средства, производственные затраты, модернизация, инвестиции, прибыль.*

Annotation. In the article, based on an analysis of the development of the electric power industry in Uzbekistan, the main reserves for the development of a production, organizational and managerial nature are identified. The main ways of realization of these reserves.

Key words: electric power industry, development reserves, strategic management, fixed assets, production costs, modernization, investments, profit.

Ҳозирги даврда жаҳонда электр энергетика тармоғи корхоналарнинг иш жараёнини белгиловчи етакчи омил ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатимизда инновациявий иқтисодиётни шакллантириш жараёнида энергетика соҳаси янги ўзгаришларга муҳтождир.

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳага фаол жорий этиш ҳамда энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини 20 фоизга ошириш мақсади қўйилган. 2026 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш 30 миллиард кВт. оширилиб, жами 100 миллиард кВт.соатга етказиш белгиланган[1].

2016-2021 йилларда электр энергетика тармоғини ривожлантиришда унинг тузилмаси ва ишлаб чиқаришни техник-технологик ҳолати, тармоқни бошқариш тизимини такомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда жами 14 минг мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд бўлиб, унинг 86 фоизи иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади. Бироқ, иссиқлик электр станциялари қувватларининг 84 фоизи қарийб ярим аср аввал ишга туширилган бўлиб, улар ҳам 83 фоизга ишламоқда, холос. Ривожланган давлатларда 1 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш учун 240-260 грамм ёқилғи сарфланса, мамлакатимиздаги айрим станцияларда 2 баробар кўп ёқилғи сарфланади. Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиши натижасида электр энергиясига бўлган талаб 2030 йилга бориб 20 минг мегаваттга етади [2].

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тармоқни ривожланишида бир қатор имкониятлари мавжуд ва уларни амалга ошириш электр энергетикани биринчидан, жадал ривожланиши, иккинчидан эса, тармоқ олдида қўйилган мақсад ва вазифаларини бажаришига ижобий таъсир этади.

Фикримизча, электр энергетика тармоғининг инновациявий асосда фаолият кўрсатишини таъминлаш учун соҳани ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятларни яна бир бор таҳлил қилиш зарур. Чунки, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш тармоқда ишлаб чиқариш жараёнларни жадаллаштириш, самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳозир юртимиздаги энергетика корхоналари олдида қуйидаги муҳим вазифалар қўйилган:

- тармоқдаги корхоналар фаолиятини оптималлаштириш;
- энергетика маҳсулотларининг тақсимооти бўйича шартномалар тузиш ва уларни белгиланган муддатда бажарилишини тартибга солиш;

– энергия манбаларининг инновацион турларини яратиш, мавжуд табиий ресурсларни қазиб олиш ва ишлаб чиқариш жараёнларига маҳаллий корхоналар ва хорижий инвесторлар капиталини йўналтириш;

– давлат-хусусий шерикчилиги асосида тармоқнинг кенгайиши ва ривожланишини таъминлаш;

– рақобатбардош бизнес муҳитига шароит яратиш, энергия манбаларининг ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва маҳсулотлар диверсификациясини амалга ошириш мақсадида нарх сиёсатини тўғри ташкил қилиш;

– энергетика корхоналарига замонавий корпоратив бошқарув элементларини жорий қилиш, шу жумладан, халқаро молия институтлари томонидан ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни татбиқ қилишни назарда tutувчи таклифларни амалиётга қўллаш [3].

Электр энергетика саноати барқарор ривожланиши учун ресурс-хомашё моделидан ресурс-инновация моделига ўтиши керак. Бу тармоғ учун ривожланиш имконияти ҳисобланади. Инновация том маънода стратегик бошқарувга ўтиш учун замин яратади. Инновацион ривожланиш тармоқда фаолият юритаётган “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари учун кечиктириб бўлмайдиган жараён ҳисобланади.

Замонавий бошқаришнинг сифати корхоналар фаолиятининг самарадорлигини белгилаб беради. Электр энергетика тармоғида фаолият юритаётган компанияларнинг бошқарув сифатини ошириш унинг ривожланишининг муҳим имкониятларидан бири ҳисобланади. Бу имкониятни ҳаётга реализация қилиш учун энг аввало, бошқарувга анъанавийликдан фарқ қилувчи янги тамойилларга асосланган инновацияларни татбиқ этиш зарур. Чунки, стратегик бошқарувга ўтиш тармоқдаги муҳим масалаларга самарали ва оқилона ечим топишда муҳим роль ўйнайди. Турли усул ва жараёнларни ўз ичига олган инновацияларни вақти-вақти билан такомиллаштириб, доим янгилаб бориш ҳам зарур.

Таъкидлаш жоизки, компаниянинг бошқарувига инновациявий технологияларни киритилишининг тегишли заминлари мавжуд. Хусусан, аввало бошқарувда янги ғояларни талаб қиладиган ҳал қилинмайдиган (аниқланаётган даврга олганда) муаммоларни топиш, уларни вужудга келиш сабабалари аниқлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, тегишли хулосаларни чиқариш зарур. Энди аниқланган муаммони ечимини топиш учун янги ёндашувларни берадиган янги тамойиллар ёки қарашлар ва тушунчалар тизимини шакллантириш керак. Айнан шундай тизимни мавжудлиги муаммони ечимини топишга имкон беради. Чунки мавжуд эскирган қарашлар ва тушунчалар тизими билан муаммони ҳал қилиб, уни оқилона ечимини топиш мумкин эмас. Бунинг учун эса биринчидан, ижодий тафаккурни чеклайдиган анъана ва доғмаларни қайта кўриб чиқиш, давр ўтиши билан эскирган ёндашувлардан воз кечиш, иккинчидан эса муаммони ҳал қилиш имкониятларни янги усуллар билан аниқлашга ёрдам берадиган мисоллар ва ўхшашликлар фойдаланиш зарур. Бошқа тарафдан айнан

замонавий инновациявий технологияларнинг бошқарув жараёнига таъсири натижасида бошқарув жараёнларини ташкил этишнинг янги тамойиллари вужудга келади ва улар компанияга узоқ муддатли даврда рақибларига нисбатан устунликка эга бўлиш, рақобатда бошқа компаниялардан ўзиб кетишга имкон беради.

Электр энергетика соҳасининг келажакдаги истикболли режалари Ўзбекистон ривожланиш стратегиясига асосланиши керак. Бу тармоқ ёқилғи-энергетика комплексининг ажралмас қисми экани билан боғлиқ. Шунингдек, Ўзбекистон энергетикасини ривожлантириш стратегиясининг ўзига хос яна бир хусусияти тармоқлараро хусусиятга эга. Масалан, нефть-газ, кўмир, электр ва иссиқлик энергетикаси тармоқлари, машинасозлик, транспорт, давлатлараро сув-энергетик алмашинуви бир тизимда мувофиқлаштирилган.

Электр энергетика тармоғини модернизация ишларини давом эттириш ва жадаллаштириш унинг ривожлантиришнинг муҳим имкониятларидан бири ҳисобланади. Чунки тармоқни ривожланишидаги асосий муаммолардан бири – аксарият ускуналарнинг жисмоний ва маънавий эскирганлигидир. Хусусан, “Ўзбекэнерго” АЖ тизимида эскирган фондларнинг улуши (30 йилдан ортиқ ишлатилган) 62,4 фоизни ташкил этади[4]. Эски инфратузилма сабабли шу кунларда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси тахминан 20 фоизи [5] йўқотилади. Афсуски, бу ҳолат соҳа корхоналарини қийин молиявий аҳволга солиб келмоқда. Оқибатда молиявий барқарор бўлмаган давлат иштироки бўлган корхоналарнинг аксарияти давлатга оғир юк бўлиб қолмоқда [6].

Бу имкониятни ҳаётда амалга ошириш учун қуйдагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- тармоқга ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш ва энергия ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш имконини берувчи замонавий, юқори самарали инновацион технологиялар ва ускуналарни жорий этиш;

- электр станцияларини аниқ иқтисодий шароитларда ўрнатилган қувватларни сақлаб қолишга қаратилган қувватларини ошириш, техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида уларни техник қайта жиҳозлаш, реконструкция ва модернизация қилиш бўйича ишларни амалга ошириш.

Ўзбекистонда электр энергетика тармоғини ривожлантиришнинг яна бир кучли имкониятларидан бири унда фаолият юритаётган компанияларнинг тезроқ трансформация қилиш ва рақамли технологияларни жорий этишдир. Чунки иқтисодиётнинг рақамлашуви ялпи ички маҳсулот учун сарф этиладиган энергияни анча тежайди. Рақамлашув эса иқтисодиётни ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш омили сифатида янада кенгроқ намоён бўлиб бормоқда. Соҳада энергия самарадорлигини ошириш учун ҳали ҳам катта захира ва имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон бу жиҳатдан Ғарбий Европа давлатлари учун ўртача кўрсаткичдан – 2,5-3 поғона, АҚШдан – 2,2 поғона, Япония ва Кореядан — 3,5 поғона пастки ўринларда туради. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот

ишлаб чиқаришдаги энергия интенсивлиги МДХ мамлакатларида ўртача қийматдан 1,7 баробар юқорида туради [7]

Таъкидлаш лозимки, айни пайтда энергетика корхоналарининг ресурсларини режалаштиришни автоматлаштириш учун (ERP — *Enterprise Resource Planning*) диспетчерлик назорати, маълумотларни йиғиш (SCADA — *Supervisory Control And Data Acquisition*) тизимини амалиётга татбиқ этиш ишлари бошланган. Бу жараёни станцияларни модернизация қилиш, энергия самарадорлигини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, маҳсулотларнинг, яъни, электр ҳамда иссиқлик энергиясига рақобатбардош нархларни таъминлаш муаммоларини ҳал этиш ва ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда амалга оширган маъқул.

Табиийки, буларни барчаси катта маблағ, яъни, инвестиция эвазига амалга ошади. Инвесторлар эса соҳага сармоясини киритишга рози бўлиши учун, биринчи навбатда, электроэнергетика тармоғида фаолият юритаётган компаниялар барқарор, ишончли, рентабел ва рақобатбардош эканига эътибор қаратади. Иккинчидан инвестор компанияга капитал киритганидан сўнг реал фойда ва истикболли келажакга ишониши керак. Шу сабабли компанияларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, активларнинг айланиш даражаси, капиталнинг реал рентабеллиги, молиявий барқарорлик даражаси, активларнинг ликвидлиги кўрсаткичларини батафсил таҳлил қилиб бориш орқали инвестициявий жозибadorликни ошириш мумкин.

Тизимда амалга ошириладиган модернизация ва реконструкция ишлари ушбу соҳага давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторни жалб қилишни тақозо қилмоқда. Бироқ норматив-ҳуқуқий база ва техник инфратузилмани етарли даражада эмаслиги бунга салбий таъсир этмоқда. Бу йўналишда мавжуд имкониятларни амалга ошириш учун “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига халқаро экспертлар хулосалари асосида соҳага хусусий секторни жалб қилиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик механизмининг ҳуқуқий, институционал, технологик асослари ишлаб чиқилишини таъминлашлари лозим.

Ўзбекистонда электр энергетика саноатини ривожлантириш учун тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиб, шу йўл орқали иссиқлик электр станциялари (ИЭС), атом энергетикаси, қайта тикланадиган энергия манбалари (ҚТЭМ), қуёш ва шамол электр станциялари ҳамда бошқа энергия ишлаб чиқаришнинг замонавий инновацион йўллари асосида объектларни қуриш ва ишга тушириш ҳаракатлари бошланган. Халқаро тажрибага таянган ҳолда тармоқни ривожлантириш йўлида давлат-хусусий шерикчилиги шартлари асосида бир қатор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган[3].

Бугунги кунда энергияни тежаш ва рақобатбардош електроэнергия бозорини шакллантириш ҳисобига ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш тармоқни самарадорлигини оширишнинг имкониятларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун хориж тажрибаси асосида рақобатбардош бозор

тизимига ўтиш босқичларини аниқлаш, бозор қоидаларини ўрганиш ва яхлит концепция ишлаб чиқиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, электр энергия тармоғидаги ривожланишнинг мавжуд имкониятларни ҳаётда амалга оширилиши компанияларнинг бошқарув тизимини такомиллаштириш, бошқарув тузилмасини мослашувчан ва самарали бўлиши узоқ муддатда бозорда устунликка эга бўлишини таъминлайди. Ўз навбатида, компаниянинг иқтисодий ҳолатини мустаҳкамланишига, хорижий инвестицияларнинг кириб келишига, тармоқда асосий фондларни янгиланиши, электр энергияни ишлаб чиқаришни тақсимлаш, истеъмолчига етказиб бериш самарадорлигини ошириш, аҳоли ва иқтисодиётни электр энергия билан барқарор таъминланишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022- 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. <https://www.uzavtoyul.uz/cy/post/elektr-energetika-sohasini-yanada-rivojlantirish-masalalari-tahlil-qilindi.html>
3. Саиткамоллов М. Ўзбекистонда энергетика саноатини ривожлантириш механизмлари //Biznes-Эксперт № 4, 2022 19-20 б.
4. <https://regulation.gov.uz/ru/document>
5. <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2021/06/25/uzbekistan-to-reform-and-green-its-electricity-sector-with-world-bank-support>
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020 <https://president.uz/uz/lists/view/>
7. Добровольный национальный обзор. О реализации повестки дня до 2030 года в области устойчивого развития. С 77.

УДК: 330.321.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланишни истиқболли йўналишлари

ПРОГРЕССИВНЫЕ ПУТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

PROGRESSIVE WAYS OF USE OF LABOR RESOURCES IN AGRICULTURE

**Бердимуродов У.С. (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш мутахассислари институти, PhD)**

Аннотация. Мақолада меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ўрганилган. Фермер хўжаликларида улардан фойдаланиш такомиллаштирилган. Меҳнат ресурсларини иш билан бандлик муҳитини

ташкил этиш зарурлиги асосланган. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш механизми таклиф қилинган ва меҳнат ресурслари истиқболлаштирилган.

Калитли сўзлар: меҳнат ресурслари, меҳнат, бандлик, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, меҳнатни шакллантириш, меҳнатни такомиллаштириш, меҳнат ресурсларини истиқболлаштириш.

Аннотация. В статье изучено современное изучение трудовых ресурсов. Совершенствовани в фермерском хозяйстве использование трудовых ресурсов в фермерском хозяйстве их организаци условие для обеспечение работой трудовых ресурсов. Предлошени механизм привлечения трудовых ресурсов и прогнозировано их роста.

Ключевые слова: трудовые ресурсы, занятость, использование трудовых ресурсов, формирование труда, совершенствование труда, прогнозирование трудовых ресурсов.

Annotation. The article studies the modern study of labor resources. Improvements in farming use their organization as a condition for providing work for labor resources. Propose a mechanism for attracting labor resources and forecast their growth.

Key words: labor resources, employment, use of labor resources, labor preparation, improvement of labor, forecasting of labor resources.

Қишлоқ хўжалиги ҳар қандай давлат ва жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, озиқ-овқат хавфсизлиги ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларини хомашё билан таъминлашда муҳим тармоқ бўлиб ҳисобланади. Дунёнинг ривожланган давлатларида, кейинги йилларда инновацион технология ва селекция маҳсулотларининг кенг жорий этилиши натижасида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг реал тармоқлари ва ижтимоий соҳалари ўртасида меҳнат ресурсларининг трансформациясига ва улардан фойдаланиш самарадорлигига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатмоқда. Бундан ташқари шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигида мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллариининг ташкилий-таркибий ўзгариши ҳам меҳнат ресурслари тақсимоотида ўзига хос роль ўйнамоқда.

Глобал меҳнат ташкилоти (ILO) ҳисоботига кўра, ҳозирги даврда миллионлаб одамлар номуносиб меҳнат шартларига рози бўлишга мажбур, жумладан, "... аёлларнинг фақат 48 фоизи иш билан банд, демак, ишчи кучининг катта қисмини ташкил этувчи ушбу меҳнат ресурслари етарли даражада фойдаланилмай қолмоқда" Шунингдек, жаҳонда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг 12 фоизи оила томонидан бошқарилгани ҳолда, оилавий фермер хўжаликлари дунёда 75 фоиз қишлоқ хўжалиги майдонларини эгаллаган. Шу боисдан ҳам, таҳлилларнинг кўрсатишича, дунё миқёсида ишсизлик даражасининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Рақамли иқтисодиёт ва технологиялар татбиқ этилаётган ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш стратегиясини янгилаш, меҳнат бозорини ривожлантириш, замонавий касбларни кенг жорий этиш, инсон капиталидан самарали фойдаланиш, миллий кадрлар тайёрлаш

тизимини шакллантириш ва ушбу йўналишларда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан мақсадли фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бирига айланиб бораётганини таъкидлаш лозим. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди... камбағалликни қискартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир” деб таъкидланган. Шу боис, таркибий ислохотлар шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатни мотивациялаш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўналишларида илмий-тадқиқотлар олиб бориш долзарблик касб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001-сон “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.


Меҳнат ресурслари бандлигини таъминлашда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш билан боғлиқ бўлиши билан бирга, унга зарур бўлган инфратузилмаларни талаб даражасида шакллантириш, қишлоқ жойларида нодавлат корхоналарини ташкил этиш ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкилий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарур.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, меҳнат бозорида 2017 йил 2-чорагида иқтисодий фаол аҳоли 14162,6 минг нафарни ташкил этиб, 2020 йилда 14680,6 минг нафарга, яъни 103,7 фоизга ортган. Шундан иш билан таъминланганлар 2017 йил 2-чорагида 13421,2 минг нафарни ташкил қилган, 2020 йил 2-чорагида 12736,6 минг нафарга ёки 5,1 фоизга камайган. Шу жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида иш билан таъминланганлар 3626,8 минг нафар 3400,7 минг нафаргача ёки 6,2 фоизга камайган. Меҳнат идораларида рўйхатдан ўтган ишсизлар 8,3 минг нафардан 73,2 минг нафаргача ёки 8,8 бароварга ортганлигини кўриш мумкин. 2020 йил республика бўйича жами 382272 та, жумладан Тошкент вилоятида 41047 та доимий янги иш ўрни яратиш режалаштирилганди. Шу жумладан, йирик

лойиҳалар ва бюджет маблағлари ҳисобига яратиладиган иш ўринлари республика бўйича 21821 тани, Тошкент вилоятида 2388 тани, кичик корхона ва микрофирмаларда ташкил этиладиган иш ўринлари 244805 тани, Тошкент вилоятида 28051 тани, оилавий ва якка тартибдаги тадбиркорликни ташкил этиш ҳисобига яратиладиган иш ўринлари 115646 тани, Тошкент вилоятида 10608 тани ташкил этади.

2020 йилда ишсиз аҳоли орасидан республика бўйича 264965 кишини, шундан бўш иш ўринларига 191922 кишини, махсус (квота) иш ўринларига 73043 кишини бўш ва захира иш ўринларига жойлаштириш режалаштирилганди. Тошкент вилояти бўйича 21384 кишини, шундан бўш иш ўринларига 14229 кишини, махсус (квота) иш ўринларига 7155 кишини ишга жойлаштириш режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалигии шлаб чиқариш жараёни ўзига хос хусусиятларга эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда, меҳнат ресурсларини моддий рағбатлантириш билан бирга ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнат ресурслари фаолиятларини самарали олиб боришни таъминлаш мақсадида административ усулда ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизими ишлаб чиқилган ва таклиф этилган (4-расм).




4-расм. Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш.

Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари бандлиги бўйича келтирилган статистик маълумотлар бўйича 2014-2020 йиллар ичида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган меҳнат ресурслари 10,4 фоизга кўпайиб, 3794,4 минг кишини ташкил этса, фермер хўжаликларида шу давр ичида банд бўлган меҳнат ресурслари 1404,9 мингдан 1721,6 минг кишига ёки 23,0

фоизга кўпаяди, деҳқон хўжаликларида банд бўлган меҳнат ресурслари шу давр ичида 1,9 фоизга кўпаяди.

Деҳқон хўжаликларида банд бўлган меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалиги тармоқларида банд бўлган меҳнат ресурсларининг 45,5 фоизини, қолган 55,5 фоизи фермер хўжаликларида банд бўлганларни ташкил этади.

Меҳнат ресурсларининг иш жойлари билан бандлигини таъминлашда асосий талаблар таъсири ва меҳнат ресурсларига бўлган талабларни истиқболлаштириш зарурлиги асослаб берилган (5-расм).




5-расм. Меҳнат ресурсларининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳитини шакллантириш.

6-расмда қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун кунбай ва ойлик иш ҳақларини қатъий белгилаш ва ялпи ишлаб чиқариш даражаларининг ўсиб бориши ҳисобига меҳнатни рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилган.

Меҳнат ресурслари бандлигини истиқболлаштиришда йиллар бўйича ўртача арифметик ўсиш услуги асосида истиқболлаштирилган. Қишлоқ хўжалигида 2014-2020 йиллар ичида қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурслари ўртача йиллик ўсиши 6,3 фоизни, фермер хўжаликларида банд бўлганлар ўртача йиллик ўсиши 3,3 фоизни ва деҳқон хўжаликларида ўртача йиллик ўсиши 3,0 фоизни ташкил этади.


Қишлоқ хўжалигида 2025 йилга келиб ўртача банд бўлганлар 3858,5 минг кишини, фермер хўжаликларида 1756,9 минг кишини ва деҳқон хўжаликларида 2101,6 минг кишини ташкил этади.



6-расм. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш.

Қишлоқ хўжалигида 2020-2025 йиллар ичида қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг динамикасининг функцияси шакллантирилиб, ушбу функция асосида фермер хўжалигида ва деҳқон хўжалигида банд бўлганларнинг истикболли кўрсаткичлари (7-расмда) ҳисоблаб чиқилди.

Юқоридаги ўрта арифметик ва полиминал усулда қишлоқ хўжалигидаги меҳнат ресурсларининг истикболини солиштирганимизда, қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг бандлиги полиминал усулда ўрта арифметик усулга нисбатан 751,1 минг кишига ёки 19,5 фоизга юқори эканлигини кўришимиз мумкин.



7-расм. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг истикболи.

Бизнинг фикримизча, экин экиладиган майдонларнинг чекланганлигидан келиб чиққан ҳолда ортиқча меҳнат ресурсларидан фойдаланиш учун фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини натурал ҳолатда истеъмол қилишдан ортиқчасини, саноат асосида қайта хўжаликлараро ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ҳисобига ортиқча меҳнат ресурсларини иш жойлари билан таъминлаш мумкин. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик фаолияти самарали бўлиши лозим, акс ҳолда у ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шаклида амалга ошира олмайди.

Иқтисодий тармоқларни қайта бозор қонуниятлари асосида ташкил этиш тармоқлар таркибида туб ўзгаришларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, 2015-2019 йиллар ичида қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурслари 19,1 фоизга камайган, 2018-2019 йилларда эса 4,5 фоизга кўпайган бўлса, деҳқон хўжаликларида бу кўрсаткичнинг ўсиши кейинги икки йил ичида 2,7 фоизни ташкил этган. Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашда асосий хўжалик бўлиши керак. Шу давр ичида республика бўйича умумий меҳнат ресурслари 4,0 фоизга кўпайган, натижада 2015-2019 йиллар ичида қиймат шаклида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўсиши 10,4 фоизга кўпайган. Фермер хўжаликлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 5,8 фоизга камайган, деҳқон хўжаликларида эса бу кўрсаткич ўсиши 16,8 фоизга тенг бўлган.

Натижада меҳнат ресурсларининг иш билан бандлиги икки гектарга бир киши олинса, Тошкент вилояти бўйича 143,0 минг ишсиз меҳнат ресурсларини иш жойлари билан таъминлаш асосида уларга 78,5 млрд. сўм иш ҳақи берилиши ҳисобига иқтисодий-ижтимоий ҳолатларининг яхшиланишига эришилади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш муаммоларини бозор иқтисодиёти талаблари асосида илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

- Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг самарадорлигини оширишда қуйидаги тадбирларни кўриш зарур: меҳнат ресурсларига тақсимланадиган ерга услубий жиҳатдан асосланган меҳнат нормативларига риоя қилиш, меҳнат ресурсларининг малакаларига бўлган талабларни ишлаб чиқиш, меҳнатга яроқли меҳнат ресурсларини аниқлаш услубини бозор талаблари асосида ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириб бориш зарур.

- Меҳнат ресурсларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг хусусиятларидан бири улардан мавсумий фойдаланиш ҳисобланиб, оқибатда меҳнат тақсимотини йил давомида нотекис тақсимланиши ҳисобланади. Уни юмшатишнинг бирдан-бир йўли мавсумий меҳнат ҳажмини камайтириш ҳисобланади. Бунинг олдини олиш учун меҳнат тақсимоти ойларга бўлиш асосида мавсумий меҳнат сарфини камайтиришни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат асосида қайта ишлаб чиқариш ҳисобланади.

- Қишлоқ хўжалиги тармоқларида меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш учун ҳозирги бозор шароитида уларга тўланаётган иш ҳақларини яқуний маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига қараб тўлашга ўтиш лозим.

УДК.336.622

**“ЎЗБЕКНЕФТГАЗ” АЖ КОРХОНАЛАРИНИ
ИНВЕСТИЦИЯЛАШТИРИШ ВА АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ФОЙДАЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЭСКИРИШИНИ
БАШОРАТЛАШ**

**ИНВЕСТИРОВАНИЕ В ПРЕДПРИЯТИЯ АО “ЎЗБЕКНЕФТЕГАЗ” И
ПРОГНОЗИРОВАНИЕ ФИЗИЧЕСКОГО И МОРАЛЬНОГО ИЗНОСА
ОСНОВНЫХ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ФОНДОВ**

**PREDICTION OF PHYSICAL AND SPIRITUAL OBSOLETE OF
INVESTMENT AND PRIMARY PRODUCTION PROFITS OF
“UZBEKNEFTGAZ” JSC ENTERPRISES**

**Саидрасулова Х. (Геология фанлари университети
Иқтисод кафедраси мудири, PhD)**

***Аннотация.** Мақолада “Ўзбекнефтгаз” АЖни инвестициялаштириш ва ишлаб чиқариш фондларини ишдан чиқиши истиқболлаштирилган. Амортизация маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:** инвестиция, инновация, ишлаб чиқариш, асосий фондлар, амортизация, капитал таъмирлаш, истиқболлаштириш.*

***Аннотация.** В статье рассматриваются вопрось инвестиции и инновации производственных фондов и прогнозирование. Источники амортизациии эффективно их использование и дани научно-практические предложение и прогнозы выхода со сферы производство основных производственных фондов.*

***Ключевые слова:** инвестиция, инновация, производство, основные фонды, амортизация, капитальный ремонт, прогнозирование.*

The article deals with the issue of investment and innovation of production assets and forecasting. Sources of depreciation and their effective use and tribute to scientific and practical proposals and forecasts for exit from the sphere of production of fixed production assets.

***Key words:** investment, innovation, production, fixed assets, depreciation, overhaul, forecasting.*

Жаҳон иқтисодий ривожланишида саноат ишлаб чиқариши юқори бўлган давлатлар иқтисодий тараққиётининг асосий омили бўлган саноат тармоқларидаги тузилмавий ўзгаришлар, асосий ишлаб чиқариш

фондларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқлигига асосланади. Хусусан, “саноат ишлаб чиқаришида асосий фондлардан самарали фойдаланиш ва уни бошқаришнинг дастурий таъминоти жаҳон бозорида 2020 йилда 3 миллиард АҚШ долларидан 2024 йилда 5,2 миллиард АҚШ долларигача ўсиши прогноз қилинмоқда”. Асосий фондларни бошқариш дастури техник хизмат кўрсатиш жараёнларини соддалаштиришда, ишлаб чиқаришдаги мавжуд асосий фондларнинг узок умр кўриш муддатини узайтириш ва самарадорликни ошириш учун хизмат қилади.

Тадқиқотларга кўра, хорижий мамлакатларда саноат тармоқларида асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, мавжуд табиий ресурс имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, инновацион технологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Европа Иттифоқи, АҚШ ва бошқа нуфузли мамлакатларда асосий фондлар ҳисоботини юритиш, инвестициялар сифатида асосий воситаларни харид қилиш, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизациялаш ҳисобидан энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондириш, юқори самарадорликка эришиш, асосий ишлаб чиқариш фондлари энергия сифимини камайтириш ва тежамкор технологияларни жорий этиш орқали таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу белгиланган вазифаларнинг саноат корхоналарида амалга оширилиши ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янги даражага кўтаришга, асосий фондлардан самарали фойдаланган ҳолда тежамкорликни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармони ва 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чораташкилий –бошқарув фаолияти;

-илмий-тадқиқот фаолияти;

-Педагогик [умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида];

-Тадбиркорлик.

1.2.4.60410400-Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60410400-Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим;

Молиявий-иқтисодий фаолиятда;

-давлат ва корпоратив тузилмаларнинг молиявий фаолияти ва у билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини билиш ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

-Молия ва суғурта бозори, кредит ташкилотлари, бюджет-солиқ соҳасида қўлланиладиган турли тартиб, усул ва стандартлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

-бюджетни ягона ҳисоб орқали бошқариш, бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларини шакллантириш, бюджет даромадлари ва харажатлари ижросини ташкил этиш бўйича молия органларида иш юритиш;

-давлат бюджетини кассали ижро этиш ҳисобини юритиш, давлат бюджети ягона ҳисоб варағи орқали операцияларни бошқариш, Ўзбекистон республикаси бюджет тизимидаги бюджетларни Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан ўрнатилган тартибда кассали ижро этишни амалга ошириш;

-Корпоратив молиявий стратегияни ишлаб чиқиш, баҳолаш усуллари билиш ва қўллаш;

-Молиявий технологиялар қўлланилиши борасидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича тавсиялар бера олиши;

-Криптовалюталарни муомалага чиқариш ва улар муомаласини ташкил этиш;

-Рақамли банк хизматларини жорий эта олиш ва кўрсата олиш;

-Суғурта компанияларида онлайн суғурта хизматларини жорий эта олиш;

-Электрон тўлов тизимларидан фойдалана олиш ва хизмат кўрсатиш;

-Электрон пул ўтказмалари ва тизимдан фойдалана олиш ва хизматлар кўрсатиш;

-Фонд биржаси ва биржадан ташқари бозорларда электрон савдо тизимлари орқали қимматли қоғозлар савдоларида иштирок эта олиш ва савдоларни амалга ошириш;

-Электрон савдо тизимларида савдоларни йўлга қўя олиш;

-Депозитариларда электрон кастодиан хизматларини жорий этиш ва кўрсата олиш;

-Электрон инвестицион воситачилик хизматларини кўрсата олиш;

-Валюта биржасида электрон тарзда валюта савдоларини амалга ошира олиши;

-товар хомашё биржасида онлайн харидлар ва сотувларни амалга ошира олиши ва савдолар бўйича хизматлар кўрсата олиши;

-тижорат банкларида молиявий операциялар бўйича онлайн хизматлардан фойдалана олиши ва хизматлар кўрсатиши;

-акциядорлик жамиятларида молия институтлари билан молиявий технологиялар воситасида муносабатлар ўрната олиши;

-давлат ва корпоратив тузилмалардаги молиявий фаолиятни ташкил этиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

-давлат ва корпоратив тузилмаларнинг молиявий фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари ва норматив талаблар асосида таҳлил қилиш;

-молиявий-иқтисодий жараёнларнинг тавсифи асосида стандарт шаклдаги назарий ва эконометрик моделларни яратиш улардан олинган охириги натижаларни таҳлил қилиш ва изоҳлаб бериш;

-лойиҳалар бизнес режаларни тузиш улар ижросини ташкил этиш ҳисобини юритиш халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш;

-молиявий прогнозлаш ва режалаштириш учун бухгалтерия молиявий ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш;

-ички ва ташқи таъсир омилларини ҳисобга олган ҳолда молиявий кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиш молиявий рискларни баҳолаш;

-молиявий технологиялар реал сектор молия ва суғурта бозорлари ва банк секторининг ривожланиши ва амалий фаолияти тенденцияларини кўрсатиш учун зарур бўлган ахборотларни шарҳлаш ва таҳлил қилиш;

-хорижий ва миллий маълумотлардан фойдаланган ҳолда молия кредит тизимининг фаолияти бўйича халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш;

-таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситаларидан фойдаланиш;

-тақдим этилган лойиҳаларнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, улар амалга оширилганда молиявий иқтисодий натижаларни таҳлил қилиш;


-ҳудудий ва корпоратив ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш ахборот технологиялари хизмати билан ўзаро боғлиқ бўлган фаолият доирасидаги маълумотларни ҳимоялаш ва қайта ишлаш усуллари ҳамда дастурий воситаларни билиш;

Ташкилий бошқарув фаолиятида:

-давлат ва корпоратив тузилмалар фаолиятида молиявий бошқарувнинг тартиб ва тамойилларини билиш;

-молия тизимга доир қонунчиликга мувофиқ бошқарув тамойилларини билиш;

-давлат ва корпоратив тузилмаларда молиявий фаолиятни ташкил қилиш ва самарали бошқариш;



1-расм. “Ўзбекнефтогаз” АЖ бўйича инвестициялар умумий ҳажмининг ўзгариш динамикаси, млрд.сўм

Йўналтирилган инвестицион маблағлар ҳажмини 2019 йил якунлари ҳолати бўйича кўрадиган бўлсак, “Ўзбекнефтьгаз” АЖ томонидан 6312,5 млрд.сўм инвестиция маблағлари йўналтирилган бўлса, “Ўзнефтьгазказибчиқариш” АК бўйича инвестициялар умумий ҳажми 5918,7 млрд.сўмни, “Ўзтрансгаз” АК бўйича инвестициялар умумий ҳажми 289,5 млрд.сўмни, “Ўзнефтьмахсулот” АК бўйича инвестициялар умумий ҳажми эса 138,2 млрд.сўмни ташкил этган.

Илгари ишлаб чиқариш харажатлари таркибига меъёрларда режалаштирилган амортизация суммалари киритиларди. Бундай усул меҳнат харажатларини пасайтиришни рағбатлантиришга салбий таъсир кўрсатарди, бозор иқтисодиёти шароитларида ҳар бир юридик субъектга таъмирлаш фонди ҳажмини ва унга ажратмалар меъёрини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилган. Ушбу фондда қолган маблағларнинг бир қисми олинмайди ва корхоналар тасарруфида қолдирилади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш манбаси сифатида амортизацияни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- шаклланаётган капитал таъмирлаш фондидан самарали фойдаланиш мақсадида уни асосий фондларни таъмирлашнинг эҳтиёж даражасини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш зарур;

- асосий фондларнинг амортизация меъёрларини уларнинг норматив хизмат кўрсатиш муддати доирасида белгилаш зарур. Белгиланган хизмат кўрсатиш муддати тугаши билан амортизация ҳисобланишининг тўхтатилиши асосий фондларни ортиқча амортизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган махсулот таннархи ортишининг олдини олиш ва олинаётган фойда миқдорини оширишга имкон беради;

- тезлаштирилган амортизация усулининг жорий қилиниши ишлаб чиқариш воситалари нархи ва таннархни оширишга олиб келади ва корхоналар оладиган фойдани пасайтиради. У солиқларни камайтириш ва фойдани қайта тақсимлашга хизмат қилади;

- амортизация тизимини такомиллаштириш учун асосий воситаларнинг реал эксплуатация шароитларини ва уларнинг иш билан юкланганлигини ҳисобга оладиган тузатиш киритиш коэффицентларини ошириш ва меъёрлар тизимини янада дифференциация қилиш мақсадга мувофиқ;

- амортизация суммаларини ҳисоб-китоб қилишда ундан вақт бўйича ва қувватлар бўйича фойдаланишни акс эттирадиган асбоб-ускуналарнинг иш билан юкланганлик коэффицентига боғлиқликда белгиланган меъёрларга тузатиш киритиш мақсадга мувофиқ;

- амортизация “Ўзбекнефтьгаз” АЖ корхоналарида тадқиқ этилаётган даврда асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича 3 барабар, ноишлаб чиқариш фондлари бўйича эса 1,9 барабар ўсган асосий ишлаб чиқариш фондларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш манбаси ҳисобланади.

“Ўзбекнефтьгаз” АЖ бўйича ишлаб чиқаришда асосий фондлардан фойдаланишни кўп омилли эконометрик моделида қатнашадиган омиллар сифатида натижавий омил – асосий фондлар бошланғич қиймати, млрд.сўм (Y) ва унга таъсир этувчи омиллар сифатида асосий капиталга инвестициялар

умумий ҳажми, млрд.сўм (X_1), асосий фондларни ишга тушириш, млрд.сўм (X_2), асосий фондларнинг чиқиб кетиши, млрд.сўм (X_3) ва асосий фондлар эскириши, млрд.сўм (X_4). Маълумотлар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Асосий гипотеза бўлиб, асосий фондлар бошланғич қиймати (Y) ва асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми (X_1) ҳамда асосий фондларни ишга тушириш (X_2) ўртасида тўғри боғланиш ҳамда асосий фондларнинг чиқиб кетиши (X_3) ўртасида тескари боғланиш мавжуд эканлиги ҳисобланади. Ушбу гипотезани текшириш учун омиллар ўртасида боғланиш зичликларини аниқлаш ҳамда кўп омилли эконометрик модел тузиш талаб этилади.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ бўйича асосий фондларнинг бошланғич қиймати 2007-2019 йилларда ўртача 29502,6 млрд.сўмга ортиб борган. Бу асосан янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, эскирган фондларни модернизация қилиш эвазига амалга оширилган. Сўнгги йилларда “Ўзбекнефтгаз” АЖ тизимида Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида янги конларни очилиши, асосий фондларни жадал ортиб келишига олиб келмоқда.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ тизимида асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми йилига ўртача 2637,5 млрд. сўмдан ортиб борди. Ушбу инвестициялар янги конларни қидиришга, янги бурғулаш ускуналарини ҳарид қилиш ва газ-кимё комплексларини ишга туширишга йўналтирилмоқда.

Шу билан бирга тадқиқ қилинаётган даврда тизимда ишга туширилган асосий фондлар қиймати йилига ўртача 2341,1 млрд. сўмга ортиб борди. Асосий фондларнинг чиқиб кетиши мазкур даврда йилига ўртача 532,8 млрд. сўмни ташкил этди. Аммо, ҳали ҳам тизимда асосий асосий фондларнинг эскириш муаммоли масалалардан бири ҳисобланади. Агар 2007 йилда асосий фондларнинг умумий фондлардаги эскириши 38,18 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб мазкур кўрсаткич 16,15 фоизни ташкил этмоқда.

1-жадвал

“Ўзбекнефтгаз” АЖ асосий фондларининг 2007-2019 йилдаги динамикаси, млрд.сўм4

Йиллар	Асосий фондлар бошланғич қиймати, Y	Асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми, X_1	Асосий фондларни ишга тушириш, X_2	Асосий фондларнинг чиқиб кетиши, X_3	Асосий фондлар эскириши, X_4
2007	5335,3	1193,6	1674,7	606,4	2037,2
2008	7373,6	1842,4	1725,2	915,8	2769,1
2009	9328,5	2031,7	2057,4	749,7	3400,9
2010	11058,1	1147,3	977,9	251,8	4388,7
2011	13218,7	1738,8	1770,1	570,5	6482,6
2012	16652,2	1703,8	1612,6	291,2	7466,2
2013	15268,4	1923,4	1195,8	185,8	7456,9
2014	18769,7	2686,6	2486,4	720,2	8539,9
2015	23871,5	3903,4	2336,0	501,2	10937,8
2016	25009,0	3766,9	3014,4	300,5	12488,0

2017	31046,5	3748,6	3842,1	843,0	16732,1
2018	98247,0	4064,3	3677,5	497,7	14764,8
2019	108355,2	4536,9	4064,3	492,7	17500,8

Юқорида кўриб ўтган омилларнинг вақт давомида ўзгариши албатта ўз навбатида “Ўзбекнефтгаз” АЖ тизими асосий фондлари қийматининг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади. Шундан фойдаланган ҳолда юқорида келтирилган натижавий омилга нисбатан танланган омиллар таъсирини баҳоловчи эконометрик модел Eviews дастуридан фойдаланиб аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

“Ўзбекнефтгаз” АЖ асосий фондларининг кўп омили эконометрик модель параметрларини аниқлаш ва уларни мезонлар асосида текшириш

Dependent Variable: Y

Method: Least Squares

Date: 11/19/20 Time: 14:13

Sample: 2005 2019

Included observations: 15


Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
X1	8.11988	0.971185	8.360796	0.0000
X2	0.624009	1.259919	0.495277	0.0193
X3	-1.51048	2.654169	-0.5691	0.0512
C	-1528.32	1480.626	-1.03221	0.0538
R-squared	0.984212	Mean dependent var		16897.16
Adjusted R-squared	0.979906	S.D. dependent var		11268.95
S.E. of regression	1597.420	Akaike info criterion		17.81335
Sum squared resid	28069252	Schwarz criterion		18.00216
Log likelihood	-129.6001	Hannan-Quinn criter.		17.81133
F-statistic	228.5724	Durbin-Watson stat		1.820294
Prob(F-statistic)	0.000000	F _{jad} =3,708		

Жадвал маълумотларидан кўринадик, олинган натижада коэффицент миқдорларини ифодаловчи R^2 детерминация коэффиценти 0,9799 га тенг бўлди. Бу эса натижавий омилнинг танланган омиллар билан етарлича кучли алоқада эканлигини кўрсатади, яъни “Ўзбекнефтгаз” АЖ асосий фондларининг 98,0 фоизга кўп омили эконометрик моделга киритилган асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми (X_1), асосий фондларни ишга тушириш (X_2), асосий фондларнинг чиқиб кетиши (X_3)га боғлиқ экан. Қолган 2,0 фоизи эса, ҳисобга олинмаган омиллар таъсиридир.

Аниқланган

$$Y = -1528,2 + 8,1 \cdot X_1 + 0,6 \cdot X_2 - 1,5 \cdot X_3 \quad (3.6)$$

моделнинг аҳамиятлилигини биринчи навбатда t-статистика мезони орқали текшириб кўриш ўринли унга кўра, $\alpha=0,05$ $df=10$ бўлганда $t_{jad}=2,228139$ га тенглигидан $t_{jad} > t_{his}$ шартга кўра биргина $t_{x1}=8,361$ параметр аҳамиятлилиги қолган X_2 ва X_3 параметрлар аҳамиятсизлиги келиб чиқади (6-расм). Қолган параметрлар аҳамиятлилигини Mean Abs. Percent Error – MAPE<10 ва Inequality Coefficient – TIC<1 мезонларидан фойдаланиб текшириш ўринли.



2-расм. Параметрларни аҳамиятлилигини текшириш¹

Текшириш натижаларига кўра, $MAPE=9,84 < 10$ ва $TIC=0,034 < 1$ бўлганлигидан параметрларни барчаси аҳамиятлилиги келиб чиқади. $\alpha=0,05$ бўйича $k_1=3$ $k_1 = 3$ ва $k_2=10$ $k_1 = 11$ да $F_{жад}=3,708265$ га тенглигидан ҳамда $DW=1,82 \leq 2$ $DW = 1,9 \leq 2$ бўлганлигидан

$$Y = -1528,2 + 8,1 \cdot X_1 + 0,6 \cdot X_2 - 1,5 \cdot X_3 \quad (3.7)$$

тенглама аҳамиятли ҳамда ишончли ва адекватлиги келиб чиқади. Ушбу регрессия тенгламаси (3.6) га иқтисодий изоҳ бериладиган бўлса, асосий капиталга инвестициялар ҳажми (X_1) 1 млрд. сўмга ошса, “Ўзбекнефтгаз” АЖ асосий фондлари қўшимча равишда ўртача 8,1 млрд. сўмга ортиши мумкин экан. Асосий фондларни ишга тушириш (X_2) 1 млрд. сўмга ошса, “Ўзбекнефтгаз” АЖ асосий фондлари ўртача 600 млн. сўмга ортиши мумкин.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ асосий фондларнинг чиқиб кетиши (X_3) 1 млрд. сўмга ошса, “Ўзбекнефтгаз” АЖ асосий фондлари ўртача 1,5 млрд. сўмга камаяр экан. Юқорида олинган модел (3.6) асосида “Ўзбекнефтгаз” АЖ асосий фондларининг 2020-2025 йиллар учун прогнози амалга оширилди. Бунинг учун ҳар бир таъсир этувчи омилнинг вақт бўйича тренд моделлари тузилди. Яъни, натижавий омил Y га таъсир этувчи X_1 , X_2 , X_3 ва X_4 омилларни вақтга боғлиқ деб олинди.

Вақтга боғлиқ моделлар тренд модели деб аталади. Уларнинг кўриниши қуйидагича:

(3.8)

Асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми бўйича тренд модель:

$$X_1 = -3,6 + 302,7 \cdot t;$$

Асосий фондларни ишга тушириш бўйича тренд модель:

$$X_2 = 911,3 + 210,2 \cdot t;$$

Асосий фондларнинг чиқиб кетиши бўйича тренд модель:

$$X_3 = 472,2 - 11,3 \cdot t.$$

Ушбу юқорида келтирилган омиллар бўйича тренд моделлари ёрдамида ҳар бир омилнинг қийматларини 2020-2025 йиллар учун прогноз қиламиз ва прогноз натижалари қийматларини кўп омилли эконометрик

¹ Тренд, кўп омилли эконометрик моделлар асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.


модел(3.6)га қўйиб, натижавий кўрсаткич – “Ўзбекнефтгаз” АЖ асосий фондларининг 2020-2025 йиллар учун прогноз қилинди. Прогноз натижаларини қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

“Ўзбекнефтгаз” АЖ асосий фондларининг 2020-2025 йиллар учун прогноз параметрлари, млрд.сўм


Йиллар	Асосий фондлар бошланғич қиймати	Асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми	Асосий фондларни ишга тушириш	Асосий фондларнинг чиқиб кетиши
2020	39800,2	4839,6	4274,5	291,4
2021	42395,1	5142,3	4484,7	280,1
2022	44990,0	5445	4694,9	268,8
2023	47585,0	5747,7	4905,1	257,5
2024	50179,9	6050,4	5115,3	246,2
2025	52774,9	6353,1	5325,5	234,9

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки асосий фондлар бошланғич қиймати кўрсаткичининг 2020 йилдаги қиймати 39800,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб ушбу кўрсаткични 52774,9 млрд. сўмга етишини кўриш мумкин. Прогноз даврида ўсиш суръати 132,59 фоизни кўрсатмоқда (7-расм).




3-расм. “Ўзбекнефтгаз” АЖ асосий фондлар бошланғич қийматининг динамикаси ва прогнози, млрд.сўм

“Ўзбекнефтгаз” АЖда 2020 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар 4839,6 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилда ушбу кўрсаткич 6353,1 млрд. сўмни ташкил этишини кўриш мумкин. Прогноз даврида ўсиш суръати 131,27 фоизни ташкил этишини кўриш мумкин (8-расм).



4-расм. “Ўзбекнефтгаз” АЖ асосий капиталига инвестицияларнинг умумий ҳажмининг динамикаси ва прогноз параметрлари, млрд.сўм


“Ўзбекнефтгаз” АЖда 2020-2025 йилларда асосий фондларни ишга тушириш йиллик ўртача 210,2 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Шунга қарамасдан прогноз даврида мазкур кўрсаткичнинг ўсиш суръати 124,58 фоизни ташкил этишини кузатиш мумкин (9-расм).



5-расм. “Ўзбекнефтгаз” АЖда асосий фондларнинг ишга туширилишининг динамикаси ва прогноз параметрлари, млрд.сўм

Асосий фондларнинг чиқиб кетиши нобарқарор тенденцияга эга. Агар маълумотларга эътибор берилса, “Ўзбекнефтгаз” АЖ тизимида асосий фондларнинг чиқиб кетиши циклик характерга эга. Яъни, ҳар 3 йилда (2008, 2011, 2014 ва 2017 йилларда) тизимда бошқа даврларга кўра кўпроқ асосий фондларни чиқиб кетаётганлигини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида тизимда эскирган асосий фондларнинг ишлаб чиқариш жараёнидан бевосита чиқиб кетаётганлигини кўрсатади. 9-расмдан кўриш мумкинки, прогноз даврига келиб, яъни 2020-2025 йилларда асосий фондларнинг чиқиб кетиши бир мунча пасайиш тенденциясига эга. Асосий фондларнинг чиқиб кетиши йиллик ўртача кўрсаткичи 0,9 мартани ташкил этмоқда.

“Ўзбекнефтгаз” АЖда асосий фондларнинг чиқиб кетиши прогноз даврида йилига ўртача 11,3 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Демак, корхонада прогноз даврида асосий фондларнинг чиқиб кетиши маълум даражада барқарорлашишини кўриш мумкин (10-расм).



6-расм. “Ўзбекнефтгаз” АЖда асосий фондларнинг чиқиб кетишининг динамикаси ва прогноз параметрлари, млрд.сўм

“Ўзбекнефтгаз” АЖ бўйича асосий ишлаб чиқариш фондларига соф фойданинг ўсиши куйидаги сабаблар ҳисобига рўй беради:

“Ўзбекнефтгаз” АЖ ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши билан таққослаганда ялпи маҳсулотнинг тезроқ ўсиши кузатилади ва бу соф фойданинг кўпайишига олиб келади;

таҳлил қилинаётган даврда ўсиш суръати бўйича соф фойда асосий ишлаб чиқариш фондлари ўсиш суръатидан башорат қилинаётган даврда 37,2 % ортиқ бўлди.

Юқорига амалга оширилган таҳлиллар ва эконометрик моделлаштириш усуллари қўйилган асосий гипотезани қабул қилишни кўрсатмоқда. Яъни, асосий фондлар бошланғич қиймати (Y) ва асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми (X1) ўртасида зич тўғри боғланиш мавжудлигини кўрсатди (). Худди шунингдек, асосий фондлар бошланғич қиймати (Y) ва асосий фондларни ишга тушириш (X2) ўртасида ҳам зич тўғри боғланиш мавжудлиги исботланди (). Аммо, асосий фондлар бошланғич қиймати (Y) ва асосий фондларнинг чиқиб кетиши (X3) ўртасида тескари боғланиш мавжуд исботланди ().

Илмий ишдаги асосий жиҳат шундаки, унда асосий фондлар бошланғич қиймати ва асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми, асосий фондлар бошланғич қиймати ва асосий фондларни ишга тушириш ўртасидаги тўғри боғланиш ҳамда асосий фондлар бошланғич қиймати ва асосий фондларнинг чиқиб кетиши ўртасида тескари боғланиш корреляцион таҳлили асосида ва эконометрик моделларни тузиш орқали исботланди.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ корхоналарини инвестициялаштириш ва асосий ишлаб чиқариш фойдаларининг жисмоний ва маънавий эскиришини башоратлаш асосида куйидаги хулосаларга келинди:

- Асосий ишлаб чиқариш фондларини кўриб чиқишда улар ва ишлаб чиқариш доимий харажатлари айнан бир хил деган таърифни қайд этиш лозим. Муаллиф фикрига кўра, асосий ишлаб чиқариш фондлари меҳнат воситалари сифатида фойдаланиладиган моддий-буюм ҳолидаги бойликлар йиғиндисини натура шаклида ифодалайди. Доимий харажатлар белгиланган

давр учун қиймат ифодасидаги ишлаб чиқариш харажатларини ифодалайди ва ҳаттоки нолинчи циклда ҳам мавжуд бўлади.

- Иқтисодий адабиётларда иқтисодчилар ўртасида асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳам, ишлаб чиқаришнинг ўзининг ҳам иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича яқдил бир фикр йўқ. Корхона фаолияти самарадорлигини битта фойда кўрсаткичи билан аниқлаб бўлмайди. Иқтисодий самарадорликни белгилаб берадиган кўрсаткичлар тизими зарур.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услубиётини таҳлил қилишда улар ҳаракатида рўй берадиган сифат ўзгаришларини кўрсатадиган коэффицентлар таклиф этилган. Асосий ишлаб чиқариш фондларини модернизация қилиш “Ўзбекнефтгаз” АЖ ишлаб чиқариш бўлинмаларини техник қайта жиҳозлашни амалга оширишнинг асосий усулларида бири ҳисобланади.

- “Ўзбекнефтгаз” АЖ бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда умумий моддий харажатларни таҳлил қилиб, ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши билан бевосита боғлиқ бўлган қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим. Бу: ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми, бозор талабини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариладиган маҳсулот структураси, моддий харажатлар структурасининг оптимал нисбати, жонли меҳнатдан фойдаланишнинг яхшиланиши, асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг яхшиланиши ва зарур айланма фондлар билан таъминланганлик.

- Эскирган асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш харажатларини қоплашнинг асосий манбаси корхоналарнинг ўз маблағлари, яъни амортизация ажратмалари, фойда ва даромадлари ҳисобланади. Фаолият юритаётган корхоналарни кенгайтириш, қайта таъмирлаш ва техник қайта жиҳозлаш ёки қўшимча қурилиш, ишлаб чиқариш соҳасини кенгайтириш йўли билан меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган модернизация асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатларини пасайтирган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мумкин.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш манбаларидан бири саналган амортизация маблағлари доим ҳам белгиланган мақсадли вазифалар бўйича фойдаланилмайди. Шу сабабли улардан фақат белгиланган мақсадли вазифалар йўлида фойдаланишга хизмат қиладиган қонунчилик чоралари зарур.

- Бозор муносабатлари шароитида инновацияларни тартибга солиш ижобий ва салбий томонларга эга: бозор энг рақобатбардош инновацион лойиҳаларни танлаб олади, бозор ишлаб чиқариш харажатлари паст бўлган маҳсулотнинг юқори сифатини таъминлашда ўз ифодасини топадиган ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кучли стимуллар яратади. Салбий жиҳатлар ишлаб чиқариш соҳасида омадсизларга бефарқ муносабатда бўлишда намоён бўлади.

Нефт-газ саноатида инновацион илмий-техник фаолиятдаги асосий устуворликлар разведка қилиш ишлаб чиқиш қазиб чиқариш занжирининг ҳар бир босқичида янги техника ва технологияларни доимий ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, углеводородли хом ашёни саноат асосида қайта ишлаш, қидирув инновацион техника ва технологияларидан фойдаланиш, мутахассислар малакасини ошириш ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

6. Кўп омилли эконометрик модел асосида ишлаб чиқаришда асосий фондлардан фойдаланиш истикболлари прогноз қилинди. Бу корхоналарга асосий ишлаб чиқариш воситаларини такомиллаштириш ва модернизация қилиш, энг кам ишлаб чиқариш харажатлари билан ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилаш учун имконият беради.

7. Табиий ресурсларни сақлаш ва кўпайтириш экология стратегиясини таъминлаш учун табиатдан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳақидаги қонунни такомиллаштириш, табиатдан ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва чуқурлаштириш зарур. Табиат ва табиий ресурслардан фойдаланишни лицензиялаш, улардан фойдаланишни тартибга солиш тизимини ишлаб чиқиш ва ўз вақтида мос келувчи ўзгартиришлар киритиш, табиатдан ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича аудит механизмлари ишлаб чиқиш, табиатни ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган молиявий механизмлар ишлаб чиқиш, табиатга ва табиий ресурсларга давлат ва хусусий муносабатларни шакллантиришни такомиллаштириш, чегаралар белгилаш ва уларнинг эҳтиёжларини шакллантириш талаб этилади.

- Шиддатли рақобат муҳити шароитида инфляция жараёни асосий фондларнинг бозор қиймати ва уларнинг бошланғич қиймати ўртасида номувофиқликка олиб келади, бунинг кучайиши эса, ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлиги таннари ва ишлаб чиқариш харажатларини асоссиз аниқлаш каби камчиликларга сабаб бўлади; асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймат баҳоси бузиб кўрсатилади. Шу сабабли бозор инфляциясини ҳисобга олган ҳолда ҳар йили асосий ишлаб чиқариш фондларини қайта баҳолаш зарур ва бу қайта баҳолашнинг объектив бўлиши учун унинг мустақил ташкилот, масалан, мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан амалга оширилиши лозим.

- Саноат тармоқлари корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини ошириш муаммоси долзарб аҳамият касб этади, чунки ишлаб чиқариладиган маҳсулот замон талабларига жавоб бериши ва бозорда рақобатбардош ҳисобланиши лозим; фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати ўзаро боғлиқ ҳолда юзага келади; маҳсулот сифатини ошириш экспорт ҳажмининг ўсишини таъминлайди; маҳсулот сифатини яхшилаш корхоналарнинг самарали ишлашига хизмат қилади.

НАПРАВЛЕНИЕ ПОВЫШЕНИЕ ВОЗМОЖНОСТИ
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

FOCUS INCREASING ENTREPRENEURSHIP OPPORTUNITIES

Муфтайдинов Қ. (Андижон машинасозлик институти, проф.)

Аннотация. Мақолада тадбиркорликни ошириш имкониятларининг назарий масалаларни ўрганилган. Тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари бир тизимга келтирилган ва уларни ташкил этиш ва натижалари таҳлил қилинган ва такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Калитли сўзлар: тадбиркорлик, имконият йўналиши, ривожлантириш, субъект, тадбиркор, молия, кредит, корхона маҳсулоти, ялпи миллий маҳсулот, иқтисодиёт, самарадорлик.

Аннотация. В статье рассматриваются теоритические вопросы повышение возможности предпричи сательства. Систематизировано проблемы развитие предпринимательства и анализировано их результата и даны предложение по их савершенствованию.

Ключевые слова: предпринимательство, возможность, финансы, кредит, продукт предприятий, субъект, предприниматель, валовый внутренний, продукт, экономика, рентабельность.

Annotation. The article deals with theoretical issues of increasing the possibility of entrepreneurship. The problems of entrepreneurship development are systematized and their results are analyzed and a proposal for their improvement is given.

Key words: entrepreneurship, opportunity, finance, credit, enterprise product, subject, entrepreneur, gross domestic product, economy, profitability.

Республика Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга қилган мурожатномасида “иқтисодиётимизни мутлоқо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, уни нг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда” деган эдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантириш инновацион янгиликларни ишлаб чиқариш субъектларида қўллаш даражасига боғлиқ. Давлат ва нодавлат корхоналарида тадбиркорликни бозор талаблари асосида ташкил этилиши аҳолини озиқ овқат ва ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ишлаб чиқариш асосида миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлайди.

Тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришни уларнинг сонини кўпайтириш асосида эмас, балки инновацион янгиликларни қўллаш ҳисобига юқори даражадаги сифатли, рақобатдош маҳсулотларнинг бирлигига бўлган моддий ва пул ҳаражатлар сарфини камайитириш эвазига ривожлантириш зарур.

Тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланувчи нодавлат субъектларини инновацион ютуқларни ишлаб чиқаришда қўллаш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш йирик корхоналарга нисбатан афзаллик хусусиятларига эга. Булар қуйидагилардан иборат:

1. нодавлат кичик тадбиркорлик субъектлари йирик тадбиркорлик субъектларига нисбатан бозор конъюктураси ўзгаришига нисбатан тез мослаша олишлари туфайли истеъмол бозорида ўз мавқеларини сақлаб қоладилар;

2. тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантириш муносабатлари билан янги инновацион технологияларини қўллаш асосида трансакцион ҳаражатларини камайитириш ҳисобига ҳам ўзларининг самарадорликларини ошириш хусусиятига эга бўладилар;

3. тадбиркорлик субъектлари яратилган инновацион янгиликларни ишлаб чиқаришда синаш орқали бу маҳсулот (товарларни) истеъмол бозорида сотиш орқали фойда олишни ўсишини таъминлашлари мумкин.

Бозор шароитида иқтисодиётни барқарор ривожланиши жаҳон амалиётига асосан тадбиркорлик фаолиятларини олиб боровчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши билан боғлиқ. Республикамизда кичик бизнес ишлаб чиқариш жараёнини ҳали тўлиқ жаҳон бозорида рақобатдош субъект тариқасида шаклланмаган. Шу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, тадбиркорлик фаолияти ўзининг тўлиқ ечимини кутаётган муаммодир.

Тадбиркорлик муаммоси ижобий ҳал этишни кутаётган муаммолардан асосийси, давлат билан хусусий мулкчилик муносабатларини ташкил этиш, тадбиркорликни ривожлантириш тизимини ишлаб чиқиш, тадбиркорликни ривожлантириш механизмни бозор шароитларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқиш зарур. Республикада бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорликни (1-расм) ривожлантиришда тадбиркор қуйидаги асосий ва ҳозирги муаммоларни ҳал этганлари тақдирдагина, тадбиркорлик фаолияти барқарор ва самарали ривожланади.

Республикамизда нодавлат мулкчилигига асосланган тадбиркорлик фаолиятини нафақат, шаҳар минтақаларида, балки вилоят туманларида ҳам ривожлантириш асосида ишсизлик муаммосини ҳал этиши мумкин. Қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантиришда қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта саноат асосида ишловчи ва уларга хизмат кўрсатувчи кичик корхоналарни ривожлантириш зарур.

Тадбиркорлик фаолияти асосида яратилган маҳсулотларнинг истеъмол бозори аҳолининг ижтимоий шароитларини яхшилашга хизмат қилади. Тадбиркорлик фаолиятини самарадорлигини таъминлаш унинг субъектлари бўлган хусусий ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари бўлиб, улар ишлаб

чиқараётган товарлар турларини истеъмол бозори талаби асосида янгилаб боришлари лозим.



1-расм. Тадбиркорликнинг муаммолари

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти турли тармоқлар йўналишида ривожланишини таъминлаш учун давлат томонидан уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш зарур. Тадбиркорлик субъектларини бошқарувида уларга ягона талабни қўйиб бўлмайди. Уларнинг фаолияти бозор истеъмол талабларига жавоб бера оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиши шарт. Бу уларнинг самарадорлигини таъминлаш гаровидир. Тадбиркорлик субъектларини бозор талаблари асосида ривожланишига ўтиши муносабати билан хорижий Европа иттифоқи давлатларида кичик тадбиркорлик субъектларини ЯММ ишлаб чиқаришдаги ҳиссалари 70 фоизгача, Россияда эса бу кўрсаткич 12-13 фоизни ташкил этган ҳолда, ЕС мамлакатларида меҳнат ресурсларини бандлиги 80 фоизни ташкил этади.

Республика миллий иқтисодиётини ривожлантиришда тадбиркорлик субъектлари бўлган нодавлат кичик фирмаларни ва яқка тадбиркорликни ривожланиш самарадорлигини таъминлашда ташкил этилган савдо саноат палатаси, уларни давлат муассасалари ва корхоналари билан ҳамкорликда ишлашларига яқиндан ёрдам беришлари зарур.

Тадбиркорлик фаолиятини республикада ривожлантириш усулларида бири, давлат корхоналар ўртасида иқтисодий муносабатларни, йирик компанияларда банд бўлган кичик тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш, уларнинг иқтисодий муносабатларини ривожлантириш ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини самарадорлигини ошириш мумкин. Тадбиркорлик

фаолиятини ривожлантириш учун солиқ тўловлари ва кредит олиш имтиёзларини ривожлантириш зарур.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун кичик тадбиркорлик субъектлари билан йирик компаниялар ўртасида ижтимоий иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан тенг субъектлар тариқасида ташкил этиш зарур. Республикада нодавлат мулкчилик шаклларига асосланган тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини таъминлаш учун давлат томонидан уларни қўллаб қувватлаш дастурини иқтисодий минтақалар хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва уни бажарилишини назорат қилиш зарур.

Нодавлат мулкчилик шаклларига асосланган тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун. Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар йили чоп этилган статистик тўпламларда улар бўйича ЯММ (ЯИМ)ни миллий даромадни, ундаги бандлик, микродаражада умумий молиявий ва солиқ тўлов ҳолатлари экспорт ва импортдаги ҳиссаси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари бўйича ҳажмлари ва қийматлари берилиши зарур.

Республикада тадбиркорлик фаолиятини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ривожлантиришни тартибга солиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелда ПК-2897-сонли “Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 18 апрелдаги ПК-2895-сонли “Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 17 март 2017 йилдаги ПК-2844-сонли қарори. 2017 йил 5 май даги ПФ-5037-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида”ги фармонлари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаолиятларини янада жадал ва барқарор ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини истеъмол талабларини қондириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналарини хомашёлар билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш субъектларини ва хусусий тадбиркорларни меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш асосида таъминлаш мумкин.

Меҳнат унумдорлигини ўсиб боришини таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини сифат даражасини таъминлаш, уларни ишлаб чиқариш ва истеъмол бозорида рақобатдошлигини таъминлайди.

Иқтисодиётда чуқур таркибий тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш барқарор иқтисодий ўсишни, республика мустақиллиги ва Ўзбекистон аҳолиси гуллаб яшнашини таъминлашнинг асосий шартларидан биридир.

Бизга мерос сифатида қолган хомашёга йўналтирилган тармоқ тузилмаси, маънавий ва жисмонан эскирган ишлаб чиқариш базаси ва худудий номутаносибликнинг мамлакатимизни қандай оғир аҳволга солиб қўйганлиги барчага маълум. Шу сабабли ҳукуматимизнинг таркибий тузилмавий сиёсати XXI аср бошида жаҳон бозори ва ички бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи Ўзбекистоннинг принципиал жиҳатидан янги сиёсатини яратишга йўналтирилган. Мамлакатнинг заҳира имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида ижтимоий иқтисодий ривожланишини таъминловчи, мақбул иқтисодий тузилмани бозор талабларига мос равишда шакллантириш зарур.

Иқтисодиётнинг реал секторлари саноат, аграр ва капитал қурилиш соҳаларини ривожлантириш асосида барқарор иқтисодий ўсишга эришиш мумкин. Шу сабабли айнан шу секторларга инвестицияларни йўналтириш, уларни ишончли молиялашни таъминлаш лозим. Хусусий сектор фаолияти учун яратиб берилаётган шарт шароитлар, тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг қулайлашиб бораётган муҳити иқтисодиётимиздаги ижобий силжишларнинг муҳим омилидир.

Ўзбекистонда тадбиркорликни тараққий эттириш сиёсатининг негизи корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади. Корхоналарнинг тадбиркорлик фаолиятларидаги рақобатдошлигини фақат арзон ишчи кучи ва моддий хомашё ресурсларидан фойдаланиш билангина чеклаиб қолмаслик лозим. Чунки асосий ишлаб чиқариш заҳиралари турларининг нархлари тез ошиши ёки мамлакатда ушбу заҳиралар чекланганлиги сабабли беқарордир ва рақобатда узоқ вақт устунликни таъминлай олмайди.

Юқори тартибдаги устунликларга эришиш ноёб маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқариш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, машҳур савдо маркалари яратиш ва фирмаларнинг яхши мавқеини кўтариш зарур.

Ташқи бозорга йўналтирилган юқори технологияли озиқ-овқат саноатини вужудга келтириш ва истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, айниқса, маҳсулотни келажакда муваффақиятли сотувчи хорижий фирмаларнинг технологик занжирига уланган ишлаб чиқаришларини қўллаб-қувватлаш, давлат таркибий тузилмавий инвестиция сиёсатининг устувор йўналиши бўлиши керак.

Тадбиркорликни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун амалга ошириладиган таркибий - тузилмавий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

- биринчидан, тайёр рақобатбардош маҳсулот чиқарилишини таъминловчи янги ишлаб чиқаришлар ва тармоқларни яратиш, ишлаб чиқаришга фан ва техниканинг замонавий ютуқларини, бошқаришнинг илғор шакл ва усуллари кенг киритган ҳолда қайта ишлаб чиқариш заҳираларини тежашга ўтиш;

- иккинчидан, анъанавий ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар ва жиҳозлар билан таъминланган ҳолда ривожлантириш;
- учинчидан, бозор ва ишлаб чиқариш инфраструктураси, мамлакатнинг транспорт, коммуникация, алоқа ва ахборот тизимларини ривожлантириш ва такомиллаштириш.

Маълумки, иқтисодиётнинг замонавий таркиби ишлаб чиқариш харажатларини тежаш, қатъий технологик ва молиявий интизом асосида юқори сифатли рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни назарда тутган. Бозор иқтисодиёти шароитида бозор инфратузилмаси шу жумладан, молия кредит тизимини тадбиркорликнинг ривожланишига жуда кучли таъсир этмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини асл мақсади, фойда олиш бўлгани учун тадбиркор тўпланган маълумотлар асосида бозор муҳитини ўрганиш орқали ишлаб чиқариш жараёнини маълум самарадор йўналишини танлаб олиш мумкин. Аммо, бозордаги аҳволнинг турли кутилмаган омиллар таъсирида ўзгариб туриши ишлаб чиқаришни унга мос олиб бориш муаммосини ҳал этишни қийинлаштиради. Бунинг асосий сабаблари, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

- бозор талаби ҳамма вақт ишлаб чиқаришни имкониятларидан фарқ қилади, бозор механизмлари доимий равишда талаб ва таклиф қонуни асосида ўзгариб туради;

- бозор ва ишлаб чиқариш вақт жиҳатидан бир биридан фарқ қилади.

Шунинг учун тадбиркор ўз тадбиркорлик фаолиятини маркетинг таҳлил асосида узоқ муддатга ишлаб чиқаришни режалаштириши ва уни амалга ошириши лозим. Бозор маркетинги асосида олинган иқтисодий маълумотлар ишлаб чиқариш жараёнини, унинг таркибий тузилишини узоқ муддатга истиқболлаштиришини таъминлайди. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик ички ишлаб чиқариш муҳитини шакллантириш учун ишлаб чиқаришни истиқболлаштириш режаларини бир неча вариантларини ишлаб чиқиш ва унинг энг оптималини танлаб олиши ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Тадбиркорлик фаолиятининг самарали олиб борилиши, тадбиркорнинг ўзига боғлиқ бўлмаган ташқи шарт шароитларга ҳам боғлиқ. Бу ўринда биз икки омилни ҳал қилувчи деб ҳисоблаймиз:

- ҳуқуқий омил, бу асосан давлат томонидан қабул қилинган қонунлар асосида тадбиркорлик фаолиятини белгилаб беришда ифодаланади. Албатта, бу қонунлар тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялаши ва рағбатлантириши лозим. Шунинг учун бу қонунлар ижтимоий тараққиёт талабларини чуқур ўрганиш асосида доимо такомиллаштириб борилиши зарур;

- сиёсий омил бу давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширилишидаги ҳозирги ҳолатга бўлган муносабатида ифодаланади. Чунки, давлат ўзининг қонун ва қарорлари билан тадбиркорлик фаолиятига, унинг ишлаб чиқариш жараёнларига омманинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таъсир этади. Сиёсий омил тадбиркорлик фаолиятини тўғри йўналтиришга, ишлаб чиқариш жараёнини, жамият аъзоларини истеъмол талабларини тўлиқ

қондириш учун зарур бўлган барча шарт- шароитларни яратиб беришга қаратилиши керак.

Иқтисодий сиёсатда доимийлик муҳитининг таъминланиши тадбиркорлар учун ўз тадбиркорлик фаолиятини истиқбол режалари асосида амалга оширишни таъминлайди. Сиёсий омил нафақат сиёсий муҳитга, балки ижтимоий муҳитга ҳам боғлиқдир. Ижтимоий муҳит, бу асосан жамият аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий яшаш даражаларида ифодаланади. Ижтимоий муҳитнинг қай даражада эканлигини қуйидаги омиллар асосида аниқлаш мумкин:

- жамиятнинг қай йўналишида ривожланиши, унинг мақсади;
- миллий урф- одатларга риоя қилиши;
- миллатнинг маълумот даражаси;
- миллий бойлик;
- миллий маданиятнинг хусусиятлари;
- ишчи кучларининг касб- х-хунар бўйича тайёргарлик даражалари;
- тадбиркор ва тадбиркорлик фаолиятига бўлган жамоатчиликнинг муносабати;
- ижтимоий- иқтисодий инфраструктуранинг мавжудлиги.


Иқтисодий омил тадбиркорлик фаолиятида тадбиркорлар ўртасида бозор механизмлари остида талаб ва таклиф асосида ишлаб чиқариш воситалари, хомашёлар, иш кучлари ва тайёр товар маҳсулотларига ёки кўрсатилаётган хизматларга шаклланидиган баҳоларда ва тадбиркорлар ўртасидаги рақобатда ифодаланади. Ишлаб чиқарилган товарларда баҳоларнинг шаклланишида юқорида келтирилган омиллар билан бирга тадбиркорларга бериладиган кредитлар учун олинадиган фоиз миқдорлари ва уларнинг даромадларини солиққа тортиш даражалари билан бирга белгиланган мажбурий тўловлар миқдори ҳам катта аҳамиятга эга. Иқтисодий омил сифатида манфаатдорлик даражасини оширишда бозор рақобати жараёнининг миқдорий ва сифат жиҳатларига эътибор бериш лозим. Рақобатнинг миқдорий жиҳати тадбиркорни қай ҳажмда маҳсулотни истеъмолчиларга сота олишининг ифодалаб беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадбиркор сотиш мумкин бўлган ҳажмда товар ишлаб чиқаришни амалга ошириши керак. Демак, иқтисодий омилнинг сифат жиҳатидан унинг миқдорий томонини, истеъмолчилар талабидан келиб чиққан ҳолда оширишни таъминлайди. Умуман иқтисодий омилни миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирларини ўсишига ижобий ва салбий таъсир этишлари мумкин.

Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш жараёнида олишни кўзлаган даромад даражаси аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаби ҳажмига ва уларнинг тўлов қобилиятларига боғлиқдир. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш жараёнидаги маҳсулотларнинг баҳолари ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари ва унинг сифатидан келиб чиқиши лозим. Бу ўз навбатида тадбиркорлик муҳити билан боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик муҳитини шакллантириш қуйидагиларга боғлиқ:

- жамиятнинг сиёсий, ижтимоий иқтисодий жиҳатдан ўзгаришига;
- жамият аъзолари психологиясининг ўзгаришига;
- иқтисодиётни ривожлантириш миллий стратегиясига;
- қабул қилинган миллий иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мос тадбиркорлик инфратузилмаларини шаклланишига;
- эркин бозор иқтисодиёти муносабатларининг мустаҳкамлаб ва кенгайтириб борилишига.

Тадбиркорлик фаолиятларини шаклланиши ва унинг натижаси қуйида келтириляётган (2-расм)да кўриш мумкин.



2-расм. Тадбиркорлик фаолиятларини шаклланиши

Тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланиши ўзининг минтақавий, миллий ва халқаро хусусиятларига эгадир. Тадбиркорликнинг регионал, яъни минтақавий хусусиятлари ҳар бир минтақанинг иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиқишига боғлиқ бўлса, унинг миллий хусусиятлари шу мамлакатнинг тарихий тараққиёти, маданияти ва миллий анъаналарига боғлиқ ҳолда вужудга келади. Тадбиркорлик муҳити ҳал қилувчи даражада мамлакатнинг ички омиллари билан белгиланади, унинг халқаро давлатлар уюшмалари асосида шаклланиши ва ривожланиши мақсадга мувофиқ эканлиги ҳам аниқ ҳақиқатдир. Тадбиркорлик фаолияти иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ўта муҳим аҳамият касб этади, айниқса жамият аъзоларининг меҳнатга лаёқатли қисмини ишлаб чиқаришда фаол қатнашишлари учун иш жойлари билан таъминлаш асосан унинг зиммасига тушади. Шунинг учун давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қуйидагиларга эътибор беришни кучайтириш зарур:

- тадбиркорлик фирмаларининг расман шаклланишининг тартиб қоидаларини янада такомиллаштириш, бу борада муассасалар томонидан мунтазам бепул маслаҳат ва кўмак берилишини жорий этиш;

- тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун давлат томонидан иқтисодий имтиёзлар бериш даражасини янада такомиллаштириш;

- хусусий корхоналарнинг энг илғор технологиялар билан таъминланиши, техникавий қайта куруллантририлишида иқтисодий имтиёзлар берилиши билан биргаликда техникавий характердаги чекловларни юмшатиш, техникавий рухсат бериш ва назорат тизимларини соддалаштириш;

- ишлаб чиқарилган товар маҳсулотларини экспорт қилинишини рағбатлантириш дастакларини янада такомиллаштириш, экспортнинг молиявий ва ҳисоб китоб режимини эркинлаштириш, экспорт хатарларини биринчи навбатда суғурталаш режими орқали чеклашни кенг жорий этиш.

Тадбиркорлик муҳитини шаклланиши жамиятдаги ижтимоий ривожланишнинг мазмуни ва йўналишига боғлиқ бўлади. Жамиятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг яхшироқ қондирилиши тадбиркорликнинг микдорий ва сифати ўсиши даражасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам давлат бошқарув идоралари иложи борица тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатларини оширадиган иқтисодий муносабатларини шакллантирилишни таъминлашлари керак. Тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидагиларга амал қилиши лозим:

- ишлаб чиқариш жараёнида яратган товарларини рақобатбардош, сифати юқори даражада бўлиши;

- ишлаб чиқараётган товарлари ёки кўрсатаётган хизматлари баҳоларини шундай турдаги товарлар ёки кўрсатилаётган хизматларга нисбатан арзон бўлиши;

- истеъмолчилар талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини белгилаш лозим.

Тадбиркор ўзи ишлаб чиқараётган товарларни сотиш концепциясини, стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозим. Тадбиркорлик муҳитини шаклланиши ижтимоий ва иқтисодий муҳит билан узвий боғлиқдир.

- тадбиркорлик фаолиятини асл мақсади фойда олиш бўлгани учун тадбиркорнинг энг зарур вазифаларидан бири тадбиркорлик фаолиятини юритиш соҳаси бўйича зарур бозор маълумотларига эга бўлиш ва уни таҳлил қилиш асосида тадбиркорлик фаолиятини белгилаб олиш;

- бозор ҳолати билан ишлаб чиқариш тармоқлари таркиби ўртасидаги мувофиқликни ўрнатиш мураккаб муаммо бўлиб, механизмлари, талаб ва таклиф қонуни асосида доимий равишда ўзгариб туришини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириб бориш зарур;

- экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш учун ўз вақтида танланган устуворликларга мувофиқ фаолият кўрсатувчи экспортчи корхоналарнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилиши механизмини такомиллаштиришга доир чоралар кўриш, шунингдек, уларнинг инвестиция фаоллигини қўллаб қувватлаш;

- экспорт тузилмасини ўзгартириш мақсадида товарларнинг хомашё номенклатурасидан тортиб, юқори технологияли ва кўп илмий изланишлар талаб қилган маҳсулотларгача бўлган экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларнинг тармоқ ва ички тармоқ тузилмасини такомиллаштириш зарур.

Тадбиркорликни назарий ва амалий жиҳатдан ривожланиш концепцияси механизми ҳамда тенденцияларини ўрганиш асосида қуйидаги хулосалар олинди:

- тадбиркорлик иқтисодий тарихий категория бўлиб, эркинлаштирилган бозор иқтисодиёти шароитида инсонларнинг тадбиркорлик фаолиятлари кенг даражада ривожланади. Тадбиркор фойда олиш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни жалб қилиш орқали жамият эҳтиёжларини тўлиқ қондириш йўллари изловчи жамият иқтисодий жараёнининг иштирокчисидир, тадбиркорлик фаолияти фақат эркинлаштирилган бозор иқтисодиётида ривожланиши мумкин. Иқтисодий эркинлик тадбиркорнинг шахсий эркинлиги билан боғлиқ ҳолда тадбиркорлик фаолиятини кенг доирада ривожлантиришга асос бўлиши керак;

- бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик узвий боғлиқликда бир-бирига таъсир этиши орқалигина умумий аҳоли манфаатлари талабларига жавоб бера оладиган ижтимоий-иқтисодий тадбиркорлик самарадорлигини таъминлай олади;

- бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тартиб тадбиркорлик фаолиятида банд бўлган иш кучларини, иш ҳақларини талаб даражасида бўлиши ва тадбиркор олаётган фойда, муомалага чиқарилган пул маблағини ишлаб чиқарилаётган товарлар қийматига ва уларни эркин сотиб олишига боғлиқ бўлиб, иқтисодий тартиб турли мулкчилик тизимига асосланган бозор иқтисодиёти шароитида улар ўртасидаги иқтисодий тенгликни таъминлайди;

- тадбиркор бозор истеъмол талаблари асосида ишлаб чиқариш жараёнини истеъмол талабларига монанд ишлаб чиқаришни ривожлантира боришни таъминлашга таъсир этувчи омиллар тизими ишлаб чиқилган;

- тадбиркорлар ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини юритишда қуйидаги икки иқтисодий моделга асосланишлари мақсадга мувофиқ:

- анъанавий соҳалар ва тармоқларда иш олиб бориш;

- инновацион тадбиркорлик, ишлаб чиқаришнинг эски структуралари ўрнига янги ишлаб чиқариш структураларини жорий этиш, янги сифатли маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилишидан иборат бўлиши керак.

- тадбиркорлик фаолиятида меҳнатни мотивациялаш мақсадли бўлиши керак. Тадбиркорлик фаолиятини самарали ривожланиб боришини таъминлаш учун тадбиркор ҳар бир тадбиркорлик йўналишида банд бўлган меҳнат ресурсини бажарадиган ишларини назорат қилиб бориш зарур.

- эркинлаштирилган бозор иқтисодиёти шароитида кичик тадбиркорликни ривожлантиришдан мақсад нафақат аҳоли бандлигини таъминлаш, балки давлат бюджетини тўлдирувчи асосий ишлаб чиқариш йўналишларидан бири деб қараш зарур деб ҳисоблаймиз.

- Англия, АҚШ, Канада, Бразилия, Аргентина, Хитой, Россия ва бошқа ривожланган мамлакатларда ташкил этилган ахборот-марказлари орқали тадбиркорликни ривожлантиришда ҳар бир ҳудудда улар томонидан кичик тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш харажатларини асосланганлигини, бизнес-режани асосли тузилганлигини, уларга юридик, иқтисодий ахборот хизматларини, уларга зарур бўлган малакали ишчи ва мутахассисларни тайёрлаш бўйича берилаётган ёрдам тажрибаларидан республикамиз иқтисодиётида тадбиркорлик ва кичик тадбиркорликни ривожлантиришда фойдаланишни тавсия қилиш мумкин.

- бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик муҳитини шакллантириш қуйидагиларга алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқ:

- жамиятнинг сиёсий, ижтимоий иқтисодий жиҳатидан ўзгаришига;
- жамият аъзолари психологиясининг ўзгаришига;
- иқтисодиётни ривожлантириш миллий стратегиясига;
- қабул қилинган миллий иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мос тадбиркорлик инфратузилмаларини шаклланишига;
- эркин бозор иқтисодиёти муносабатларининг мустаҳкамлаб ва кенгайтириб борилишига.

Тадбиркорлик муҳитини шаклланиши жамиятдаги ижтимоий ривожланишнинг мазмуни ва йўналишига боғлиқ бўлади. Тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидагиларга амал қилиши лозим:

1. ишлаб чиқариш жараёнида яратган товарларини рақобатбардош, сифати юқори даражада бўлиши;

2. ишлаб чиқараётган товарлари ёки кўрсатаётган хизматлари баҳоларини шундай турдаги товарлар ёки кўрсатилаётган хизматларга нисбатан арзон бўлиши;

3. истеъмолчилар талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини белгилаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабрь. <https://constitution.uz/uz/clause/index>

2. Тадбиркорлик фаолияти еркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги "Ўзбекистон республикаси қонуни.3 модда , 2000 йил 25 МАЙ. Ўзбекистон республикаси президентининг 2016 йил 5 октябрьдаги"Тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожланишини таъминлашга,хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4848-сон фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида"ги ПФ-5037-сонли фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-

қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ-5780-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 мартдаги “Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2844-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2895-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелда “Ўзбекистон республикаси хусусийлаштирилган кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПК-2897-сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПК-4417-сон Қарорига.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 майдаги “Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмининг такомиллаштириш тўғрисида”ги 232-сон қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 февральдаги “Ўзбекистон республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги 77-сон қарори.

11. Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4551>

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.: “Халқ сўзи” 2017 йил 27 декабр 4 бет.

13. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигини гарови. Т.: “Ўзбекистон”. 2017. 20 бет.

УДК: 330.8

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ
ХАВФСИЗЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА А.СМИТ Д.РИКАРДО ВА ДЖ.
М.КЕЙНС НАЗАРИЯЛАРИНИ ЎРНИ**

**МЕСТО ТЕОРИИ А.СМИТА, Д.РИКАРДО, ДЖ. М.КЕЙНСА В
УСЛОВИЯХ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ В ОБЕСПЕЧЕНИЕ
ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ**

**THE PLACE OF THE THEORY OF A. SMITH, D. RICARDO, J. M.
KEYNS IN A MARKET ECONOMY TO ENSURE ECONOMIC
SECURITY**

Мўйдинов Х.А. (Андижон қурилиш иқтисодиёт институти)

***Аннотация.** Мақолада иқтисодий шароитда, иқтисодий хавфсизликнинг олдини олишда А.Смит, Д.Рикардо ва Дж. М.Кейнс назарияларининг бозор хавф-хатари олдини олишдаги ўрни ёритиб берилган.*

***Калитли сўзлар:** иқтисодий хавфсизлик, талаб, таклиф, меҳнат, товар, пул, ишлаб чиқариш, самара, харажат, қиймат, қиймат назарияси, меҳнатни қиймат назарияси, R-режали фойда, макроиқтисод, фойда, инвестиция.*

***Аннотация:** В статье рассматриваются роль экономических учений А.Смита Д.Рикардо и Дж. М.Кейнс прасматрывается их учение в преодоление в рыночных условиях риска.*

***Ключевые слова:** экономическая безопасность, спрос, предложение труд, товар, деньги, производство, эффективность, затраты, стоимость, теория стоимости труда, План-Р, прибыль, макроэкономика, прибыль, инвестиция.*

***Annotation.** The article discusses the role of the economic doctrines of A. Smith, D. Ricardo and J. J. M.Keynes as their doctrine in overcoming market conditions of risk.*

***Key words:** economic security, demand, supply, labor, goods, money, production, efficiency, costs, cost, labor cost theory, Plan-R, macroeconomics, profit, investment.*

Бозор иқтисодиёти шароитида унинг иқтисодий қонунлари талабларидан келиб чиққан ҳолда миллий иқтисодиётни ижтимоий ва иқтисодий жихатдан ривожланиши ва уни барқарор самарадорлигини таъминлаш, эркин рақобат асосида товар ва пул муносабатларини ташкил этилишини, унинг асосий иқтисодий қонуни бўлган талаб ва таклифга асосланган ҳолда олиб боришга асосланади.

Ишлаб чиқариш субъектлари билан истеъмолчи субъектлар ўртасидаги муносабатни бозор, яъни эркин рақобатга асосланган бозор ташкил этади.

Бозор иқтисодиётини ривожланиб бориши меҳнат тақсимотига ва турли товарларни ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодий муносабатларни такомиллаштириб боришга асосланади.

Бозор шароитида турли мулкчилик шаклларига асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этувчи ва олиб борувчи субъектлар ўртасидаги рақобат жараёнини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашёга, ишлаб чиқариш воситаларига ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишда зарур бўлган товарларга бўлган ишлаб чиқариш субъектлар ўртасидаги рақобат асосида амалга ошади.

Ҳар бир бозор иқтисодиёти шароитида ўзининг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш фаолиятини ишлаб чиқарган, кўрсатаётган хизматларга қараб уларнинг яратган товар маҳсулотларига ва кўрсатилаётган ижтимоий хизматларини истемолчиларни харид қилиб олинанишдан, улар ўзларининг меҳнатларини қанчалик зарур этганлигини истемол бозорида меҳнат маҳсулотларига ва хизматларига бўлган талабни пулда ифодаланиш даражасига қараб аниқлайдилар.

Меҳнат натижалари асосида яратилган талаб уларни ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш зарур ёки зарур эмаслигини аниқлайди.

Бозор иқтисодиёти иқтисодий категория у асосан ижтимоий-иқтисодий тараққий ривожланишини товар ва пул муносабатлари асосида иқтисодий ривожланишга асосланган иқтисодиётга тааллуқлидир. Бозор иқтисодиёти тарихий ривожланиб келаётган иқтисодий категориядир.

Капиталистик носинфий ишлаб чиқариш жараёнида яшаб ўтган Адам Смит (1723-1799) ўзининг табиат таҳлили ва аҳолининг бойлиги тўғрисидаги асарида 18 асрда сиёсий иқтисодиётда энг асосий асар, деб ҳисобланган. Адам Смит ўзининг даврида синфий капитализмни кўзга кўринган вакили бўлган.

Адам Смит меҳнат қиймат назариясини товар алмашув қийматини тартибга солувчи омил, деб ҳисоблайди. Капитални эса ишлаб чиқаришни қуроли ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатнинг қийматини ташкил этишда сезиларли аҳамиятга эга эмас, деб ҳисоблаган.

Жамиятда ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулот тақсимотида А.Смит ишлаб чиқариш омилларини ишлаб чиқарилган маҳсулот тақсимотида уч синфини капиталистлар, ёлланма ишчилар ва ер эгалари ўртасида тақсимланишини кўрсатиб, жамиятда ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнат ресурсларининг меҳнатини унумдорлигини инкор этган.

Адам Смит тараққиётни ишлаб чиқаришнинг асосий двигатели- мулк, деб ҳисоблаган.

Инглиз иқтисодчиси Давид Рикардо (1773-1823йилларда) яшаб, ижод этган буюк иқтисодчилардан ҳисобланади. У 1817 йилда "Сиёсий иқтисоднинг бошланиши ва солиққа тортиш" деган буюк асарини ёзган. Бу асар синфий капитализм даврининг бошланиши билан боғлиқ бўлиб, капиталистик сиёсий иқтисодга асос солди.

Давид Рикардо ўзининг асарида, меҳнатнинг қиймат назарияси сиёсий иқтисодни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга, деб таъкидлайди.

Мехнатнинг қиймат назарияси ва унга асосланган тақсимот назарияси, иқтисодиётни иқтисодий жиҳатдан таҳлил этишда иқтисодий жараён эканлигини асослаб берган.

Аммо, ҳозирги даврда Адам Смитнинг назариясини, услубий моҳиятини бозор иқтисодиётини таҳлил этишда, ҳозирги давр иқтисодчилари инкор этадилар.

Давид Рикардо шундай хулосага, яъни ишлаб чиқарилган товар унга сарф этилган меҳнат товар қийматини ишлаб чиқаришга сарф этилган меҳнат билан эмас, балки уни ишлаб чиқариш учун сарф этилган, мавжуд шароитда уни ишлаб чиқариш учун сарфланган зарурий меҳнат билан тармоқ йўналишини ишлаб чиқариш жараёнида нархларни шаклланишига боғлиқ, деб ҳисоблаган.

Шу даврдаги саноатни ривожланишида бўлган туб ўзгаришлар саноат ишлаб чиқаришда капитал жамғаришни ташкил топишига, яъни ишлаб чиқариш капиталини ўсишига ва ишлаб чиқариш воситалари қийматини яратишга сарфланган меҳнатини, товар ишлаб чиқаришига бўлган харажат тариқасида кўра билган. У ишлаб чиқариш воситалари, яъни қийматини яратмаслигини асослаб берган, яъни уларнинг қиймати ўтмиш меҳнатни товарда ифодаланиши, деб ҳисобланган. У қийматни товарни қийматига ўтишида кўрган. У қатъий равишда, ишлаб чиқариш воситалари қийматини ўтмиш меҳнат харажатларини янги яратилган товарда кўради.

Товарлар меҳнатини ўтмиш меҳнат яратади, деб ҳисоблайди.

У ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ижтимоий маҳсулот қийматига, ишлаб чиқариш воситалари ўзларининг қийматларини тўлиқ ишлаб чиқарилган товарларда кўради.

Ижтимоий маҳсулотни даромадларга бўлинади, деб ҳисоблаган.

Қиймат назариясига асосланган ҳолда, у олинган фойда товар қийматининг бир қисми бўлиб, ёлланма меҳнат бир қисмини ташкил этади, деб ҳисоблаган. Аммо, Давид Рикардо фойда назариясида уни қиймат қонуни назарияси нуқтаи назариясидан кўрмаган.

Давид Рикардо унинг келиб чиқиш сабабларини кўрсатмаган. У ишлаб чиқарилган товарларни сотиш ва сотиб олишни мулк эгалари ва ёлланма меҳнат ўртасидаги муносабатда кўрган. Агарда Давид Рикардо меҳнатни товарда кўра билганида эди, у қиймат қонунига асосланган ҳолда, ишчи кучини товар тариқасида ижтимоий жамиятда кўра билиши, лозим эди.

Бу ҳолатда, ишчи товар сифатида ўз қийматини тўлиқ олиши натижасида алмашув эквивалент ҳолатида бўлар эди. Иқтисодчилар фикрларига асосланган ҳолда, меҳнатни товар эканлигини эътиборга олган ишчи кучи қиймати қонунидан ишлаб чиқилса, ишчи кучи яратган барча қийматни ишлаб чиқарилган товарлар қийматига эквивалент равишда тенгликга эга эканлиги, ишчи кучи томонидан яратилган қийматни ифода этади.

Бу ҳолатда ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ уч омил, ўзларини сарфлаган қийматларига тенг бўлган ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотдан

улушларини олиш натижасида, қўшимча қиймат юзага келмаслигини кўриш мумкин.

У капиталистик ишлаб чиқариш жараёнида бўлаётган синфий қарама-қаршиликларни ёпиш мақсадида, иш ҳақи ва фойда тескари нисбатларда(пропорционалликда)боғлиқ бўлади, деб ҳисоблайди. Давид Рикардонинг илмий тадқиқотларида эришган ютуғи, меҳнатни қиймат назариясини ўрганишда эмас, балки уни ўрганиш услубиётида эканлигини иқтисодчи Г.Мюрдал айтиб ўтган.

Унинг иқтисод назариясини ривожлантиришда асосий илмий ҳиссаси, тақсимот назариясидир. Бу тақсимот назарияси қиймат қонунига нисбатан мустақил равишда ишлаб чиқилган, Давид Рикардо ташқи савдо назариясини ва халқаро меҳнат тақсимотини ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш харажатларини таққослаш назариясига асос солди.

У бойликни кўпайишига асосий сабабни меҳнат тақсимотида кўрган. Меҳнат тақсимоти, меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий омилидир, деб ҳисоблаган.

Маҳсулотларни импорт қилиш сабабларини қуйидагича асослаб берган:

Биринчидан, товарларни айрим турларини ички маълум бир мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш шароитларини йўқлиги; иккинчидан, ички товарларни ишлаб чиқариш харажатларини ташқи мамлакатларда, товарларни ишлаб чиқариш харажатларини ташқи мамлакатларда, товарларни ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан камлиги; учинчидан, ташқаридан ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан, ишлаб чиқариш харажатлари кўп бўлган товар ишлаб чиқариш харажатларини, меҳнат харажатларини камайтириш мақсадида хориждан товарларни импорт қилиш афзаллигини, асослаб берган.

Бозор иқтисодиёти назариясини ривожлантиришда роли катта. Инглиз иқтисодчиси Джон Мейнорд (1883-1946) йилларда яшаб ўтган. У давлат арбоби бўлиб, XX асрда кейсинанчилик оқимига асос солган шахс ҳисобланади. Джон Мейнор Кейнс Цтоне ва Кембридж Қироллиги коллежида (1902-1906йилларда) А.Маршал маърузаларини эшитган. 1920 йилдан бошлаб Кембридж университетида ўқиган. У ўзининг биринчи иқтисодий илмий иши бўлган Индекс услубига 1909 йилда Адам Смит мукофот олишга сазовор бўлган.

Джон Мейнорд Кейнс 1936 йилда "Бандлик умумий назарияси фоиз ва пул" асарида кейнсматччиликнинг асосий ҳолатини асослаб берган. У 1939-1945 йилларда молиявий муаммоларни ривожлантиришга эътибор берган.

Молиявий ресурсларни жалб этиш, банкдаги жамғармаларни жалб этиш, мажбурий жамғармаларни ташкил этиш устида ўзининг илмий ишларини олиб борган. Джон Мейнорд Кейнс 1940 июль ойидан бошлаб, пул жамғармаларини бошқарган ва ҳарбий харажатларни рўйхатга олган. Джон Мейнорд Кейнс 1941йилда Буюк Британиянинг банкларидан бирининг директорлик вазифасини бажарган. Лордлар ҳисобот палатасини аъзоси бўлган. Джон Мейнорд Кейнс 1944 йилдан Бретон-Вудс жаҳон валюта

конференциясида Халқаро Валюта фондини(MBV) ташкил этишда ҳамда халқаро қайта қуриш ва ривожлантиришни (ХРРБ)ташкил этиш режаларини асосий ҳолатларида қатнашган. Унинг бошчилигида ишлаб чиқилган R режаси Халқаро қайта қуриш ва ривожлантириш банки фаолиятини ташкил этишга тавсия қилинган.

R режаси Буюк Британияда 1944 йилда унинг илмий қарашларини ўз ичига олган ҳолда, Пул реформаси трактати R га асосан халқаро молиявий ташкилотларга Буюк Британия вакили сифатида киритилган.1945 йил май ойида Буюк Британиянинг қўшма ҳукумати томонидан оқ китобда бандлик сиёсати тўғрисида биринчи давлат иқтисодий дастури R режасидаги фикрларига асосланган, Джон Мейпард Кейнс Лондон Қироллик Жамияти аъзоси бўлган.

Джон Мейнард Кейнснинг R назарияси кўп мамлакатларнинг иқтисодчи олимлари томонидан, жумладан АҚШ ва Англия олимларидан У.Боверидж, С.Хоррис, А.Хонсен, А.Лейнер, Э.Э.Домар ва бошқа олимлар иқтисодий сиёсатга сезиларли равишда ўз таъсирларини кўрсатганлар.

R режаси тадқиқоти предмети бўлиб, уни такрор ишлаб чиқаришда функционал боғлиқлиги микдорий даромад, инвестиция, аҳолини иш билан бандлиги, истеъмол ва жамғарма муомаладаги умумий пул айланмаси, нархлар даражаси, иш хақи, фойда ва фоиз ҳисобланган.

Ишлаб чиқаришни функционал R режаси хўжалик сиёсатини давлат монополистик капитализми учун кейсиан сиёсатини революцион тарзда амалга оширишнинг услуби шаклида хизмат қилади.

Амалиётда кейсиан дастурини қўллаш амалиётда иқтисодиётни циклик усулда ривожланиши жараёнида бўладиган иқтисодий ривожланиш, таснифларни ривожланиши уларда бўладиган нисбатларни бузилишини инфляция ва ишсизликни олдини ололмайди.

Джон Мейнард Кейнснинг иқтисодиётни бозор иқтисодиёти асосида ривожланиш билан боғлиқ R режаси, Иккинчи жаҳон урушидан кейин иқтисодчи неокейнс олимлар томонидан янада аниқ, амалий ривожлантириш олиб борилмоқда.

Джон Мейнард Кейнс томонидан яратилган макроиқтисодий ривожланиш назарияси тан олинган ва бозор иқтисодиёти шароитида давлат томонидан бозорни бошқаруви зарурлигини асослаб берган.

Джон Мейнард Кейнс биринчи буюк депрессия (1929-1933) даврига ўзининг муносабатини билдирган. Бу Буюк депрессия даври макроиқтисодий даражада уни олдини олиш қобилиятига эга эмаслигини кўрсатди. Буюк депрессия даврида иқтисодий инқирозларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан келиб чиққан сабабларини унинг олдини олишни синфий жамият ҳал эта олмаслигини Джон Мейнард Кейнснинг R режаси унинг "Умумий бандлик назарияси, фоиз ва пул"(1939й.) асарида тўлиқ ёритиб берилган. У томонидан чоп этилган илмий ишининг асосини капиталистик ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришда давлат томонидан иқтисодиётни ривожлантиришни тартибга солиш асосида хавф солаётган иқтисодий зиддиятларни олдини олиш, уни бартараф этиш ва ижтимоий ишлаб чиқариш

жараёнини ривожлантиришдан иборат бўлган. Джон Мейнард Кейнс ўзининг назарияларини амалга оширишнинг бирдан бир йўли, макроиқтисодий даражада ривожлантириш услубини қўллаш ва қуйидаги ишлаб чиқариш жараёнини асосий агрегатлари бўлган макроиқтисодий даражада таҳлилни ўйлагаган макроиқтисодий даражада даромад, ижтимоий тақлиф, ижтимоий талаб, бандлик, жамғарма ва инвестицияни ўрганиш зарур эканлигини, кўрсатиб берган.

Иқтисодий ривожланишга таъсир этувчи асосий омил ва иқтисодий инкироз дефляциядан олиб чиқиш бўйича, Джон Мейнард Кейнс ижтимоий талабни ўсишига боғлиқ, деб ҳисоблаган. Унинг фикрига ижтимоий талаб қуйидагиларга боғлиқ: аҳолининг истеъмол корхона инвестицияси ва давлат харажатлари. Джон Мейнард Кейнс назарияси истеъмолини бошқарув концепцияси ифода этади. Иқтисодий хавфсизликнинг олдини олишда, иқтисодчи олимлар А.Смит, Д.Рикардо ва Дж.М.Кейнснинг иқтисодий назарияларини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келдик;

-бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий кризис, иқтисодий категория бўлиб, доимий равишда бўлиб туриш хавфини олдини олишда, А.Смит меҳнатни қиймат назарияси орқали товаралмашув қийматини тартибга солиш зарурлигини асослаб берган;

-ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар зарурий меҳнат нархларни шаклланиши билан боғлиқ;

-Д.Рикардонинг фойда назарияси қиймат қонуни асосида кўрилмаган. Товарларни сотиш ва сотиб олишни ёлланма меҳнат ўртасидаги муносабатда кўрган;

-мамлакатлардан товарларни импорт қилиш асослаб берган;

-Д.Мейнард Кейнснинг R режаси такрор ишлаб чиқаришни функционал ривожлантиришни такрор ишлаб чиқариш қонуниятлари асосида олиб боришни тартибга солиш, R режаси асосида хўжалик сиёсатини, давлат монополистик капитализм учун Кейнс сиёсатини амалга оширишнинг услубий шаклда хизмат қилади, деган хулосага келинган;

-Д.Мейнард Кейнс макроиқтисодий даражада даромад, ижтимоий тақлиф, ижтимоий талаб, бандлик, жамғарма ва инвестицияни ўрганиш зарурлигини асослаб берган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Абалкин Л.Динамика и противоречия экономического роста. №1,2001.
- 2.Абулқосимов Х.П. Иқтисодий хавфсизлик Т.Академия 2006.
- 3.Экономическая энциклопедия.Л.М.1999 282,688,734.
- 4.Қодиров А. Иқтисодиёт назарияси Т.2012.
3. Абулқосимов Х.П. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш.Т, Noshirlik yog`dusi”2018.

Muassis: Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti

Muharrirlar:

dots. N.A.Kudratxodjayeva

Texnik muharrir:

I.M.Nigmatullayev

Ro‘yxatdan o‘tish tartibi № 4715

Jurnaldan ko‘chirib bosilganda «Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti» dan olindi, deb yozilishi shart

Chop etishga tavsiya etildi: _22.10.2022 nusxa 15

Format 70x108 1/8. Shartli bosma taboq 10,0. Buyurtma №__ 5__

Sotuvda kelishilgan holda

ООО «KLASSIC PRINT» MCHJ bosmaxonasida chop etilgan.

Toshkent sh., Chilonzor ko‘chasi 19, 28-uy

Учредитель: Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Редакторы:

доц. М.И.Саидкаримова

Тех. редактор:

И.М.Нигматуллаев

Регистр № 4715

При использовании материалов журнала «Новая экономика Узбекистана» необходимо сделать на него ссылку

Подписано к печати: 22.10.2022

Формат 70x108 1/8. Усл. печ. л. 10,0 Тираж 15 экз. Заказ №__ 5__

Цена договорная

Отпечатано в типографии ООО «KLASSIC PRINT» г. Ташкент, ул Чилонзор 19, 28 дом.

Founder: The National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Editors:

I.M.Nigmatullayev

Technical editor:

I.M.Nigmatullayev

Registration № 4715

When copying the entire journal material, it should be indicated that material was taken from the journal: “The economy of New Uzbekistan”.

Signed for printing: 22.10.2022

Format 70x108 1/8. The number of printed pages accepted 10,0. Circulation 15 copies. The order № 5

Cost agreed.

Printed at the Tashkent ООО «KLASSIC PRINT» MCHJ. Press. Tashkent, Chilanazar street 19, 28.

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ” ЖУРНАЛИГА МАҚОЛА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ

Журнал таҳририяти 5 бетдан кам бўлмаган ҳажмдаги мақолани қабул қилади. Мақола матни Microsoft Word дастурида 14 шрифт ўлчамида, 1.5 интервалда, юқоридан ва пастдан 2 см, ўнгдан 2 см, чапдан 2.5 см жой қолдирилиб, таҳририятга топширилиши лозим. Мақолада чизма, графиклар, жадваллар ва расмлар келтирилиши мумкин. Журнал бир йилда 6 марта нашр этилади.

Мақола таркиби:

- юқорида чап томонда УДК кўрсатилади;
- муаллиф исм-шарифи ўзбек, рус ва инглиз тилларида қисқартирилмаган ҳолда ўнг томонга ёзилади;
- шаҳар ва ташкилот номи;
- мақола номи ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилади;
- мақола номидан сўнг ўзбек, рус ва инглиз тилларида аннотация ва калит сўзлар ёзилади.
- матн сўнггида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилади.

ТРЕБОВАНИЯ ОФОРМЛЕНИЯ СТАТЬИ В ЖУРНАЛ “НОВАЯ ЭКОНОМИКА УЗБЕКИСТАНА” НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕКА

Редакция журнала принимает статьи объемом не менее 5 страниц набранных в редакторе Microsoft Word в виде компьютерного файла. Шрифт - Times New Roman – 14, междустрочный интервал 1.5, все поля страницы сверху и снизу – 2 см, справа – 2 см, слева – 2.5 см. В статью можно добавлять графические материалы – рисунки, таблицы и т.д.

Структура статьи:

- в верхнем левом углу указывается УДК;
- имя и фамилия автора без сокращений на узбекском, русском и английском языках по правому краю;
- название города, организации;
- название научной статье на узбекском, русском и английском языках;
- после названия статьи аннотация, ключевые слова на трех языках;
- список источников и литературы размещается в конце текста.

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

5

ISBN 978-9943-5256-3-4

Qog‘oz bichimi 60x84 1/16. Times New Roman
garniturasida terildi.

Ofset uslubida oq qog‘ozda chop etildi.

Nashriyot hisob tabog‘i 7, Adadi 15. Buyurtma № 5

Bahosi kelishuv asosida

OOO «KLASSIC PRINT» MCHJ MChJ

bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent shahar Chilonzor tumani,

Chilonzor ko‘chasi 19, 28-uy